Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ * ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ *

1931 йилдан чиқа бошлаган 2001 йил 8 декабрь, шанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 97 (7396)

ҚОНУНГА ҲУРМАТ, ҚОНУНГА ИТОАТ ҲАЁТИМИЗ МЕЗОНИ БЎЛСИН

Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Конституциясининг 9 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Муҳтарам дўстлар!

Авваламбор, бугунги қутлуғ айём - Конституциямизнинг 9 йиллиги билан сизларни, сизлар орқали бутун халқимизни чин қалбимдан самимий муборакбод этишга рухсат бергайсизлар.

Қадрли юртдошлар!

Бугун биз ҳаётимизнинг Асосий қонуни бўлмиш Конституциямиз қабул қилинган кунни катта байрам сифатида нишонлар эканмиз, бу ерда айтилган фикрларга қўшилиб, ижозатингиз билан, мен ҳам бу санага тегишли баъзи бир фикр-мулоҳазаларимни билдирмоқчиман.

Албатта, Конституциямиз ҳақида, унда биз кураётган янги - эркин фуқаролик жамиятининг асосий тамойиллари аниқ-равшан белгилаб берилгани ҳақида, у ўзининг демократик моҳияти билан бутун дунёда эътироф этилгани тўғрисида кўп гапириш мумкин.

Лекин, барчамиз яхши тушунамизки, фақат Асосий қонунимизни таърифлаш билангина узоққа боролмаймиз.

Бугунги кунда Конституциямиз ҳақида сўз юритар эканмиз, энг долзарб, керак бўлса, энг буюк вазифамиз - Олий қомусимиз белгилаб, муҳрлаб берган асосий принцип ва тамойилларни ҳаётга тўлиқ татбиқ этишдан иборатдир.

Бу вазифани амалга оширишга нималар халақит бермоқда, олдимизда тўсиқ ва ғов бўлмоқда?

Биз бу борадаги муаммолар ҳақида кўп гапиришимиз мумкин. Лекин бу сабаблар орасида энг асосийси - аҳолимизнинг неча ўн йиллар мобайнида, тўрт-беш авлод умри давомида собиқ иттифоқ мафкураси ҳукмронлигида тарбияланганлиги, яъни бу тизимнинг салбий таъсири натижасида одамларимиз онгида қонунга беҳурматлик, уларнинг талабларига итоат қилмаслик, уларни бажармаслик хусусиятларининг ўрнашиб қолгани, десак, хато бўлмайди.

Нега деганда, етмиш тўрт йил мобайнида ҳукмронлик - зўравонлик қилган собиқ иттифоқ даврида қонун ва унинг моҳияти, жамиятдаги аҳамияти ҳақида камдан-кам сўз юритилар эди.

Бунинг сабаби эса, эски тузум шароитида қонун ва қонунчилик ўрнини ҳам кўпроқ коммунистик ғоя ва партия қарорлари эгаллаганида эди. Ва, керак бўлса, бу сохта мафкуранинг - давлат ҳаёти бўладими, жамият ёки инсоннинг шахсий ҳаёти бўладими, қолаверса, оиланинг ички ишлари бўладими - барчасига аралашиб кетгани, аралашиш у ёқда турсин, ҳатто ҳукмронлик қилгани ҳеч кимга сир эмас.

Албатта, ҳозирги ёш авлоднинг бу гаплардан хабари йўқ, эҳтимол, бунга ишонмайди ҳам. Лекин ёши каттароқ, ўзининг ҳаёти давомида кўп нарсаларни кўрган кишилар буни яхши билади.

Табиийки, бундай шароитда яшашга мажбур бўлган одамлар онгидаги ана шу асоратлар ҳозиргача барҳам топган эмас. Яъни, қонун асосида эмас, буйруқ даражасига кўтарилган ғоя асосида яшашнинг таъсири, афсуски, ҳали-ҳануз сезилиб қолмоқда.

Ўйлайманки, мана шундай асоратлардан тезроқ халос бўлиш учун барчамиз - ҳам давлат, ҳам жамоат ташкилотлари ва ҳар қайси фуқаронинг ўзи қатъият билан ҳаракат қилиши керак. Биз жамиятимиз аъзоларининг, аҳолимизнинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини тарбиялашимиз, юксалтиришимиз керак. Бу ҳақда кўп гапирамиз, тарғибот ва ташвиқот қиламиз, аммо, афсуски, ҳали бу ишларимиз керакли натижаларни бераётгани йўқ.

Агар эътибор берсак, Конституция ва қонунларга юксак ҳурмат даражасини, бунинг аҳамиятини кўпгина демократик давлатлар мисолида кўришимиз мумкин.

Айниқса, Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия, Франция, Германия, Япония сингари илғор мамлакатларда Конституцияга бундай муносабат одамларнинг кундалик ҳаётидан мустаҳкам ўрин олган, айтиш мумкинки, уларнинг қон-қонига сингиб кетган.

Кўпгина бундай давлатларда болаларни ёшлик пайтидан парламентга экскурсияга олиб бориш одати бор. Мен бунга кўп жойларда шахсан гувоҳ бўлганман. Ҳатто, Япония ёки Малайзия каби мамлакатларда эндигина мактабга қатнайдиган болалар парламент биносига ҳурмат билан таъзим қилганини ўз кўзим билан кўрганман.

Бу таъзим - парламентнинг ҳашаматли биносига эмас, аввало шу бинода қонунлар устида ишлайдиган депутатлар фаолиятига, мамлакат тақдирини ҳал қиладиган олий вакиллик идорасига бўлган эҳтиром рамзидир.

Керак бўлса, бу таъзимни мана шу бинода яратиладиган қонунларга ҳурмат, уларга итоат этиб яшаш ифодаси, деб баҳолаш лозим.

Бундай ёндашувнинг чуқур маъноси, катта ижтимоий аҳамияти бор. Нега деганда, ҳар қайси инсон Конституция ва қонунларга ҳурмат билан қарагандагина бошқалардан - давлатдан, давлат идораларидан, қонунни муҳофаза қиладиган, унинг ижроси учун масъул бўлган ходимлардан ҳам қонунни сўзсиз бажаришни талаб қилишга ҳаққи бор.

Ана шундагина бутун жамият тафаккурида қонунга ҳурмат ва итоат билан қараш ҳукмрон бўлади.

Жамиятимизда Конституция ва қонунларга мана шундай муносабат - ҳурмат ва итоат билан қарашни тарбиялашда кўп нарса, аввало, давлат идораси - суд ва прокуратура бўладими ёки милиция ва адлия органлари бўладими - мана шу идораларда ишлайдиган хизматчиларга боғлиқ эканини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз даркор.

Ҳеч шубҳасиз, айнан мана шу идоралар ва уларнинг ходимлари қонунга қандай муносабатда бўлаётганига қараб, барча фуқаролар қонунни ҳурмат қилиш, унга итоат этиш масаласини ўзи учун белгилаб олади.

Содда қилиб айтганда, бу тўғрида кўп гапирадиган, ташвиқот қиладиган, унга бевосита жавобгар бўлган одамларнинг ўзи бу масалага бошқача кўз билан қараса, **аввало ўз манфаатини устун қўйиб, ундан кейингина қонун ижроси ҳақида ўйлайдиган бўлса, бошқалардан нимани талаб қилиш мумкин?**

Мана шу муаммонинг ечимида жуда кўп гап бор.

Чунки халқимизнинг «Олдин ўзингга боқ, кейин ноғора қоқ», деган мақоли бежиз айтилмаган. Бошқалардан қонун ижросини талаб қилиб, ўзлари эса унга зид иш тутадиган айрим вазифада ўтирган раҳбарлар, ҳуқуқ-тартибот соҳаси ходимларининг хатти-ҳаракатини ана шу мақол мисолида яққол ифодалаш мумкин.

Афсуски, мана шу масаланинг ечимида бизнинг катта заифлигимиз ва оқсоқлигимиз борлиги сезилиб қолмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, одамларнинг қонунларга нисбатан ҳурмати, ҳеч шубҳасиз, аҳолининг ҳокимиятга бўлган ҳурмати билан чамбарчас боғланганини чуқур англаб олишимиз даркор.

(Давоми 2-бетда)

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессияси тўғрисида

АХБОРОТ

Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси еттинчи сессияси бўлиб ўтди.

Парламент сессияси ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Мажлислар залида Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, республика ташкилотлари раҳбарлари, хорижий давлатлар элчилари ва дипломатик корпус вакиллари, маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари мухбирлари ҳозир бўлди.

Сессия ишини Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқарди.

(Давоми 6-бетда)

2002 ЙИЛ ҚАРИЯЛАРНИ ҚАДРЛАШ ЙИЛИ БЎЛАДИ

Анъанага кўра, бу йил ҳам 7 декабрь – мустақил Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинган кун арафасида пойтахтимиздаги муҳташам «Туркистон» саройида ўтказилган тантанали маросимга мамлакатимизнинг таниқли сиёсат ва жамоат арбоблари, маданият ва санъат намояндалари, пойтахт жамоатчилиги, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатларнинг элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари йиғилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 9 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишни Тошкент шаҳри ҳокими Р.Шоабдураҳмонов очди.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси янграйди.

(Давоми 6-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг

ҚАРОРИ

«Олий Мажлиснинг Ўзбекистон халқига мурожаати» тўғрисида

Олий Мажлис жаҳон ҳамжамиятининг халқаро терроризмга қарши олиб бораётган адолатли курашида якдиллигини билдириб, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов нутқининг асосий қоидаларидан келиб чиққан ҳолда **қарор қилади:**

«Олий Мажлиснинг Ўзбекистон халқига мурожаати» матни тасдиқлансин (илова қилинади).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э.ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри,
2001 йил 6 декабрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ АВСТРИЯ РЕСПУБЛИКАСИГА РАСМИЙ ТАШРИФИГА ДОИР

Австрия Республикаси Федерал Президенти Томас Клестилнинг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу йил 10-12 декабрь кунлари расмий ташриф билан Австрияда бўлади.

Ташриф давомида ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболига оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама этилиши, шунингдек, қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.

Халқимиз «Қариси бор уйнинг париси бор», дейди. Ҳақиқатан ҳам, қаерда кексалар бўлса, уларга эътибор бўлса, шу жойда файз бор, барака бор. Бундай хонадонни Оллоҳнинг ўзи асрайди. Мен буни кўп-кўп ҳаётий мисолларда кўрганман ва ўйлайманки, бу фикрга сизлар ҳам қўшиласиз.

ҚОНУНГА ҲУРМАТ, ҚОНУНГА ИТОАТ ҲАЁТИМИЗ МЕЗОНИ БЎЛСИН

Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Конституциясининг 9 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шу боис биз бундай қарашни мактаб бўладими, олий ўқув юрти бўладими, ҳаётнинг ўзида бўладими, минг бор тарғиб қилмайлик, аввало қонунга ҳурмат масаласида бошқаларга ўрнак кўрсатиши лозим бўлган мансабдорлар, давлат ходимларининг ўзи ёшларимизга ибрат бўлмаса, қилаётган барча ишларимизнинг самараси ҳақида гапириш мумкинми?

Такрорлаб айтаман, бу ишни энг юқори давлат лавозимларида ўтирган одамлардан бошласак, айни муддао бўлади.

Шу ўринда яна бир савол туғилади.

Бундай даъватлар қуруқ сўз бўлиб қолмаслиги учун биз бугун нималарга кўпроқ эътибор беришимиз зарур?

Биринчилар қаторида яна ва яна бир бор одамларни ҳуқуқий жиҳатдан тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, керак бўлса, умумий маданиятини ўстириш - бу албатта, керак. Ўқув юртларида, ишхоналарда, ёшми, қарими - аҳолининг барча қатламлари ўртасида бу ишни узлуксиз олиб бориш муҳим аҳамиятга эга.

Иккинчидан, давлат хизматчиларини танлаш, кадрларни жойжойига қўйиш масаласида, аввало, инсоф ва виждон, иймон ва эътиқод, диёнат ва меҳр-оқибат деган тушунчаларни ўзига бегона деб билмайдиган одамларга амалда эътибор қаратиш, ходимларнинг ишга, ўз вазифасига нисбатан масъулиятини ошириш, нопок йўлда юрганларини эса жавобгарликка тортиш - бу ҳам, албатта, муҳим масала.

Учинчидан, бу соҳада олдимизда турган вазифаларни бажариш учун назорат тизимини мустаҳкам асосда ташкил этишимиз ва уни такомиллаштириб боришимиз катта аҳамиятга эга.

Бу ҳақда алоҳида тўхталиб ўтиш лозим, деб ўйлайман.

Нега деганда, бу масаланинг ечимида ҳам гап кўп. Фақат назоратни кучайтираман деб, чегарани йўқотиб қўймаслик, ҳар қандай масалада бўлгани каби, назорат қилишнинг ҳам ўз меъёри борлигини унутмаслик даркор. Яъни, назорат идораларининг сони кўпайиб, бутун ҳаётимиз фақат назорат қилишдан иборат бўлиб қолмаслиги лозим.

Шу ўринда совет давридаги назорат тизимини эслаб ўтиш фойдадан холи бўлмайди, деб ўйлайман.

Ўзингиз биласиз, аввалги тузум замонида қанча-қанча шундай ташкилотлар бор эди. Райижроқўм, оближроқўм, ҳукумат назорати ўз йўлига, бундан ташқари, партия ташкилотларининг назорати - райкомдан тортиб марказий комитетгача бўлган идоралар асосан ўз бурчини аввало назорат ўтказишда кўрарди.

Прокуратура, ОБХСС, милиция, хавфсизлик органлари, бунинг устига, «Халқ контроли», «Партия контроли» деган идоралар уларнинг устида тургани маълум. Энди бундай ақлга сиғмайдиган тизимлар тарихда қолди.

Лекин, афсуски, давлат ҳисобидан ойлик олиб ишлайдиган, лекин фаолияти самарасиз бўлган эски назорат тизимига хос айрим иллатлар бугун ҳам ҳаётимизда учраб турибди.

Шунинг учун бу масалага танқидий кўз билан қарамасак, буларнинг сони чегарасиз равишда ўсиб бораверса, эртага ҳаммамиз назоратчиларга айланиб кетмаймизми? Бундай ҳолатда, эскича айтганда, кетмон уриб, бизларни боқадиганлар қоладими ўзи, йўқми?

Назорат қилиш дарвозасини жуда кенг очиб берсанг, бунга хоҳиш билдирадиганларнинг сони кўпайиб бораверади: бунинг сабаби барчамизга маълум.

Ҳаётимизда шу маънодаги жуда кўп ривоят ва мисоллар борки, улар ҳақида гапириш ортиқча, деб ўйлайман.

Бундай аҳволдан чиқишнинг йўли борми?

Албатта, жамиятимиз тобора ривожланиб, одамларнинг онги, маънавий савияси, ҳуқуқий маданияти юксалиб бориши билан уларнинг ўз бурчини қонунга биноан бажариши ва, умуман, жамиятимизда қонун ҳукмронлик қилиши учун кўпроқ асос ва замин пайдо бўлади ва ҳаётимизда назорат қилиш зарурати тобора камайиб боради.

Лекин, шу кунлар қачон келар экан, жамиятимиз савияси қачон юксалар экан, деб қўл қовуштириб кутиб ўтириш ҳам тўғри бўлмайди.

Бугунги кунда бундай муаммоларнинг ечимини, аввало, ҳаётимизда жамоатчилик назоратини кучайтиришда кўришимиз даркор.

Биз жамиятимиздаги демократик жараёнлар йўли - келажак тараққиётимиз ҳақида фикр юритар эканмиз, **бу борада бизда кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамиятига ўтиш ғояси, бу ғоянинг маъно-мазмуни исботлаб, асослаб берилгани ҳақида эслатиб ўтмоқчиман.**

Ҳозирги кунда мана шу йўлни ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан янада чуқурроқ тадқиқ этиш, унинг янги-янги қирраларини очиб бериш барча олим ва амалиётчиларимиз олдида турган долзарб вазифадир, деб биламан.

Бугун биз учун бир ҳақиқат аниқ ва равшан бўлиши лозим.

Яъни, жамиятимиз ривожланган, юксак босқичларга кўтарилгани сари давлатнинг кўпгина вазифалари, **шу жумладан, назорат вазифаси ҳам, унинг роли ва аҳамияти ҳам тобора камайиб, у ўз ўрнини жамоат ва нодавлат ташкилотларига, фуқаролар уюшмалари ва идораларига бериши, бу жараён тўхтовсиз кучайиб бориши зарур.**

Мана шу йўлни биз учун ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш борасидаги ўзимиз танлаган, ўн йиллик ҳаётий тажрибамизда синалган ягона тўғри йўл, деб қабул қилишимиз даркор.

Шундай экан, бугунги кунда ҳаётимизда ижтимоий назорат вазифасини бажараётган нодавлат ташкилотлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш билан бирга, янги тузилаётган жамоат бирлашмаларига ҳам зарур шарт-шароит, қонуний имконият туғдириб бериш биз учун долзарб вазифа бўлмоғи керак.

Гап асло бу ташкилотларга давлат томонидан маблағ ажратиш ҳақида бораётгани йўқ. Бундай сиёсат ва ҳаракатлар биз учун мутлақо нотўғри, номаъқулдир. Чунки барчамиз яхши тушунамизки, ҳар қандай ишда, ҳар қандай жараёнда ким маблағ ажратса, ўша ҳукмронлик қилади.

Шундан кейин мустақил фикрлаш ва холисона сиёсат олиб бориш ҳақида қандай гап бўлиши мумкин?

Бу масалани ечишнинг бошқа йўли борки, у ҳам бўлса, бундай ташкилотларга қонуний нуқтаи назардан молиявий манбалар топиш имкониятини яратиб беришни назарда тутиш керак.

Бошқача айтганда, бу борада ҳам қонун ишлаши керак.

Азиз дўстлар!

Фурсатдан фойдаланиб, яна бир масалага тўхталмоқчиман.

Бизда шундай бир ноёб, бетакрор ижтимоий бошқарув идораси борки, уни ҳеч нарса билан солиштириб бўлмайди. Бу - юз йиллар давомида ривожланиб келаётган ва айниқса, мустақиллик даврида тубдан янгиланиб, замон талаблари асосида такомиллашиб бораётган **маҳалла тизимидир.**

Бутун халқимиз тан оладиган бу тизимнинг аҳамияти, хосияти ҳақида, унинг юртимизда олиб бораётган кўп қиррали фаолияти, тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, одамлар ўртасида меҳр-оқибатни кучайтириш, ёшлар тарбиясига оид ишлари ҳақида кўп гапириш мумкин.

Айни вақтда мен ижтимоий нуқтаи назардан, келажагимиз нуқтаи назаридан қараганда, маҳалланинг энг демократик бошқарув усули ва тизими эканини инобатга олиб, бундай ижтимоий идоранинг ўрни ва таъсири давлат идораларига нисбатан кучайиб ва кенгайиб бориши, ҳаётимиздаги моҳияти тобора ўсиб боришининг тарафдориман.

Шу сабабли биз маҳалла тизимини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор беришимиз зарур. **Ўзини-ўзи бошқаришнинг халқимизга хос ноёб усули бўлган маҳалла жамоатчилик назоратини ташкил этишда ҳам шундай салоҳият ва имкониятларга эгаки, биз улардан ҳалибери тўлиқ фойдалана олганимиз йўқ. Бинобарин, бу борада ҳам кўп ишлашимиз керак.**

Ҳурматли ватандошлар!

Кейинги пайтда мамлакатимизда кириб келаётган ҳар бир йилга маълум бир ном бериш ўзига хос анъанага айланиб қолганига барчангиз гувоҳсиз.

Бундан мақсад жамиятимизнинг асосий эътиборини мана шу заминда яшаётган ҳар бир инсонга, унинг ҳаётини яхшилаш, бу йўлдаги мавжуд муаммоларнинг ечимини топишга қаратишдан иборат эканини ҳам яхши биласиз.

Биз шу мақсадда бундан бир йил аввал 2001 йилни Оналар ва болалар йили деб эълон қилган эдик.

Шу муносабат билан қабул қилинган давлат дастурида белгиланган чора-тадбирлар аввалги Инсон манфаатлари, Оила, Аёллар, Соғлом авлод йиллари бўйича ишлаб чиқилган дастурларга киритилган ишларимизнинг мантиқий давоми бўлган эди.

Аввало, шуни айтиш керакки, биз бу дастурнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини бугун одамларнинг, бутун жамиятимизнинг оила муаммоларига, оналар ва азиз фарзандларимизнинг саломатлигини сақлаш масалаларига бўлган муносабати ва қарашлари тубдан ўзгариб бораётганида кўришимиз мумкин.

Мен бу дастурнинг ижроси ҳақида батафсил ҳисобот бериб ўтирмоқчи эмасман. Фақат унинг эътиборга молик айрим жиҳатлари хусусида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Биринчидан, дастурда мустаҳкам ва маънавий соғлом оилани шакллантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, бола тарбияси, унинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишида она ва оиланинг ролини кучайтиришга алоҳида аҳамият қаратилди.

Иккинчидан, бу тадбирларни амалга ошириш натижасида аҳолининг тиббий ва умумий маданияти, ўз саломатлигига, оила бахт-саодатининг асоси бўлган соғлом ҳаёт тарзига нисбатан эътибори кучайгани айниқса муҳим.

Бунга турмуш қураётган минглаб ёшларнинг тиббий кўрикдан ўтаётгани, 50 минг ёш оила тиббий ҳимояга олингани, яна шунча ёш оила «Никоҳ ва оила асослари» курсида тегишли маълумотга эга бўлгани ҳам ёрқин далил бўла олади.

Учинчидан, «Она ва бола» дастурини тайёрлаш ва амалга ошириш давомида биз ўз олдимизга қўйган кўп-кўп янги масалаларни ҳам ҳал этишга эришдик.

Айниқса, ушбу дастурни амалга ошириш жараёнида юртимиздаги аёлларнинг 90 фоизи тиббий профилактик кўрикдан ўтказилгани диққатга сазовордир.

Шунингдек, республикамизнинг барча минтақаларида «Она ва бола скрининги» каби биз учун янги бўлган тизимлар жорий этилганини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Бу марказларда ҳозиргача 580 мингдан ортиқ аёлларимиз профилактик кўрикдан ўтиб, малакали тиббий маслаҳатлар олгани уларнинг саломатлигига ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиз.

Ҳомиладор аёллар ва ҳомилани турли касалликлардан муҳофаза қилиш, уларни йод танқислиги ва камқонликка қарши дори-дармон билан бепул таъминлаш, тўрт ёшгача бўлган болаларни сариқ касалига ва полиомиелитга қарши эмлаш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар ҳам ўз ижобий самарасини бермоқда.

Оролбўйи минтақасидаги мураккаб экологик шароитда яшаётган хотин-қизлар ва болаларнинг ёз мавсумида яхши дам олишини ташкил этиш ва саломатлигини тиклашга алоҳида эътибор берилди.

Тошкент, Самарқанд вилоятлари ва Фарғона водийсининг соғломлаштириш оромгоҳларида 4 минг 500 нафар опа-сингилларимиз, 20 мингдан ортиқ фарзандларимиз ҳордиқ чиқариб, малакали тиббий ёрдам олди. Бу мақсадлар учун жами 560 миллион сўм маблағ сарфланди.

Тошкент педиатрия-тиббиёт институтида Республика перинатал марказини қуриш ва уни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ниҳоясига етказилаётгани ҳам ана шундай муҳим тадбирлар қаторига киради.

«Она ва бола» дастурига биноан, биринчи марта мамлакатимизнинг ҳамма туманларида қизлар гинекологияси хизматлари ташкил этилди. Шунингдек, кичик ёшли ва балоғат ёшидаги қизларнинг саломатлиги бўйича Республика ўқув-услубий маркази иш бошлади.

Тўртинчидан, оналар ва болаларга мўлжалланган даволаш-соғломлаштириш муассасалари тизими анча кенгайиб, уларнинг моддий базаси мустаҳкамланганини ҳам таъкидлаш зарур.

Буни, аввало, янгитдан қурилган, энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган тиббиёт иншоотлари мисолида кўрамиз. Масалан, Гулистон, Қува ва Наманган шаҳарларида барпо этилган реабилитация ва соғломлаштириш марказлари, Нурота туманидаги туғруқхона мажмуи, Бешариқ туманидаги «Она ва бола» санаторийси ҳамда бошқа кўпгина объектлар шулар жумласидандир.

Дастурда болаларимизни жисмоний тарбия ва спорт ёрдамида чиниқтириш масаласи ҳам устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган эди. Шу мақсадда бу йил мамлакатимизда биринчи марта академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг «Баркамол авлод» ўйинлари ташкил этилди. Мактаб ёшидаги болалар ўртасида эса «Умид ниҳоллари» спорт мусобақалари ўтказилмоқда.

Табиийки, бундай дастурларни ҳаётга татбиқ этиш учун катта куч-ғайрат, катта маблағ ва моддий имкониятлар керак бўлади. Буни биргина «Она ва бола» дастурида 2001 йил учун белгиланган вазифаларни бажаришга 86 миллиард сўм ва 20 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағ зарур бўлганидан ҳам билиш мумкин.

Биз дастур ижросини таъминлаш учун керакли молиявий манбаларни қидириб топишга, республика ва маҳаллий бюджетлар, жамоат ташкилотлари, турли жамғармалар, халқаро ташкилотларнинг имкониятларини сафарбар қилишга эришдик.

Мен, фурсатдан фойдаланиб, шу ишга ҳисса қўшган барча вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари билан бир қаторда «Соғлом авлод учун», «Маҳалла», «Ибн Сино», Болалар, Ўзбекистон меҳр-шафқат ва саломатлик жамғармалари, «Маънавият ва маърифат», «Оила» марказлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, кўплаб жамоат ташкилотлари ҳамда ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО сингари нуфузли халқаро ташкилотларга ўз миннатдорлигимни изҳор этмоқчиман.

Азиз юртдошларим!

Инсон зоти борки, дунёга орзу-умид билан келади. Оллоҳ берган куч-қувват ва ақл-заковатини эзгулик йўлида намоён қилиб, оила, уй-жой қуради, фарзандлар ўстиради.

Ҳар бир ота-она ўз зурёдининг ҳеч кимдан кам бўлмаслигига, уларни ўзи бошлаган ишларнинг давомчиси этиб тарбиялашга интилади.

Мана шундай олижаноб интилишлар инсонни инсон қилади, уни доимо виждони олдида ҳисоб бериб яшашга ундайди.

Ҳаётда ўзидан бирон-бир из, яхши ном қолдириш туйғуси одамни куч-қувватга тўлган, навқиронлик пайтида ҳам, кексайган чоғида ҳам тарк этмайди. Ҳаётга муҳаббат, ҳаётга ташналик ҳисси одамзот қалбидан бир умр ўчмайди.

Лекин, табиат қонуни шундайки, ойлар, йиллар ўтиши билан одам балоғат, камолот даврларидан ўтиб, кексалик палласига қадам қўяди. Шундай пайтда у, аввало, ўз оиласи, фарзандларининг, керак бўлса, маҳалла-кўй, жамиятнинг эътибори ва кўмагига кўпроқ муҳтожлик сезади.

Шунинг учун биз бугунги камолимизда, ҳаёт йўлларида эришаётган ютуқларимизда ана шу мўътабар зотларнинг беқиёс хизмати борлигини унутмаслигимиз, уларнинг оғирини енгил, ҳаётини фаровон қилишга интилишимиз лозим. Бу азиз инсонлар биз барпо этаётган янги жамиятни қуришда ўзларининг бой ҳаётий тажрибаси, ибрати ва ўгитлари билан катта ҳисса қўшаётганини айниқса қадрлашимиз даркор.

Халқимиз «Қариси бор уйнинг париси бор», дейди. Ҳақиқатан ҳам, қаерда кексалар бўлса, уларга эътибор бўлса, шу жойда файз бор, барака бор.

Бундай хонадонни Оллоҳнинг ўзи асрайди. Мен буни кўп-кўп ҳаётий мисолларда кўрганман ва ўйлайманки, бу фикрга сизлар ҳам қўшиласиз.

Шунинг учун ҳам мана шу заминда истиқомат қилаётган, ўз меҳнати билан даромад топиб, фаровон ҳаётга қадам қўяётган ҳар қайси инсон ўз оиласини таъминлаш, иморатлар қуриш, мол-мулк орттириш билан бир қаторда ота-онасига ҳам хизмат қилиши, уларнинг дуосини олиши ниҳоятда муҳимдир.

Шундай олижаноб интилиш, пок туйғу билан яшайдиган одамлар ҳеч қачон кам бўлмайди.

Ўйлайманки, биз мана шу қадриятларни ёшларимиз қалбига ҳам сингдира олсак, бу фазилатлар уларнинг инсоний эътиқодига айланса, юртимиздаги барча оилалар аҳил, осойишта ва бахтли ҳаёт кечиради, жамиятимизда доимо тинчлик ва барқарорлик ҳукм суради.

Азиз дўстлар, биродарлар, халқимизнинг ана шундай асрий қадриятларини инобатга олиб, юртимиздаги барча ёши улуғ инсонларнинг иззат-ҳурматини жойига қўйиш мақсадида мен **кириб келаётган янги - 2002 йилни мамлакатимизда Қарияларни қадрлаш йили, деб эълон қилишни таклиф этаман.**

Муҳтарам дўстлар!

Бугунги кунда жамиятимизда азиз нуронийларимизнинг ўзига хос ўрни бор. Ҳозирги вақтда бундай фахрийларимизнинг сони 3 миллион 87 минг кишини ташкил этади. Уларга ҳар ойда 28 миллиард сўм миқдорида пенсия тўланмоқда.

Давлат томонидан кўрсатилаётган ёрдам билан бирга, кексаларимизга кўпгина жамоат ташкилотларининг ҳам моддий ва маънавий кўмак бераётгани, бундай ҳаракат кенгайиб бораётгани, айниқса, ибратлидир. Хусусан, кейинги пайтда биргина «Нуроний» жамғармаси томонидан уруш ва меҳнат фахрийларига 125 миллион сўмдан ортиқ ёрдам кўрсатилгани ҳам бунга мисол бўла олади.

Мамлакатимизнинг бир қатор амалдаги қонунлари ва ҳукумат қарорларига кўра, пенсионерлар, уруш қатнашчилари ва ногиронларига тегишли имтиёзлар белгилаб қўйилган.

Жумладан, улар ер ва мулк солиқларидан озод қилинган, тиббий, маиший хизмат ва транспорт соҳаларида ҳам муайян имтиёзларга эга.

Лекин, бу масалага холисона баҳо берадиган бўлсак, жойларда баъзи мутасадди ходимларнинг лоқайдлиги, кексаларга беписанд муносабати оқибатида фахрийларимиз ўз қонуний имтиёзларидан тўла фойдалана олмаётганини ҳам кўриш мумкин.

Албатта, биз Қарияларни қадрлаш йили бўйича Махсус давлат дастурини ишлаб чиқиш учун тегишли ҳукумат комиссиясини тузамиз. Ва шу дастурда давлатимиз ва жамиятимиз томонидан қарияларимизни асраш ва авайлаш, бир сўз билан айтадиган бўлсак, уларга моддий ва маънавий ёрдам бериш масалаларига доир чора ва тадбирлар ўз ифодасини топади.

Ана шу дастурда кексаларни ижтимоий муҳофаза қилиш чора-тадбирларини янада кучайтириш, пенсия миқдорларини қайта кўриб чиқиш, айниқса, уруш қатнашчилари ва ногиронларининг имтиёзлари билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратиш зарур, деб ўйлайман.

Бу дастурнинг асосий маъно-мазмуни шундан иборат бўлиши керакки, бирон-бир кекса инсон давлат ва жамият эътиборидан четда қолмаслиги, ҳеч қачон ўзини ёлғиз ҳис этмаслиги лозим.

Ҳурматли ватандошлар!

Бизнинг яқинлашиб келаётган янги йилни хонадонларимиз кўрки бўлган қарияларимизга бағишлаётганимиз, Яратганимизга ҳам манзур бўлади, иншооллоҳ.

Ишонаманки, кўпчилик мана шу байрам муносабати билан бугуноқ ўзлари учун қадрдон бўлган мўътабар зотларни зиёрат қилиб, ўз ҳурмат-эҳтиромини бажо келтириб, уларнинг кўнглини кўтаради.

Жойларда ҳам ҳокимликлар, жамоат ташкилотлари, маҳалла фаоллари бу савобли ишга қўшилиб, муҳтарам қарияларимизнинг ҳолидан хабар олиб, уларга меҳр-оқибат кўрсатадилар, деб ўйлайман.

Сизларни, бутун халқимизни Конституциямиз байрами билан яна бир бор қутлар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга бахту саодат ва фаровонлик тилайман.

Айни пайтда шуни ҳам унутмаслигимиз зарурки, терроризмга қарши кураш — бу бир кунлик ёки бир ойлик иш эмас. Чунки башарият тақдирига дахлдор бўлган ушбу масалани охирига етказмасдан туриб, бу даҳшатли офатни бутунлай йўқ қилмасдан туриб, бу курашни тўхтатиб бўлмайди.

БИЗ УЧУН ХАЛҚИМИЗ, ВАТАНИМИЗ МАНФААТИДАН УЛУҒ МАҚСАД ЙЎҚ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ЕТТИНЧИ СЕССИЯСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ассалому алайкум, ҳурматли депутатлар!

Азиз ватандошлар!

Олий Мажлисимизнинг сессияси кун тартибига қўйилган масала халқаро терроризмга қарши курашда доимо сафарбар, доимо огоҳ бўлишимиз ҳақидаги масала — ҳозирги вақтда, ҳеч шубҳасиз, дунё миқёсидаги энг муҳим ва долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.

Барчамизга маълумки, кейинги йилларда жаҳоннинг турли ҳудудларида рўй бераётган терроризмнинг ёвуз кўринишлари тобора кучайиб бормоқда. Яъни, бегуноҳ одамларни ўлдириш, гаровга олиш, бинолар ва турар-жойларни портлатиш, босқинчилик, қўпорувчилик каби мисли кўрилмаган жиноятлар орқали миллионлаб инсонларнинг тинч ҳаётини издан чиқариш, қўрқитиш ва зўравонлик билан ўзининг қабиҳ ниятларига эришишга қаратилган тажовузкор ҳаракатлар авжига чиқиб, шафқатсиз тус олмоқда.

Айниқса, шу йил 11 сентябрда Америка Қўшма Штатларида содир этилган, бир неча дақиқада минглаб одамларнинг ҳаётига зомин бўлган ваҳшийлик ер юзидаги барча миллат ва халқларнинг кўзини бу аччиқ ҳақиқатга очиб берди.

Халқаро терроризмнинг ана шундай ўтакетган ёвуз кирдикорлари дунёдаги барча соғлом фикрли кишиларнинг қаҳру ғазабини уйғотди, унга нисбатан бефарқ бўлиш мутлақо мумкин эмаслигини кўрсатди.

Шу ўринда мен терроризм ҳақида, бу балою офатнинг илдизлари, бугунги мудҳиш қиёфаси ҳақида гапирганда, ўзига эътиборни тортадиган баъзи бир омиллар ва сабаблар хусусида алоҳида тўхталиб ўтиш лозим, деб ўйлайман.

Биринчидан, бундай зўравонлик намойишлари илгари ўзаро боғлиқ бўлмаган ҳолда дунёнинг турли минтақаларида ўзининг манфур башарасини кўрсатиб келган бўлса-да, эндиликда ана шу қабиҳ ҳаракатларнинг бир-бири билан тобора чамбарчас боғланиб кетаётганини англаш қийин эмас.

Бошқача айтганда, гарчи терроризм ҳаракатларининг бири, айтайлик, Филиппинда, бири Болқонда, бири Чеченистонда, яна бири Яқин Шарқ ёки бошқа минтақа ва давлатларда амалга оширилаётган бўлса-да, бугунги кунда уларнинг барчаси бир занжирга боғланган, бу тажовузлар ортида катта маблағ, катта кучга эга бўлган, маълум марказлардан бошқариладиган экстремистик кучлар ва ташкилотлар борлиги очиқ-ойдин кўриниб турибди.

Бундай марказларнинг терроризм тўдаларни уюштирадиган, уларни маблағ билан таъминлайдиган, қуроллантирадиган, ваҳшиёна жиноятларга сафарбар этадиган, нафақат айрим минтақа ва қитъаларга қарши, балки бутун дунё, бутун инсониятга қарши ёвуз режалар тузаётган мудҳиш кучга айланиб кетаётганини инкор этиб бўлмайди.

Иккинчидан, халқаро терроризмнинг шу даражага етиши, унинг бутун башарият, жаҳон цивилизациясига қарши офатга айланиб қолганининг яна бир сабаби, кўпгина давлатлар ва уларнинг раҳбарлари, дунёдаги соғлом сиёсий кучларнинг бош кўтариб келаётган мана шундай хавфли офатга охирги пайтгача эътибор бермагани ва қатъият билан кураш олиб бормаганида деб, биламан.

Очиқ айтиш керакки, шулар қаторида айрим сиёсатдонлар, давлат арбоблари ва раҳбарлари балки бу хавф-хатарнинг жирканч башарасини сезган бўлса-да, унинг эртанги зарарзулмини англаган бўлса-да, бу аланга бугун бизлардан узоқ масофада кимнингдир уйини куйдиряпти, мени эса четлаб ўтади, деган хом-хаёлда юргани сир эмас, бу ҳам афсуски, аччиқ ҳақиқат.

Бундай номаъқул калтабинлик, бундай ўйинларнинг яна бир кўриниши — мана шу терроризм жоҳиллар ва уларнинг орқасида турган кучлар билан тил топишишга уриниш, сен менга тегма, мен сенга тегмайман, деган сиёсатни олиб бориш ҳолатлари ҳам бугун виждонли одамларни ҳайратда қолдиради.

Таассуфки, бизнинг баъзи қўшниларимиз ва ошноларимиз ҳам бундан истисно эмас.

Бугун вазият ўзгариб бораётганини сезиб, бундай арбоблар ўзларининг терроризмга қарши доимо ашаддий курашчи бўлганини ҳар қадамда кўрсатишга ҳаракат қилишлари ҳам ақли расо кузатувчиларнинг назаридан четда қолмаяпти, деб ўйлайман.

Учинчидан, тобора кучайиб, XXI аср вабоси бўлиб бораётган терроризм офатининг ҳар қайси мамлакат, ҳар қандай халқ ҳаётига таҳдид солиши мумкинлиги, энг кучли, энг қудратли, энг ривожланган давлатлар ҳам унинг зарбасидан четда қололмаслиги бугунги кунда халқаро жамоатчиликка аён бўлмоқда.

Тўртинчидан, бу даҳшатга қарши халқаро ҳамжамият, биринчи галда, қудратли маърифий давлатларнинг кучларини бирлаштириб, бир ёқадан бош чиқариб курашиш зарурлигига, бу балодан, нафақат унинг кўринишларини, балки бу балонинг орқасида турувчи марказларни ҳам таг-томири билан, яна бир бор айтаман, фақат таг-томири билан қўпориб, супуриб ташлаш билангина қутулиш мумкинлигига жаҳон жамоатчилиги қайта-қайта иқрор бўлмоқда.

Мана шундай қарорга келган давлатлар, ниҳоят, бугун терроризмга қарши кураш йўлида коалиция тузиб, баҳамжиҳат бўлиб, ўзининг барча куч ва имкониятларини бирлаштирмоқда.

Энг муҳими, қайси миллат ёки қайси динга мансублигидан қатъи назар, жаҳоннинг барча халқлари ва элатлари бугун терроризмга нисбатан ўз муносабати, ўз нафратини билдирмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, халқаро терроризмга қарши бошланган кураш — бу офат ўзининг жирканч башарасини қаерда, дунёнинг қайси чеккасида намойиш қилмасин — бу ёвуз ҳаракатларнинг барчасига қарши кураш олиб бориш ҳақидаги қатъий қарор бутун жаҳон миқёсида эълон қилинмоқда.

Шундан келиб чиққан ҳолда, бугун терроризмга қарши эълон қилинган урушни асло мусулмон динига, алоҳида халқ, миллат ёки давлатга қарши эмас, балки, аввало халқаро терроризм ва унинг "доҳий"ларига қарши, уюшган тўдалар ва экстремистик марказларга, уларнинг уяларига, база ва полигонларига қарши эълон қилинган узоқ ва давомли кураш, деб тушуниб, бу ҳақиқатни яхши англаб олишимиз даркор.

Бугун ҳеч кимга сир эмаски, йигирма йилдан ортиқ давом этаётган уруш Афғонистонни терроризм маконига, бировни назар-писанд қилмайдиган, бутун инсоният ҳаётига таҳдид солаётган мудҳиш кучлар уясига айлантирди.

Оқибатда бу ҳудуд дунёнинг турли бурчакларида, шу жумладан, ўзимизда ҳам, оғир жиноятларни содир этиб, қўли қонга ботган, на отасини, на онасини тан оладиган жиноятчи ва жоҳил кимсалар паноҳ топадиган макон бўлиб қолди.

Шунинг учун ҳам баъзи бир одамлар соддалик қилиб, баъзилар эса ғаразгўйлик билан айтаётган, яъни Америка Қўшма Штатлари бугун Афғонистонга қарши, у ерда яшаётган мусулмонларга қарши уруш қилмоқда, деган гапларда ҳеч қандай асос йўқлигини қатъият билан таъкидлаш керак.

Аслида, бу тўғрида гапириб ўтиришнинг ўзи ортиқча. Лекин шундай одамлар ҳам топилишини назарда тутиб, биз бу ҳақиқатни яна бир бор такрорлашга мажбурмиз.

Айни пайтда шуни ҳам унутмаслигимиз зарурки, терроризмга қарши кураш — бу бир кунлик ёки бир ойлик иш эмас. Чунки башарият тақдирига дахлдор бўлган ушбу масалани охирига етказмасдан туриб, бу даҳшатли офатни бутунлай йўқ қилмасдан туриб, бу курашни тўхтатиб бўлмайди.

Муҳтарам депутатлар!

Энди ижозатингиз билан халқаро терроризмга қарши кураш масаласига давлатимизнинг муносабати ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Сизларга яхши маълумки, бу масала бўйича бизнинг аниқ қарашимиз ва позициямиз шу йил 5 октябрда эълон қилинган Баёнотда, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири билан бўлган суҳбатда ўз ифодасини топган.

Ўйлайманки, халқимиз, жамоатчилигимиз бундан етарлича хабардор.

Бунга қўшимча қилиб фақат шуни айтиш мумкинки, агар 11 сентябрда Америка Қўшма Штатларида содир этилган фожиали воқеалар жаҳон харитасидаги кўпчилик давлатлар учун кутилмаган, даҳшатли ҳодиса бўлган бўлса, биз бу бало-қазо билан анча илгаридан буён тўқнашиб келамиз.

Ўзбекистон террорчиликнинг жирканч қиёфасини ўз остонаси, ўз ҳудудида аввалроқ кўриб, бутун дунё аҳлини огоҳлантиргани, бу офатнинг олдини олиш энг долзарб муаммога айланиб кетаётганига даъват этиб, кўпкўп мурожаатлар қилганини жамоатчилигимиз яхши билади.

Агар терроризм бугун бизнинг юртимизга таҳдид солиб турган бўлса, эртага у вабо каби бошқа ҳудудларга ҳам тарқалиб кетиши, бошқаларнинг ҳам уйини ёндириши, агарки, худо кўрсатмасин, уларнинг қўли кимё ва бактериологик ёки ядро қуролига етиб борса, жаҳон миқёсида ўлчаб бўлмайдиган талофатлар етказиши мумкинлиги ҳақида қайта-қайта бонг урганимизни бугун эслатиб ўтиш ўринли, деб биламан.

Биз, қаерда бўлмасин — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ёки Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти бўладими, бошқа халқаро анжуман ва учрашувлар, сиёсий чиқишлар бўладими — ҳамма жойда, эй одамзот, бу балои азимга бепарво бўлиш мумкин эмас, унинг миллати, дини, чеки-чегараси йўқ, деб бу масалага халқаро жамоатчилик эътиборини қаратишга доимо ҳаракат қилиб келдик.

Лекин, минг афсуски, жаҳон ҳамжамияти, кўплаб ривожланган давлатлар ҳам бу хавфга ўз вақтида етарли баҳо бера олмади.

11 сентябрь куни Нью-Йорк ва Вашингтонда содир этилган даҳшатли фожиалардан кейингина бу балони туғдираётган, унинг ҳақиқий раҳнамоси бўлмиш, халқаро майдонда жойлашиб олган экстремистик марказларни таг-томири билан яксон қилиб ташлашдан бошқа илож йўқлигини англаб етган халқаро жамоатчилик, энг муҳими, дунёдаги энг қудратли давлат — Америка Қўшма Штатлари шу курашга азму қарор қилганига бугун барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз.

Бу борада шуни алоҳида таъкидлашимиз зарурки, ҳозирги кунда кўпгина давлатларнинг раҳбарлари бу масала бўйича Ўзбекистон билдирган ташаббус ва даъватларни эслаб, уларнинг ўз вақтида айтилган ўринли огоҳлантириш бўлганини эътироф этмоқда.

Ўзбекистон нафақат ўз халқининг тинчлиги учун, балки она сайёрамиздаги миллион-миллион одамларнинг ҳаётини сақлаш учун ҳушёрликка чақирганини дунёнинг етакчи сиёсатчилари, давлат арбоблари кеч бўлса ҳам тан олмоқда ва давлатимизнинг ана шундай мураккаб вазиятда, ҳар қандай конъюнктура ва иккиланишдан холи бўлган сиёсатига ҳурмат ва эҳтиромини билдирмоқда.

Бундай муносабат ва тан олишнинг тасдиғини охирги икки-уч ой мобайнида мамлакатимиз раҳбарияти ва вакиллари билан — Ўзбекистонда бўладими, Европа, Япония ёки Америка Қўшма Штатлари ёхуд бошқа мамлакатда бўладими — ўтказилаётган турли учрашув ҳамда музокаралар мисолида кўришимиз мумкин.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистоннинг ўз мустақил позицияси, бу борадаги ирода ва қатъиятига дунё жамоатчилиги муносиб баҳо бераётгани, бундай ҳаққоний муносабат халқаро майдонда мамлакатимизга нисбатан ҳурмат-эътиборнинг янада ошишига сабаб бўлаётганини ҳеч ким инкор этолмайди.

Азиз юртдошлар!

Энди Афғонистон ва унинг атрофида икки ойдан буён давом этаётган аксилтеррорчилик ҳаракатлари натижасида вужудга келган аҳвол ҳақида қисқача ахборот бериб ўтмоқчиман.

Бугунги вазият жамоатчилигимиз, халқимизга телевидение, матбуот орқали берилаётган хабарлардан маълум бўлса-да, мен, фурсатдан фойдаланиб, бу масалага Ўзбекистон раҳбарияти ва ҳукуматининг муносабати ҳақида сизлар билан фикр алмашиб олмоқчиман.

Афғонистоннинг яқин тарихида содир бўлган фожиали воқеаларни эсласак, барчамизга аёнки, "Толибон" ҳаракатининг ғолибона юриши 1996 йилда Кобулни ишғол қилишдан бошланган эди. Ўша пайтда толиблар мамлакатнинг қарийб 95 фоиз ҳудудини тез фурсат ичида эгаллаб олгани маълум.

Лекин бу билан Афғонистондаги вазият ижобий томонга ўзгармади, уруш, турли сиёсий кучлар ва этник қатламлар ўртасидаги қонли тўқнашувлар тўхтамади, жафокаш афғон халқининг чексиз азоб-уқубатлари, қурбонлар бериши давом этаверди.

Агар бугун Афғонистонда аксилтеррорчилик операциясининг боришини, "Толибон" ҳаракатига қарши курашни кузатиб, хулосалар чиқарадиган бўлсак, шу йил 9-10 ноябрда Шимолий иттифоқ кучлари томонидан Афғонистоннинг шимолий маркази бўлмиш Мозори Шариф ишғол қилинганини, кейинги қисқа вақт ичида эса мамлакат ҳудудининг аксарият қисми толиблардан озод этилганини кўрамиз.

Қисқа қилиб айтганда, бугунги кунда Афғонистон ҳудудида жанговар ҳаракатлар тугалланиш арафасида экани ва улар мамлакат жанубида, Кандаҳор атрофида давом этаётгани кузатилмоқда.

Афғонистон харитасидаги аҳволнинг бундай кескин ўзгаришини таҳлил қилмоқчи бўлсак, бунинг асосий сабабларини бир қанча омилларда кўришимиз мумкин.

Шу кунларда Афғонистонда содир бўлаётган воқеаларни кузатар эканмиз, халқимизнинг "Ёв қочса, ботир кўпаяр", деган бир мақоли ёдга тушади. Ва мазмунан шунга яқин бўлган "Ғалабанинг отаси кўп бўлади", деган нақлни ҳам эслаб ўтсак, менимча, ўринли бўлади. Яъни, кейинги пайтда Афғонистон ҳудудида бўлаётган ўзгариш ва жараёнларни ўзича таҳлил қилувчи ва улардан турли-туман хулоса чиқарувчилар сони кўпайиб бораётганини табиий бир ҳол сифатида қабул қилишимиз керак, деб ҳисоблайман.

(Давоми 4-бетда)

Лўнда қилиб айтганда, нафақат Афғонистон атрофида жойлашган қўшни давлатлар учун, ўйлайманки, онгли ҳаёт кечираётган барча халқлар учун тинч-тотув яшайдиган, бетараф бўлган ва барқарор ривожланиш йўлидан борадиган янги Афғонистон керак.

БИЗ УЧУН ХАЛҚИМИЗ, ВАТАНИМИЗ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ

(Давоми.Боши 3-бетда)

Лекин, бу воқеалар ва ўзгаришлар қайси томонга бурилишидан қатъи назар, биз ўзимизнинг холисона қарашларимизда қатъий туришимизни ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим.

Шуни инобатга олиб, Афғонистонда сўнгги вақтларда рўй берган воқеаларни баҳолар эканмиз, аввало, бу мамлакат ҳудудини "Толибон" кучларидан озод этишда нималар, қандай омиллар муҳим ўрин тутди, деган саволга жавоб топишимиз, бунда қуйидаги сабабларга алоҳида эътибор қаратишимиз керак, деб ўйлайман.

Биринчидан. Аксилтеррористик коалиция тарафидан ўтказилган кучли таъсир натижасида Покистон томонининг "Толибон" ҳаракатига ҳарбий ёрдам беришдан воз кечгани ва шу тариқа мамлакат ҳудудидан Афғонистонга ўтиб, жангларда қатнашмоқчи бўлган жангариларга йўл берилмагани, бу оқимнинг тўхтатиб қолиниши "Толибон" ҳаракатининг қисқа вақтда мағлубиятга юз тутганига сабаб бўлди, дейишга кўпгина асослар бор.

Иккинчидан. Юқорида зикр этилган таъсир туфайли Форс кўрфази атрофида жойлашган мамлакатларнинг "Толибон" ҳаракати билан бўлган алоқаларидан воз кечгани ва очиқ айтишимиз керакки, "Толибон" ҳаракатига сўнгги дамларгача экстремистик марказлар томонидан кўрсатилаётган катта миқдордаги молиявий ёрдамнинг чекланиши ҳам бу жараёнда муҳим аҳамият касб этди.

Учинчидан. Америка Қўшма Штатлари ва унинг иттифоқчилари томонидан, аввало, ҳарбий ҳаво кучлари томонидан "Толибон" жангариларига қарши кескин зарбалар берилиши, бунинг натижасида толибларнинг аэродром ва ҳарбий самолётлари, оғир ҳарбий техникаси, асосий базалари, қурол-яроғ, ёқилғи омборларининг ишдан чиқарилиши, шу тариқа улар ўзининг асосий ҳарбий қудратидан маҳрум бўлиши ҳам катта роль ўйнади.

Тўртинчидан. Афғонистондаги Шимолий иттифоққа берилган ёрдам ҳисобидан улар ўз ҳарбий куч-қудратини қайта тиклаб олгани ва жанговар ҳаракатларни шиддат билан олиб боргани ҳам бу борада ҳал қилувчи омил бўлди.

Агарки, мазкур жараёнлар ва эришилган ютуқларга бундан ҳам чуқурроқ қарайдиган бўлсак, Афғонистон харитасида содир бўлган ўзгаришларнинг энг муҳим сабабини, ўйлайманки, афғон халқининг "Толибон" ҳаракати зулми ва зўравонлигидан чарчаганида, бу ўзгаришларни ижобий кутиб олганида кўришимиз табиийдир. Шу нарса аниққки, афғон халқи бундай ўзгаришларни хайрихоҳлик билан кутиб олмаса ва керак бўлса, бу жараённинг асосий иштирокчисига айланмаса, бугун биз кўриб турган натижаларга эришиш жуда қийин бўлар эди.

Вужудга келган ҳозирги вазиятнинг яна бир жиддий сабаби борки, буни ҳам диққат-эътиборимиздан четда қолдирмаслигимиз керак. У ҳам бўлса, халқаро жамоатчиликнинг терроризмга қарши эълон қилинган курашда кўрсатаётган эътибори ва қатъияти, десак, бу ҳам айни ҳақиқат бўлади.

Агар барча кузатувчилар мана шу мезон ва омиллар Афғонистонда рўй берган бугунги ўзгаришларга асосий сабаб бўлиб, ҳал қилувчи таъсир ўтказганига холисона қараб баҳо берса, юқорида айтилган хулосаларни эътироф этиши муқаррар.

Шу борада жиддий бир масалага эътиборингизни тортмоқчиман. Яъни, Афғонистонда Шимолий иттифоқ олиб бораётган кураш ва жанговар ҳаракатларни мамлакат ҳудудини толиблардан озод қилишдаги яккаю ягона куч, деб таърифлаш ва шу аснода тегишли хулосалар чиқариш, ўртага маълум бир талаблар қўйиш — бу ҳам бирёқлама қараш бўлур эди. Холисона қарайдиган бўлсак, толибларнинг зулм ва ҳукмронлигидан афғон ерининг озод қилиниши — бу Афғонистон ҳудудида мавжуд барча, такрор айтаман, барча кучларнинг ҳамда Афғонистон чегарасидан ташқарида бўлган қудратли кучларнинг ҳаракати ва ёрдами натижасидир, деб қабул қилсак, хато бўлмас эди.

Ана шу хулосалар билан боғлиқ яна бир масала борки, уни ҳам эътиборимиздан соқит қилиб бўлмайди. Яъни, Афғонистон пойтахти Кобулга Шимолий иттифоқ ҳарбий кучларининг кириб бориши билан худдики Афғонистонда жанговар ҳаракатлар ниҳоясига етказилди, мана энди қонуний афғон ҳукумати Кобулда ўз фаолиятини бошлади, шу билан афғон фожиасига якун ясашга замин туғилди, деб фараз қилиш, ўйлайманки, бу ҳам ўта хомхаёл бўлур эди.

Ва бундай қарашлар афғон ҳудудида мавжуд бугунги вазиятнинг янада кескинлашувига сабаб бўлишини, бунинг оқибатида бир-бирига қарама-қарши турган ҳудудий, этник ва диний кучларнинг эртага яна ҳарбий ҳаракатларни авж олдиришини кутиш мумкин. Чунки, Афғонистон кўпмиллатли, турли элатли давлат эканини унутмаслигимиз керак.

Бу ўлканинг кўп асрлик тарихини инобатга оладиган бўлсак, вазият шу тупроқда яшаётган турли ҳудуд, миллат, элат ва диний эътиқодга мансуб барча аҳоли қатламларининг манфаатини тўлиқ ҳисобга олмаслик қанча-қанча хунрезлик ва салбий оқибатларга олиб келганини ҳеч ким, ҳеч қачон эсидан чиқармаслигини талаб қилади.

Агарки, Афғонистон можаросига дахлдор бўлган барча давлатлар ва уларнинг раҳбарлари бу заминда тинчлик, осойишталик ва барқарорлик қарор топишини ҳақиқатда ҳам истаса, шунинг тарафдори бўлса, улар аввало Афғонистон ҳаётига таллуқли мана шундай мезон ва омилларни ҳисобга олиши ва ҳар қандай бирёқлама, саёз қарашлардан воз кечиши даркор.

Сўнгги йигирма йилдан ортиқ давр мобайнида Афғонистон ҳудудида давом этиб келаётган қонли воқеаларнинг илдизига етиб бормоқчи бўлсак, ҳеч кимга сир эмаски, бу фожиа Афғонистон давлати тарихига, афғон халқининг менталитетига, яъни турмуш ва тафаккур тарзига, унга хос бўлган хусусиятлар ва аломатларга менсимай қараш туфайли юз берганини кўрамиз.

Бутун бошли бир мамлакатни, халқни қонга ботирган хунрезлик, аввало, бу нозик масалага мана шундай саёз қарашлар ва яна бир бор айтаман, афғон тарихидан чиқадиган хулосаларни менсимаслик ва писанд қилмаслик оқибатида вужудга келган, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Азиз дўстлар, биродарлар!

Келинг, ўзимизнинг яқин тарихимизда бошимиздан кечирган баъзи воқеаларни бир эслайлик.

Етмишинчи йилларнинг охирида собиқ СССРнинг кексайиб, мункиллаб қолган раҳбарлари узоқни кўролмасликлари, калтабинлиги натижасида ўта хатарли, ҳеч кечириб бўлмайдиган қарор қабул қилиб, 280 миллионли халқнинг боши берк кўчага кириб қолишига сабаб бўлди.

Улар, мавжуд вазиятни сохталаштириб, уни ўзларича талқин қилиб, Афғонистонда ҳам совет социалистик тизимини ўрнатамиз, деб ахмоқона ҳаракатларни бошлади.

Шу мақсадда Афғонистонда ҳокимият тепасига ўзлари кўтариб қўйган Нурмуҳаммад Тараки ёки уни ўлдириб жойини эгаллаган Ҳафизулла Амин бўладими, Аминни йўқ қилиб, ўрнига келтирилган қўғирчоқ раҳбар Бабрак Кармал ёки генерал Нажибулла бўладими, хуллас, уларнинг барчаси билан қалтис ва нопок ўйинларни бошладилар.

Ўша даврда Политбюрода ўтирган қари "доҳий"лар ўз ниятларига эришиш йўлида Афғонистон тахтига ўтқазилган мана шундай шахслар ва уларнинг атрофида тўпланган кучларга, турли ўйинчиларга ёрдам бериш, уларнинг ҳукмронлигини мустаҳкамлаш ва чўзишга ҳар томонлама ҳаракат қилди, қанча-қанча куч ишлатди.

Бу эса жафокаш афғон халқини чексиз ҳалокатларга дучор этди, беҳисоб қурбонлар беришига олиб келди, собиқ иттифоқ таркибидаги республикалар ва халқларнинг азоб-уқубатларига, айрилиқларига, ёш йигитларнинг ҳалок бўлишига, мамлакатнинг оғир талофатлар кўришига, керак бўлса, СССРнинг ўзи охир-оқибатда инқирозга учрашига сабаб бўлганини эслашимиз ўринли, деб биламан.

Муҳтарам дўстлар, доно халқимизда бир мақол бор, яъни "Кўр ҳассасини бир марта йўқотади". Шундай экан, айтинглар, шу каби хато ва даҳшатли фожиаларга яна йўл қўйишга бизнинг ҳаққимиз борми?

Йўқ ва асло йўқ.

Барчамизга аён бўлиши керакки, бугун Афғонистон майдонида бир-бирига қарши турган кучлар — улар ҳудудий, этник ва диний гуруҳ ёки қатламлар бўладими — бир-биридан ўч олишга, ҳар хил шартлар ёки ўзини устун қўйиш йўли билан эмас, аксинча, бир-бирининг ўзаро талаб ҳамда манфаатларини тан олиб, тил топишишга интилиши ва аввало, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти раҳнамолиги ва воситачилиги асосида қандайдир келишувга эришиш йўли билан бу заминда тинчлик ўрнатиш мумкин.

Акс ҳолда, бугун Афғонистон муаммосини ечишда қизиқиш билдираётган, очиқроқ айтадиган бўлсак, бундан манфаатдор бўлган ҳар қайси кучли давлат бу мамлакат ҳудудидаги ўзи ҳомийлик қилаётган кучларни қўллаб-қувватлайверса, уларни қурол-яроғ билан таъминлашни тўхтатмаса, моддий-молиявий кўмак бераверса, уларни бир-бирига қарши гиж-гижлашдек хунук ҳаракатлар давом этаверса, кенг қамровли коалиция асосида ҳукумат тузилиши у ёқда турсин, бу жафокаш заминда тутаб ётган уруш гулханини ўчириб бўлмайди.

Бинобарин, бизнинг чегарамиздаги уруш ҳам тугамайди. Буни ҳаммамиз яхши англаб олишимиз ва ундан тегишли хулосалар чиқаришимиз зарур.

Сизларга маълумки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг шу йил 15 ноябрда қабул қилган резолюциясида Афғонистоннинг янги, вақтинчалик маъмурияти ва бўлажак ҳукумати кенг коалиционо асосда тузилиши, яъни унинг таркибида афғон диёрида истиқомат қилаётган барча ҳудудий, этник ва диний гуруҳларнинг вакиллари бўлиши, бу ҳукумат қўшни мамлакатлар билан ўзаро муносабатларда тинчлик ва яхши қўшничилик тамойилларига амал қилиши ва халқаро нормаларга итоат қилиб яшаши лозимлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Лўнда қилиб айтганда, нафақат Афғонистон атрофида жойлашган қўшни давлатлар учун, ўйлайманки, онгли ҳаёт кечираётган барча халқлар учун тинч-тотув яшайдиган, бетараф бўлган ва барқарор ривожланиш йўлидан борадиган янги Афғонистон керак.

Шунингдек, бу ҳужжатда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгаши барча аъзо давлатларни бугун азоб чекаётган афғон халқига, уй-жойидан ажралган қочоқларга кўрсатилаётган гуманитар ёрдамни кучайтиришга даъват этди.

Ўзбекистон афғон заминидаги қонли тўқнашувларнинг тезроқ барҳам топишидан энг манфаатдор бўлган мамлакат сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ушбу қарорини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашини яна бир марта мана шу минбардан туриб таъкидламоқчиман.

Дарҳақиқат, Афғонистонда тинчлик ўрнатиш, йигирма йиллик уруш туфайли вайрон бўлган иқтисодиётни оёққа турғизиш, ер билан теп-текис бўлиб ётган шаҳар ва қишлоқларни, бино ва турар-жойларни тиклаш мақсадида маблағ йиғиш, керак бўлса, халқаро жамғарма тузиш, энг муҳими, бу мамлакатда яшаётган барча одамларда ўз юртининг келажагига ишонч уйғотиш, аҳолига, афғон халқига бу бошбошдоқлик, зулм ва қатағонлар тугайди, деган кафолатни бериш ҳозирги кунда энг муҳим вазифага айланмоқда.

БМТ Хавфсизлик Кенгашининг қарорларига асосланиб, куни кеча Германиянинг Бонн шаҳрида бўлиб ўтган, Афғонистонда бугун намоён бўлган маълум сиёсий ва ҳарбий, ҳудудий, диний кучларнинг ("Толибон" бундан истисно, албатта) кенгашида эришилган келишув ва қарорларни жафокаш афғон заминида барқарорлик ўрнатиш йўлидаги биринчи қадам, деб қабул қилсак, хато бўлмайди, деб ўйлайман.

Барчангизга маълумки, Ўзбекистон бу хайрли ишга, яъни Афғонистон минтақасида тинчлик ва осойишталик ўрнатишда, аввало, гуманитар ёрдамларини беришда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшяпти — Термиз орқали қиш арафасида оғир аҳволга тушиб қолган афғон халқига мунтазам равишда кўплаб инсонпарварлик ёрдами етказиб берилмоқда.

Шуни айтишим лозимки, бу борада биз фақат юкларни ўтказиб бериш билан чекланиб қолмасдан, бундай савоб иш учун ўз имкониятларимизни ҳам ҳеч қачон аямаймиз.

Ҳурматли депутатлар!

Юқорида айтилган фикр-мулоҳазалардан хулоса қиладиган бўлсак, ҳозирги вақтда Афғонистон ҳудудида бир қарашда ҳарбий ҳаракатлар якунланаётгандек туюлса-да, аҳвол ҳали-ҳануз кескин эканини, аниқроқ айтганда, мураккаб вазият сақланиб қолаётганини англашимиз мумкин. Ва бугунги кўпгина минтақалардаги мавжуд вазият, қолаверса, бутун курраи заминдаги аҳвол кескин ва нотинч бўлиб турганини ҳеч қачон эътиборимиздан соқит қилмаслигимиз даркор.

Шунинг учун нафақат яқин атрофимизда, балки узоқ-яқин ҳудудларда содир бўлаётган воқеаларни ҳам синчиклаб ўрганиб, улардан тўғри хулоса чиқариш, улар кимнинг манфаатига жавоб беришини, бу ҳаракатлар замирида бир қарашда кўзга ташланмайдиган қандай пинҳона мақсадлар ётганини чуқур таҳлил қилишимиз зарур.

Чунки бу воқеалар Ўзбекистонимизга, унинг келажагига, юртимиз хавфсизлигига, бир сўз билан айтганда, бизнинг миллий манфаатларимизга қандай таъсир қилишини англаб, сезгир бўлиб яшашимизни бугун ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда.

Шу маънода, бугунги вазият билан боғлиқ, нафақат Афғонистон, умуман, терроризмга қарши кураш атрофида намоён бўлаётган айрим воқеа ва қарашлар, лўнда қилиб айтганда, баъзи бир ўйинлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш ўринли, деб биламан.

Бугун дунёдаги барча соғлом фикрли одамлар 11 сентябрдан кейин халқаро терроризм балосига қарши коалицияга бирлашган қудратли давлатлар ва кучларнинг қатъияти ҳамда улар бу қатъиятни ушбу курашнинг охирига қадар сақлай олиши нечоғли муҳим эканини тобора чуқур англамоқда.

Ҳозирги вазиятда бу коалиция ўзининг ана шу позициясида қанчалик изчил туриши, унинг қатъиятига қандайдир тортишув ва манфаатлар, сиёсий ўйинлар аралашиб қолмаслиги ўта муҳим ва нозик масала бўлиб қолмоқда.

Биз нима учун бунга алоҳида эътибор бериш зарур, деб ўйлаймиз? Бу борада Ўзбекистоннинг манфаати нималардан иборат?

(Давоми 5-бетда)

Бу кеманинг қайси жойда қандай сузишни белгилайдиган командаси — ҳукумати ва фидоийлари бор, аниқ ва пухта режаси бор, бу режаларни амалга оширадиган етакчиси бор.

МАНФААТИДАН УЛУҒ МАҚСАД ЙЎҚ

ОЛИЙ МАЖЛИС ЕТТИНЧИ СЕССИЯСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

(Давоми. Боши 3-4-бетларда)

Мухтасар қилиб айтганда, биз Афғонистонда янги ҳукумат тузиш атрофида бошланган тортишув ва сиёсий можаролар авжига чиқиб, терроризмга қарши кураш масаласи эса четда қолиб кетишини, оқибатда Ўзбекистон яна ўз чегарасида бу мудҳиш хавф билан юзма-юз бўлиб қолишини сира ҳам истамас эдик.

Шу нуқтаи назардан қараганда, атрофимизда бўлаётган воқеаларга доимо сезгир бўлиб туришимиз зарур.

Бу борада сиз, халқ ноибларининг эътиборини яна бир масалага тортмоқчиман.

Гап шундаки, бугун баъзи сиёсий кучлар, давлат, жамоат арбоблари ва оммавий ахборот воситаларини, авваламбор, узоқ-яқинимиздаги айрим давлатларни, Ўзбекистон ажратиб берган аэродромда Америка Қўшма Штатлари ҳарбийларининг жойлашгани ва шу аэродромнинг кейинги тақдири кўпроқ безовта қилмоқда.

Улар, Америка ҳарбийлари бу ерда доимий қоладими ёки вақтинчаликми, умуман, бу ҳарбий кучларнинг эртанги режалари нимадан иборат, деган мазмундаги ўз қарашларини баён этмоқда, бу борада кўплаб мишмиш ва уйдирмаларни тарқатмоқда.

Мен ана шундай ташвишда юрганларнинг мушкулини осон қилиш учун бу масала хусусида аниқ фикримни билдирмоқчиман.

Биринчидан, Америка Қўшма Штатлари бу аэродромни қандай мақсадлар учун ишлатиши ва қандай чегаралардан чиқмаслиги ҳақидаги барча саволларга Ўзбекистон билан ушбу мамлакат ўртасида тузилган ҳуқуқий ҳужжатда жавоб борлигини айтиб ўтмоқчиман. Бинобарин, бу борада бошқа тахмин ва гумонларга асос йўқ.

Иккинчидан, табиийки, ўзини мустақил ва суверен, деб ҳисоблайдиган ҳар қайси давлат ва унинг ўз халқи олдида жавоб берадиган раҳбари давлат, жамият ва халқ манфаатларини кўзлаб қарор қабул қилишга ҳақлидир.

Яна бир бор қайтариб айтишга мажбурман — бу масала бўйича қабул қилинган қарор замирида фақатгина Ўзбекистон манфаати, унинг эртанги тинчлиги, осойишталиги ва барқарорлигини сақлаш манфаати турибди.

Шу ўринда олдин ҳам матбуот саҳифаларида билдирган бир фикримга яна қайтмоқчиман.

Давлатимизнинг сиёсати ва ҳаракатларига алоҳида кўз билан қарайдиган баъзи бир газеталар Ўзбекистонни кеча оға бўлган давлатлардан узоқлашиш мақсадида океан ва денгиз сувларида ўз ҳолича сузиб юрган муз тоғига ҳам ўхшатган эди.

Бу борада шуни қатъий айтишим керакки, агар қиёслаш керак бўлса, Ўзбекистонни қандайдир муз тоғига эмас, балки йўли, борар манзили аниқ, рули ва елканлари мустаҳкам бўлган, салобатли ва бақувват кемага ўхшатиш ҳар жиҳатдан тўғри бўлар эди.

Бу кеманинг қайси жойда қандай сузишни белгилайдиган командаси — ҳукумати ва фидоийлари бор, аниқ ва пухта режаси бор, бу режаларни амалга оширадиган етакчиси бор.

Ҳар қандай кўзи очиқ, беғараз одам буни кўрмаслиги мумкин эмас.

Ўзбекистон ўз манфаатларига мос йўлдан бормоқда. Биз учун халқимиз, давлатимиз, тинч-тотув ҳаётимиз, келажак авлодларимиз манфаатини кўзлаб ҳаракат қилишдан бошқа мақсад йўқ.

Шунинг учун бу масала атрофида кўп гапиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман. Бу хусусда ҳар хил бўҳтон ва уйдирмаларни тўқиб чиқараётганлар овора бўлади. Агарда бирор кишида бу борада яна савол пайдо бўлса, уларга менинг мана шу сўзларим жавоб бўлиши мумкин, деб ўйлайман.

Биз ўз танлаган йўлимиздан собитқадамлик билан борар эканмиз, нафақат бугунги, аввало, эртанги кунимиз қандай бўлиши, фарзандларимизнинг қандай ҳаёт кечиришини, уларнинг ёруғ келажагини ўзимизга аниқ тасаввур қилиб, режаларимизни шу асосда тузишимиз зарур.

Бунда бизнинг дунё ҳамжамияти, жаҳондаги етакчи давлатлар билан барча соҳалардаги ҳамкорлигимиз муҳим роль ўйнаши табиий, албатта.

Хусусан, ҳеч кимга сир бўлмаслиги лозимки, мамлакатимизнинг дунёдаги энг қудратли давлат бўлмиш Америка Қўшма Штатлари билан узоқ ва давомли, ўзаро манфаатли алоқалар ва муносабатлар тузишига нима ва ким қарши чиқиши мумкин?

Аввало, биз учун муҳим муаммо бўлмиш хавфсизлик масаласида кафолатлар олиш, эртанги озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётни барпо этишимизда, шу мақсадларга эришиш учун демократик давлат ва фуқаролик жамияти асосларини қуришда, бозор ислоҳотларини охиригача етказишда кўмак ва ҳамкор топиш нақадар муҳим аҳамиятга эга эканини мамлакатимиздаги бирон бир сиёсий куч ёки аҳолимизнинг қатламлари ва уларнинг вакилларига исбот қилиб бериш зарурати борми?

Бу борада қўяётган қадамларимиз ва бугун матбуотда эълон қилинган Америка Қўшма Штатлари ҳукумати билан, аввало, ўзаро иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, мамлакатимизда демократик ва бозор муносабатларини чуқурлаштириш, ислоҳотларнинг самарасини ошириш мақсадида ҳамкорликни кенгайтириш ва кучайтириш ҳақидаги имзоланган ҳужжатлар бу масалани шу тариқа ортиқча изоҳлаб ўтиришга зарурат қолдирмайди, деб ўйлайман.

Муҳтарам халқ ноиблари!

Барчамизни ташвишга солаётган, сиёсатдан, ҳар хил сиёсий ўйинлардан узоқ бўлган, оқни оқ, қорани қора, деб биладиган кўплаб содда одамларни чалғитишга қаратилган яна бир масала борки, биз унга ҳам алоҳида эътибор беришимиз керак.

Яъни, ўлим талвасасига тушиб қолган террорчиларнинг одамларни алдаш, уларнинг онгини бузғунчи ғоялар билан заҳарлаш, керак бўлса, оқни қора деб кўрсатишга уринишларини, уларнинг бу йўлда ҳар қандай қабоҳат ва разилликдан ҳам тап тортмаслигини биз доимо ёдда тутишимиз зарур.

Бунинг хавфли томони шундан иборатки, инсон қиёфасини йўқотган, қўли қон террорчилар ва уларнинг "доҳий"лари мўмин-мусулмонларнинг соддалигидан, диний ҳиссиётларидан фойдаланиб, ўз жиноятларини ислом дини номидан хаспўшлашга интилмоқда.

Бундай кучларнинг маккор тарғиботчилари нафақат Афғонистон, балки бошқа кўплаб давлатларда ҳам жойлашиб олиб, бугунги кунда терроризм марказларига берилаётган зарбаларни барча мусулмонларга қарши, ислом динини бутунлай йўқ қилишга қаратилган уруш, деб жар солмоқда.

Шунинг учун, такрор айтаман, бугун атрофимизда рўй бераётган воқеалар, хусусан, Афғонистондаги вазиятни инобатга оладиган бўлсак, кенг жамоатчилигимизнинг асосий бурчи халқимизни, одамларнинг онгу тафаккурини, биринчи галда ана шундай ёлғон ташвиқот, ғаразли уйдирма ва мишмишлар таъсиридан асраш бўлмоғи лозим.

Мен хаёлан яна ва яна ўта муҳим бир масалага қайтаман. Ва шу масалани бугун ойдинлаштириш зарур, деб ўйлайман.

Агар мендан бугунги ғоят мураккаб, таҳликали бир вазиятда ўзимизни, юртимизни ҳимоялаш учун, одамларимизнинг, миллатимиз ва халқимизнинг онгини, тафаккурини ёвуз таъсир ва чалғитишлардан асраш учун нима қилиш керак, бу борадаги энг муҳим вазифа нимадан иборат, деб сўраса, мен, энг аввало, дину диёнатимизни, унинг софлигини асрашимиз зарур, деб айтган бўлардим.

Кимга қандай туюлмасин, бугун динимизнинг асл моҳиятини асраш, унинг маъно-мазмуни нақадар пок ва эзгу эканини, дин биз учун асрлар давомида ўзлигимизни, миллатимиз, наслимизнинг энг яхши қадриятларини сақлаб қолишда буюк ҳаётбахш куч бўлиб келаётганини такрор ва такрор таъкидлашимиз, бу ҳақиқатни одамларнинг онгига сингдиришимиз даркор.

Айнан шунинг учун ҳам, бугун биз яна дину диёнатимиз ҳимояси йўлида қатъий туришимиз: "Эй ватандошлар, биродарлар, динимизни, иймонимизни асрайлик", деб, баланд овоз билан айтишимиз керак.

Агар биз бугун дину диёнатимизни уни бузиб талқин этаётган кимсалардан ҳимоя қилмасак - шундай хатарни яқин тарихимизда ва бугуннинг ўзида ҳам бошимиздан кечирмоқдамиз — одамлар, айниқса, ҳаёт тажрибаси, онгу тафаккури ҳали етарли бўлмаган ёшларимиз эртага ана шу кучларнинг машъум таъсирига тушиб қолиши мумкин.

Бизнинг ислом динига бўлган ихлосимиз, эътиқод ва садоқатимизни бутун жаҳон аҳли кўриб-билиб турибди. Мен сўнгги йилларда юртимизда диний қадриятларни тиклаш, улуғ уламоларимизнинг муборак қадамжоларини обод қилиш, динимизни ҳар томонлама чуқур ўрганиш йўлида амалга ошираётган катта-катта ишларимизни эслаб ўтирмоқчи эмасман.

Лекин кейинги ўн йил мобайнида муқаддас Қуръони каримнинг она тилимиз — ўзбек тилида минг-минг нусхада икки марта нашр этилганининг ўзи ана шу эътиқод ва садоқатимизнинг яна бир исботи эмасми?

Бизнинг мана шу муборак заминимиздан номлари бутун мусулмон оламида чексиз эҳтиром билан тилга олинадиган Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Имом Марғиноний, Баҳоуддин Нақшбанд каби улуғ алломалар етишиб чиққани билан барчамиз фахрланамиз.

Айни пайтда, динни ниқоб қилиб олган жиноятчи тўдалар, қаллоб ва чаласавод кимсалар дунёга ана шундай мўътабар зотларни берган юртимизга, энг оғир замонларда ҳам Оллоҳни ҳамиша қалбида, юрагида сақлаб келган халқимиз шаънига турли бўҳтонлар ёғдиришдан тоймайди. Терроризмга қарши бошланган курашни бутун ислом динига қарши уруш, деб кўрсатишга уринаётган бу манфур кимсалар мусулмонларни ҳимоя қилиш керак, деган қабиҳ иғволарни тарқатишдан ҳам қайтмайди.

Шу муносабат билан мен айтмоқчиман: ҳа, бугун динимизни асраш керак, мўмин-мусулмонларни ҳимоя қилиш керак.

Лекин динимизни биринчи галда, ўзини "чин мусулмон" деб даъво қилаётган ана шу ёвуз кучлардан, ҳар қадамда жиҳод деб оғиз кўпиртириб, дин номидан бузғунчилик қилаётган қонхўр ва қотиллардан асраш керак.

Мусулмонларни ўз орамизда юриб, адоват ва низо уруғини сочаётган фирибгар одамлардан ҳимоя қилиш керак.

Кўп асрлик тарих шундан далолат берадики, динимизни ана шундай зарарли таъсирлар, қўпорувчи кучлардан ҳимоя қилиш зарурати ҳамма замонларда ҳам долзарб муаммо бўлган.

Биргина ўтган йили муборак таваллуд санасини нишонлаганимиз буюк мутафаккир бобомиз Имом Мотуридийнинг дини ислом моҳиятини бузиб талқин қиладиган турли оқимлар ва уларнинг намояндаларига қарши қандай матонат ва маърифат билан курашганини эслайлик.

Ҳидоят йўлини асраш ва авайлаш кераклигига даъват этган бобомиз Имом Марғиноний насиҳатларини эслайлик.

Хўш, айтинглар, азиз дўстлар, биродарлар, юртимизда яшаб ўтган, динимиз ривожига унутилмас ҳисса қўшган ана шундай улуғ аждодларимизнинг бебаҳо мероси, ўлмас асарларида бирон-бир ғаразли фикр борми?

Дин номидан фитна қўзғашга, одамларнинг уй-жойини бузиш, мол-мулкини талашга, уларни қувғин қилишга, ўлдиришга даъват борми?

Ислом тафаккури, ислом фалсафаси, ислом маданияти марказлари деганда барча мусулмонларнинг кўз олдига, энг аввало Маккаю Мадина, Бағдод ва Дамашқ, Қоҳира ва Машҳад, Самарқанду Бухоро каби кўпгина табаррук масканлар келиши табиий.

Лекин бугун ўзи уя қуриб олган тоғу тошларни ислом маркази деб даъво қилаётган террорчи газандаларнинг сурбетлиги шу даражага етмоқдаки, уларнинг бошлиғи ўзини, нима эмиш, "амирул-мўминин", яъни ер юзидаги барча мусулмонларнинг амири, подшоси деб эълон қилибди.

Ўз-ўзидан савол туғилади: дунёдаги бир ярим миллиарддан ортиқ мусулмон номидан гапиришга ким уларга ваколат ва ҳуқуқ берибди?

Ахир, ўзингиз бир ўйлаб кўринг, Қуръони карим нозил бўлган муқаддас замин — Саудия Арабистони подшоси ҳам хокисорлик билан ўзини икки муқаддас масжиднинг ходими, хизматчиси деб атайди-ю, зоти зурриёди, насл-насабининг тайини йўқ аллақандай кимсалар бутун мусулмон умматига раҳнамолик даъво қилади?

Келинг, азиз дўстлар, бир зумга мен ўзимни Президент эмас, сизлар ҳам депутат эмасмиз, деб тасаввур қилиб кўрайлик.

Ҳаммамиз ҳам, алҳамдулиллоҳ, мусулмонмиз. Мана шундай қабиҳ кучлар муқаддас туйғуларимизни оёқости этса, куппа-кундузи дину диёнатимизга туҳмат қилса, бунга бепарво қараб, бефарқ бўлиб ўтиришга бизнинг ҳаққимиз борми? Кўксида озгина виждони, иймони бор ҳар қандай одам бундай ярамас ишларни кўрганда ўз-ўзидан ёниб кетмайдими?

Шунинг учун ҳам ҳозирги мураккаб ва таҳликали бир пайтда ҳақиқатни ёлғондан, дўстни душмандан ажратиш ўта муҳим аҳамиятга эга.

Албатта, бу борада жамиятимизда бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Биз муҳтарам руҳонийларимиз, имом-хатиблар халқимиз ўртасида динимизнинг асл моҳиятини очиб бериш учун олиб бораётган ишларни яхши биламиз. Лекин улар дину диёнатимизни асраш учун фақат жума намозларидагина эмас, ҳар куни, доимий равишда даъват этсалар, ўйлайманки, бу Яратганимизга ҳам, унинг бандаларига ҳам мақбул бир иш бўлур эди.

Нега деганда, ислом дини номидан қўпорувчилик, бузғунчилик қилаётган кимсаларни жиловлаб қўйиш ҳар бир иймонли кишининг, ҳар бир мусулмоннинг муқаддас бурчидир.

Азиз ватандошлар!

Бугун Олий Мажлис номидан бутун халқимизга қарата қабул қилинаётган Мурожаатноманинг асосий маъноси ҳам шуки, у бизни, эй одамзот, кўзингни оч, ўзингни ўзинг ҳимоя қилмасанг, четдан келиб сени ҳеч ким ҳимоя қилмайди, дея огоҳ этади.

Шунинг учун эртанги ҳаётингни ўз қўлинг билан барпо этишинг керак, эккан ниҳолларинг мевасини, қурган уйларингнинг роҳатини, фарзандларинг камолини кўрай десанг, ёвузликка қарши курашмоғинг лозим, деган ҳақиқатни барчамизга яна бир бор эслатади.

Такрор айтаман: тинчлик учун, эртанги кунимизнинг осойишта ва ёруғ бўлиши учун барчамиз қатъият билан курашмоғимиз зарур.

Мен мана шу залда ўтирган халқ ноибларига, барча-барча инсонларга, улар орқали бутун халқимизга эсон-омонлик, кучқувват ва омадлар тилайман.

«Халқимиз «Қариси бор уйнинг париси бор», дейди. Ҳақиқатан ҳам, қаерда кексалар бўлса, уларга эътибор бўлса, шу жойда файз бор, барака бор. Бундай хонадонни Оллоҳнинг ўзи асрайди», деб таъкидлади Юртбошимиз.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессияси тўғрисида

АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Олий Мажлис сессиянинг ишчи органи - котибиятни тузди, кун тартибини тасдиқлади.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилди.

Давлатимиз раҳбари шу йилнинг 11 сентябрида АҚШда содир бўлган фожеали воқеалардан сўнг минтақада ва дунёда вужудга келган вазиятни чуқур ва батафсил таҳлил қилиб берди. Давлатимиз раҳбари халқаро терроризмни вужудга келтирган сабаблар ва омиллар, Ўзбекистоннинг ушбу офатга қарши кураш муаммоларига муносабати хусусида батафсил тўхталди. Бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятига таҳдид солаётган террорчиликни барча халқлар ва давлатлар ўз саъи-ҳаракатларини бирлаштирган ҳолдагина бартараф этиши мумкин. Террорчилик билан кураш инсоният олдида, мустақил Ўзбекистон Республикаси олдида турган энг долзарб масалалардан биридир. (Маруза матни чоп этилмоқда).

Парламентнинг халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси Э.Воҳидов Президент Ислом Каримов маърузасида баён қилинган Ўзбекистоннинг минтақада ва дунёда юзага келган бугунги мураккаб вазиятдаги қатъий нуқтаи назарини қўллаб-қувватлаб, Олий Мажлиснинг Ўзбекистон халқига махсус Мурожаатини қабул қилишни таклиф этди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси А.Орипов, Бош вазир ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Ғуломова, «Қизил-қумнодирметаллолтин» давлат акциядорлик концерни раиси Н.Кучерский, Республика «Маънавият ва маърифат» марказининг Хоразм вилояти бўлими раҳбари Г.Ибодуллаева, Тахтакўпир тумани «Тахтакўпир» ширкат хўжалиги раиси А.Одилов ўз чиқишларида фуқароларни огоҳликка ва террорчилик ҳамда экстремизм кўринишларига қарши курашда ҳамжиҳатликка чақириб, Ўзбекис-тон Президенти Ислом Каримов маърузасидаги фикрларни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон халқига Мурожаат қабул қилишни таклиф этди.

Парламент Ўзбекистон халқига Мурожаатни қабул қилди.

Сўнгра сессияда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Эркин Халилов маъруза қилди.

Маърузачи давлатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан ўз вақтида илгари сурилган икки палатали парламентни шакллантириш ғоясини амалга оширишнинг муҳимлигини таъкидлаган ҳолда уни бошқа масала — Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини ўзгартириш билан бир пайтда ўтказиш зарурлигини қайд этди. Мамлакат олий қонунчилик органи ислоҳоти ҳокимиятнинг бошқа бўғинлари такомиллаштирилган, умумий давлат сиёсатини юритишда аниқ ва ҳамжиҳат фаолият кўрсатган шароитдагина самара бериши мумкин.

* * *

Тошкентда 7 декабрь куни иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессияси ўз ишини давом эттирди.

Парламент сессияси ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқарди.

Олий Мажлиснинг Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси раиси К.Жумабеков Ўзбекистон Республикасининг «Маҳсулот тақсимотига оид битимлар тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда депутатлар эътиборига ҳавола этди. Мазкур қонун лойиҳаси муҳокамасида «Шўртаннефтгаз» унитар шўъба корхонаси раҳбари О.Муродов, Самарқанд давлат университети ректори Р.Холмуродов, Қумқўрғон тумани ҳокими Н.Чориев, «Билдинг технолоҳиз» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси бош директори С.Ким, «Фонон» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори М.Ашуров иштирок этди. Парламент ушбу қонунни ва уни жорий қилиш тартиби тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

«Кредит уюшмалари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини депутатлар эътиборига Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Б.Панаев тақдим этди. Ушбу масала бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев, Нарпай туманининг «Пахтакор овози» газетаси бош муҳаррири Т.Тошмуродов маъруза қилди.

Мазкур қонун лойиҳаси муҳокамаси чоғида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов депутатларнинг эътиборини кредитларни қайтариш, фоиз ставкаларини белгилаш, ссудалар беришни назорат қилишни ҳуқуқий жиҳатдан аниқ ҳал этиш масалаларига қаратди. Давлатимиз раҳбарининг таъкидлашича, мамлакатимизда кредит уюшмалари фаолиятининг шундай қонунчилик асосларини яратиш керакки, у ҳаёт талабларига тўлиқ жавоб бера олсин ва мазкур уюшмаларнинг изчил тараққиётини таъминласин.

Олий Мажлис ушбу қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллади ва Президент Ислом Каримовнинг фикрларини инобатга олиб, уни янада такомиллаштириш ва мазкур ҳужжатни умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда чоп этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Олий Мажлиснинг Иқтисодиётни ислоҳ қилиш масалалари ва тадбиркорлик қўмитаси раиси М.Умаралиев «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонун ло-йиҳаси ҳақида маъруза қилди. «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси бош директори С.Умаров, Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси президенти Б.Йўлдошев ушбу ҳужжат ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Мазкур қонун лойиҳаси муҳокамаси чоғида Президент Ислом Каримов Ўзбекистонда ривожланган суғурта хизматлари бозорини яратиш зарурлигини таъкидлади. Бунинг учун аввало, суғурталаш фаолиятига халақит бераётган тўсиқларни бартараф этиш, жисмоний шахслар учун имтиёзлар тизимини ишлаб чиқиш зарур. Бизга зарурат туғилганда одамларни қўллаб-қувватлай оладиган энг паст фоиз ставкали суғурта ташкилотлари зарур.

Парламент бу таклифларни инобатга олиб, қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллади. Унинг матни умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилинади.

Парламентнинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раисининг ўринбосари Р.Каримов депутатлар эътиборига «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Қонун лойиҳаси бўйича Қўрғонтепа тумани ҳокими М.Қосимов, Ўзбекистон туманидаги 30-ўрта мактаб директори М.Анварова сўзга чиқди. Олий Мажлис қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллади ва умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда чоп этишга қарор қилди.

Олий Мажлиснинг Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари С.Солиев депутатларга «Қимматбаҳо металлардан ясалган буюмларнинг асллик даражаси ва тамғаланиши тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини тақдим этди. Бу ҳужжат муҳокамасида Бобур номидаги халқаро жамғарма раиси З.Машрабов, «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очиқ турдаги акционерлик жамияти бош директори Г.Прохоренко, Ўзбекистон фанлар академияси президенти Б.Йўлдошев, «Янгийўл ёғ-мой» акционерлик жамияти директори М.Худоёров, «Совпласти-тал» Ўзбекистон-Италия қўшма корхонаси бош директори А.Мелкумов сўзга чиқди. Парламент қонунни ва уни жорий этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

Сессияда «Чиқиндилар тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси бўйича Олий Мажлиснинг Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси котиби Э.Мирзаев маъруза қилди. Олий Мажлис қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллади ва умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда чоп этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси И.Собировнинг маърузасига асосан сессия Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритди.

Парламент иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг еттинчи сессияси котибияти раҳбари Х.Нўъмоновнинг ахборотини тинглади.

Олий Мажлис Самарқанд вилоятининг Пойариқ ва Челак, Пастдарғом ва Ғузалкент туманларини бирлаштириш тўғрисида қарор қабул қилди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларини, Олий Мажлис Кенгашининг қарорини тасдиқлади. А.Ахадовнинг Марказий сайлов комиссияси раиси этиб сайланиши муносабати билан депутатлар уни Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси вазифасидан озод қилди. Шунингдек, сессия Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси У.Мингбоевнинг маърузасига асосан Олий суд таркибига ўзгартишлар киритди.

Шу билан иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессияси ўз ишини якунлади.

2002 ЙИЛ ҚАРИЯЛАРНИ ҚАДРЛАШ ЙИЛИ БЎЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Олий Мажлис Раиси Э.Халилов Конституциямизнинг тўққиз йиллиги тўғрисида маъруза қилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Мамлакатимиз раҳбари ўз нутқида халқимиз ҳаётида юз бераётган буюк ўзгаришларнинг туб моҳияти Конституциямизда белгилаб, муҳрлаб қўйилган ҳуқуқ ва имкониятлар, асосий принцип ва тамойилларни ҳаётга тўлиқ татбиқ этиш билан боғлиқ эканини алоҳида таъкидлади. Асосий Қонунда белгилаб берилган мезонларнинг амалий самараси кундалик ҳаётимизда ўз аксини топа борса, халқимиз, давлатимиз, ҳар бир фуқаро ўз олдига қўйган эзгу мақсад ва муддаоларига тезроқ эришади.

Мустақилликнинг илк кунлариданоқ мамлакатимизда инсон эрки, унинг бахт-саодати бош ғоялардан бирига айланди. Мана, неча йилдирки, ҳар янги йил юртимизга янги бир хайрли ном билан кириб келади. Бу ном ортида миллионлаб инсонлар манфаати, оилалар тинчлиги, аёллар саломатлиги, соғлом авлод камолоти, она ва бола ҳимояси ётади.

Конституция байрами арафасида бошланадиган яна бир яхши анъанага кўра, мамлакатимиз раҳбари кириб келаётган 2002 йилни Қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилди. «Халқимиз «Қариси бор уйнинг париси бор», дейди. Ҳақиқатан ҳам, қаерда кексалар бўлса, уларга эътибор бўлса, шу жойда файз бор, барака бор. Бундай хонадонни Оллоҳнинг ўзи асрайди», деб таъкидлади Юртбошимиз.

Айниқса, кейинги йилларда мамлакатимизда аёлларга алоҳида ҳурмат-эътибор кўрсатилаётгани, уларнинг соғлигини тиклаш, жамиятдаги нуфузини ошириш борасида узоқни кўзлаган давлат дастурларининг қабул қилинаётгани боис жамиятнинг руҳий ҳаётида ҳам туб ўзгаришлар юз очмоқда. Аёлга, онага иззат-икром кўрсатилаётган юртда тинчлик ва осойишталик энг муҳим қадриятлардан бирига айланди.

Кириб келаётган йилнинг Қарияларни қадрлаш йили, деб эълон этилиши эса мамлакатимизда инсон шахсини, унинг маънавий ва ижтимоий манфаатларини янада теран ҳимоя этиш, жамият эътиборини хонадонимизнинг кўрки, эзгу ниятларимизнинг ижобати йўлидаги дуогўйи, яқин маслаҳатчиси бўлган нуроний отахонларимиз ва онахонларимизга қаратиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Маросим санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг катта концерти билан якунланди.

Мусулмон НАМОЗ,
ЎзА мухбири

ТАҚДИРЛАШ МАРОСИМИ ТАНТАНАГА АЙЛАНДИ

Ўқувчи-ёшлар — юрт келажаги. Уларни баркамол қилиб вояга етказишда устозларнинг ўрни беқиёс. Шу боисдан ҳам ўқитувчилар ва мураббийлар куни — умумхалқ байрами муносабати билан мамлакатимизнинг таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнак кўрсатган кўплаб устозлар давлат мукофотлари билан тақдирланишган эди. Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг кичик мажлислар залида уларнинг бир гуруҳига ушбу мукофотларни топшириш маросими ўтказилди.

Халқ таълими вазири Рисбой Жўраев тақдирланганларга мукофотларни топшириб, уларни бирма-бир самимий табриклади. Мукофотларнинг барчасига вазирлик номидан эҳтиром рамзи сифатида гуллар ҳам тақдим этилди.

Мукофотланганлар номидан Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги умумий ўрта таълим берувчи боғча-мактаб директори Гулнора Қўчқорова, Бектемир туманидаги 290-мактабнинг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Наталья Ненашева, Шайхонтоҳур туманидаги 254-мактабнинг инглиз тили фани муаллимаси Эътибор Нурматова ва бошқалар муаллиму мураббийларга юксак эҳтиром, эъзоз ҳамда алоҳида эътибор қилинаётганлиги учун Президентимизга, вазирлик раҳбариятига дил сўзларини изҳор этдилар.

Дарвоқе, вазир мукофотларни эгаларига топшираётиб, куннинг очиқлигига, қуёшнинг чарақлаб турганига ишора қилдилар: "Бугун Сизларни гуллар ҳам, қуёш ҳам қутлаётир". Бу лутф йиғилганларни янада шодлантирди. Биз ҳам қутловларга қўшилган ҳолда юртимизда ана шундай маросиму тантаналар — ёруғ кунлар кўп бўлсин, дея ният қилдик.

Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ

Суратларда: тақдирлаш маросимидан лавҳалар.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИНИ НИМА УЧУН ЎРГАНАМИЗ?

Ҳуқуқ ва бурч! Инсоният яратилибдики, ана шу икки сўз замиридаги эркинлик ва масъулият даражасини, доирасини белгилашга ва шу асосда ўзи яшаб турган давлат ва жамиятни қудратли ва фаровон қилишга ҳаракат қилади.

Шу маънода истиқлол йилларида эришган тарихий ютуғимиз, ҳуқуқ ва бурчларимиз акс этган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қадр-қимматини ҳеч бир нарса билан ўлчаб, тенглаштириб бўлмайди. Негаки, унда мустаҳкамланган қоидалар ва ифоланган улуғвор ғоялар замирида халқимиз, миллатимизнинг ҳуқуқ ва эркинликлари мужассамдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси халқаро, демократик андоза ва талабларга тўла жавоб бериб, унда аввало инсон ҳуқуқи, жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи инсон деган фикр илгари сурилди, шу асосда "фуқаро-жамият-давлат" ўртасидаги ўзаро муносабатнинг оқилона ечими топилди.

Ўтган йилларга назар ташлар эканмиз, мустақил тараққиёт ва истиқлол йўлида, янги жамият, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлида Ўзбекистон эришган барча ютуқларнинг, бугун Ватанимизда барқарор бўлган тинч ва осуда ҳаётнинг, халқимизнинг эртанги кунга бўлган ишончининг, давлатимизнинг халқаро майдонда ортиб бораётган обрў-эътиборининг негизида Конституциямиз белгилаб, муҳрлаб берган қонуний ва ҳуқуқий асослар тургани ва уларни оғишмай ҳаётимизга татбиқ этилаётганлигини кўрамиз.

Конституция ҳуқуқ ва эркинликларимизни мустаҳкамлаш билан бирга фуқаролар зиммасига бурч ва масъулиятлар юклайди. Шу маънода, Конституциядаги ғояларни тўла равишда амалга оширувчи, уларни ҳаракатга келтиришга қодир бўлган куч бу одамлар, жамиятнинг ўзидир. Ҳар бир инсоннинг Асосий Қонундаги чуқур инсоний, маънавий ғояларни ҳал қилишда иштирок этиш даражаси унинг умумий ва ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқдир. ***Инсон нафақат ҳуқуқ ва эркинликларини, балки чин маънода ўзининг зиммасидаги бурчни тўла англаб етиши учун ҳам унга биринчи навбатда билим зарур. Ҳуқуқий билимлар қанчалик мустаҳкам ва кенг бўлса, инсон ўз фуқаролик ҳуқуқи, жамият ва давлат олдидаги фуқаролик бурчини шунчалик чуқур англайди. Шу маънода бу эркинлик ва бурчни англаб етиш, аввало Конституцияни ўқиб-ўрганишдан бошланади.***

Конституцияни билиш асосида Ўзбекистон фуқароларида шаклланган ҳуқуқий онг жамият тараққиётининг қудратли кучига айланади. Шу боис Юртбошимиз бундан роса бир йил муқаддам Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 8 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида бир муҳим ташаббусни ўртага ташлаб, шундай деган эдилар:

"Мен Конституцияни болалар боғчасидан бошлаб ўргатишни, мактабларда дарслик тариқасида ўқитишни, олий ўқув юртларида махсус бир дарс сифатида ўрганишни, бугун барча мутасадди раҳбар ва ташкилотларимизга топшириқ тариқасида айтмоқчиман.

Токи униб-ўсиб келаётган ёш авлодимиз Конституциянининг маъно-мазмунини, у халқимизнинг истиқлол йилларида эришган улкан тарихий ютуғи эканлигини теран англаб етсин. Токи Конституция биз учун нафақат муҳим ҳаётий қўлланма, балки ғурур-ифтихор, керак бўлса, шу заминда истиқомат қилаётган, миллати, тили, динидан қатъий назар, барча инсонлар учун мустаҳкам бир ҳимоя эканини ҳис этиб яшасин".

Юртбошимизнинг жамият ривожи, мамлакат ободлиги, давлатимиз мустаҳкамлиги учун муҳим бўлган бу таклифи кўп ўтмай янада аниқ мақсад касб этди. Ҳаётимизнинг Асосий Қонуни бўлмиш Ўзбекистон Конституциясининг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини, маъно-мазмуни ва моҳиятини ўрганиш, ёш авлоднинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини тарбиялаш ҳамда юксалтириш, шунингдек, Конституцияни билиш, унинг мазмун-моҳиятини тарғиб ва ташвиқ қилиш мақсадида **2001 йил 4 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги фармойиши эълон қилинди.**

Ўтган давр мобайнида мазкур фармойишга кўра Ўзбекистон Конституцияси бўйича болалар ва ўқувчиларда мустаҳкам билимларни шакллантириш ҳамда Конституция моҳиятини кенг омма онгига сингдиришга қаратилган Конституцияни ўрганиш дастурини яратиш, унинг асосида махсус ўқув курсларини ишлаб чиқиш ва тегишли методикаларни тайёрлаш бўйича тузилган комиссия ва таълим турлари бўйича мутахассислардан иборат эксперт гуруҳлари фаол иш олиб бордилар. Комиссия дастлаб Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Давлат матбуот қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси билан биргаликда таълимнинг барча турларида Конституцияни ўрганиш учун зарур бўлган дастурлар, курслар, методик кўрсатмалар ва бошқа дидактик воситаларга қўйиладиган талабларни ишлаб чиқдилар. Ана шу асосда зарур қўлланма ва дарсликлар яратилди.

2001-2002 ўқув йилидан бошлаб барча таълим турларида Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш ишлари бошланиб у қуйидагича белгиланди.



давлат тили, қоида, мулк, ҳуқуқ ва бурч, атрофимиздаги олам, дам олиш, мактаб, синф, ошхонадаги тартиб-интизом, йўл ҳаракати қоидалари, оила, Ўзбекистон — менинг Ватаним каби тушунчалар моҳиятини англайди.

Умумий ўрта таълим, йўналиши ва ихтисослигидан қатъий назар ўрта махсус касб-ҳунар таълими, олий таълими, олий таълим муассасаларининг бакалавриат ва магистратура босқичларида таълим олиш даврида ана ўша узвийлик асосида Ўзбекистон Конституциясининг маъно-мазмуни ва моҳияти, ўзига хос хусусиятлари, Ўзбекистон Конституциявий тузумининг асосий принциплари, инсон ва фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари ҳамда уларнинг кафолатланиши, жамият ва шахс ўртасидаги муносабатларнинг асослари, Ўзбекистон Республикасининг Давлат тузилиши ва маъмурий-ҳудудий тузилиши, Давлат ҳокимияти органларининг тизими, уларнинг тузилиши тартиби, ваколатлари ва фаолият шакллари хусусида босқичма-босқич билим олади. Кўникма ва тасаввурга эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **"Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"**ги мазкур фармойиши Ўзбекистон Республикаси Конституциясини фанлар таркибида эмас, балки алоҳида ўқув фани сифатида биринчи марта таълим муассасалари ўқув режаларига киритишга асос бўлди. Шу боис Республика Конституциясини ўрганиш бўйича мактабгача таълим туридаги тарбиячи ва методистлар, умумий ўрта таълим муассасаларидаги ўқитувчилар, ўрта махсус касб-ҳунар таълими ва олий таълим турларида дарс берувчи профессор ўқитувчиларни тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор берилди. Мазкур фандан дарс бериш учун махсус танлаб олинган ижтимоий ва гуманитар фанлар ўқитувчилари махсус малака ошириш курсларидан ўтдилар.

Масаланинг муҳимлигини ҳисобга олиб Ўзбекистон Миллий Университети, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, Наманган давлат университетида Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш марказларининг ташкил этилиши, Республика Халқ таълими вазирлиги, "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси, "Маҳалла" жамғармаси, Бадиий академия, Инсон ҳуқуқлари бўйича республика миллий маркази ҳамкорлигида "Конституция — бахтимиз пойдевори" мавзусида ўтказилган кўрик-танловлар шу эзгу мақсад йўлидаги илк қадамлардан бири бўлди.

Мазкур кўрик-танлов тўрт босқичда ўтказилиб, унинг биринчи босқичида 3,2 миллионга яқин ўқувчи ўзларининг диктант (1-4-синфлар), баён, иншо, тасвирий санъат асарлари билан қатнашдилар. Конституция — мустақиллик, тенглик, демократия ва инсонпарварлик учун курашнинг мевасидир. Мустақиллигимиз абадий мустаҳкамлаб қўйилган ўзимизнинг, ҳа ўзимизнинг Конституциямизга эга бўлганимиз Абдулла Қодирий ва Чўлпонларнинг, яна минглаб озодлик йўлида шаҳид кетган боболаримизнинг жондан-да азиз, жондан-да мўътабар орзу — мақсадлари эмасмиди?

Қашқадарёлик 8-синф ўқувчиси Гулинигор Авазова шундай ёзади: "Конституция менга ҳуқуқ ва бахт берди, ҳурлигимни, тинчлигимни, соғлиғимни кафолатлади. Қонунни яхши ўрганган, ўз ҳуқуқ ва бурчларини тўла англаб етган шахсгина ҳаётнинг мураккаб чигалликларини еча олади".

— Инсоннинг муқаддас ҳуқуқларидан бири тинч яшаш ҳуқуқидир, — деб ёзади Наманган вилояти Норин туманидаги 23-ўрта мактаб 9-синф ўқувчиси Ҳилола Муллабоева, — бугун диёримизда тинчлик ва хотиржамликни мустаҳкамлашга барчамиз масъулмиз. Мустақиллик меваси бўлган қалби олов, билимли, кучли, шижоатли, мард ва жасур, фидойи ва ватанпарвар биз ёшлар ҳамиша ҳамжиҳат ва сергак эканмиз мустақиллигимиз абадий бўлади. Биз эгаси бор юртда яшаймиз. Конституция бу йўлда биз учун ҳам ҳуқуқ, ҳам қалқондир. Шуни айтмоқчиманки, биз ўз озодлигимизни, Ватанимизни ҳеч қачон бошқаларга бериб қўймаймиз!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **"Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"**ги фармойишининг бажарилиши туфайли, бугунги кунда жамиятимиз ҳаётининг мезони бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституциясини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш, унинг маъносига етиб бориб, амалий ҳаётимизнинг муҳим қўлланмасига айлантириш сари дадил ҳаракат бошланди.

Конституция албатта, у биринчи навбатда халқимизнинг истиқлол йилларида эришган тарихий ютуғи. У нафақат муҳим ҳаётий қўлланма, балки ғурур, ифтихор, Ўзбекистон дея аталмиш шу Она заминда яшаётган миллати, тили, динидан қатъи назар барча фуқаролар учун ҳимоя воситасидир.

Ҳа, мақоламиз бошида таъкидлаб ўтганимиздек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон манфаати устувордир ва у асосий қомусимизда шундай мухрланган: "Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар" (2-модда). Конституцияни синчиклаб, маъно-моҳиятига етиб ўрганар эканмиз, ҳар бир боб, ҳар бир моддада халқ манфаати нечоғлик юксак даражада турганлигини англаймиз. Унинг муқаддимасидаёқ қуйидаги сўзларни ўқиймиз: "Ўзбекистон халқи: инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ғояларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятини англаган ҳолда, ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таяниб, демократия ва ижтимоий адолатга садоқатини намоён қилиб, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидаларини тан олган ҳолда, республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилиб, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаб, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсадида, ўзининг мухтор вакиллари сиймосида Ўзбекистон Республикасининг мазкур Конституциясини қабул қилади".

Конституцияда қонунларга риоя этиш, бошқа кишилар ҳуқуқ ва эркинликларини, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш халқимизнинг тарихий, маънавий меросини асраш, табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлаш каби давлат олдидаги фуқаролик бурчларимиз ҳам борки, уларни ҳамиша ёдда сақлашимиз, кундалик ҳаётимизда доимо амал қилишимиз лозимдир. Хўш, Ўзбекистон фуқароси сифатидаги бурчларимиз ана шулардан иборат холосми? ***"Инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади" дея қадримизни улуғлаган, ҳуқуқ ва эркинликларимизни Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилиб қўйган давлат олдидаги бизнинг энг олий бурчимиз нимадан иборат?*** Биз таъкидлаб келган барча бурч ва масъулиятлар охир-оқибат бизнинг юрагимизда, қалбимизда уйғунлашиб қандай ифода топмоғи керак? У бизни қандай яшашга ўргатиши лозим? Ўзўзимга мана шу саволларни берар эканман, беихтиёр икки йил муқаддам Ватанимиз сарҳадларига суқилиб кириб, Сариосиё ва Узун туманларининг баланд тоғларида ўрнашиб олмоқчи бўлган халқаро террорчиларга қарши курашда қаҳрамонларча ҳалок бўлган Маҳмуджон, Алишер, Ғофуржон, Бобуржон, Сайёр, Маъруфжон, Эломон, Абдуҳалим, Юнусбек, Улуғбек, Дониёр, Қаҳрамон исмли мард, жасур йигитларимизнинг жасоратларини, Бобур Ғаниевнинг онаси мунис ва мардона аёл Мунаввара опанинг қуйидаги сўзларини эсладим: "Ўғлим ёшлигига қарамай, умри зое кетмади, ўғлимга берган оқ сутимдан розиман. Ўғлим кўчакуйда безорилик қилиб, биров билан муштлашиб оламдан ўтгани йўқ. Ватанини, халқини ҳимоялаш йўлида жонини фидо қилди. Мен розиман..."

Ҳа, бу бурч, бу масъулият биринчи навбатда биз Ватан тутган мана шу озод Ватанни обод қилиш, миллатимиз, тилимиз, динимиз, керак бўлса ёшимиздан қатъий назар биз фуқароси бўлган мана шу улуғ давлатнинг конституцион тузумини ҳимоя қилиш учун доимо тайёр туришликдир.

Конституция моҳиятини фарзандларимизга болалик чоғларидан ўргатар эканмиз, улар қалбида нафақат ҳуқуқ ва эркинликлар моҳиятини, балки бизнинг энг биринчи навбатдаги, фидойилик билан, керак бўлса жондан кечиб бажаришимиз лозим бўлган бурч ва вазифаларимиз нимадан иборат эканлиги ҳам сингиб боради. Конституцияни ана шундай улуғ мақсад йўлида ўрганиш ҳар бир халқ, миллат ва давлатга шубҳасиз, буюк қудрат ва фаровон ҳаёт бахш этади.

Минҳожиддин МИРЗО

Улар ушбу мавзуда диктант, (1-4-синфлар), баён, иншо ёзиб, тасвирий санъат асарлари билан иштирок этишар экан, мустақил давлатимиз Конституциясининг маъно-моҳиятини янада чуқуррақ англашга ҳаракат қилдилар. Демак, ушбу танловда иштирок этган ҳеч ким ютқазмади, ҳамма ғолиб бўлди.

Конституция — бахтимиз пойдевори. Уни тўла англаб етган ҳар бир фуқаро, энг аввало, ўзлигини англайди. Эли, юрти равнақига ўзи ҳам бурчли эканлигини тушунади. Ана шундагина жамият ривожланади, халқ фаровонлиги ошади.

Бор бўл, эй адолат офтоби — Ҳеч завол топма, "Бахт китоби" — БАХТНОМАМ!!

БАХТНОМАМ

Муборак ўзбегим Қонуни —
Бахтномам!
Муштарак ўзбегим Қонуни —
Бахтномам...
Ўзи хон, ўзи бек ўзбегим
Тузуги...
Темурхон сўзидек ўзбегим
Тузуги!
Форобий боғидан "сув ичган"
Бахтномам,
"Қутадғу билиг"дан руҳ кўчган —
Бахтномам...
Тарихнинг чархини жилдирган, —
Жаҳонга ўзлигин билдирган,
Байроғинг ҳилпирар БМТда,
Таърифинг битай юз минг байтда,
Мадҳиянг борлиқни титратар,
Юракда ёниқ ҳис кўзғатар.
Гербингда Ҳумоқуш қуйлайди
Дилларга наво бахш айлайди,
Бор бўл, эй адолат офтоби —
Бахтномам!
Ҳеч завол топма "Бахт китоби" —
Бахтномам!!

Ўктам ЙЎЛДОШ,
халқ таълими фахрийси



Давлатимиз Конституциясининг моҳияти, аҳамиятини ёш авлод онгига сингдириш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада Узбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси, "Маҳалла" жамғармаси, Узбекистон Республикаси Бадиий Академияси, Инсон ҳуқуқлари

буйича Республика миллий маркази ҳамкорлигида утказилган 4 босқичли (мактаб, туман, вилоят ва республика босқичи) "Конституциямиз — бахтимиз пойдевори" курик-танлови барча вилоятлардаги 3,2 миллион болаларни қамраб олди. Улар ушбу мавзуда диктант, (1-4-синфлар), баён, иншо ёзиб, тасвирий санъат асарлари билан иштирок этишар экан, мустақил давлатимиз Конституциясининг маъно-моҳиятини янада чукуррок англашга ҳаракат қилдилар. Демак, ушбу танловда иштирок этган ҳеч ким ютқазмади, ҳамма голиб бўлди.

4 декабрь куни Республика ўқувчилар саройида танловнинг республика босқичи голиблари тупланишди. Уларга ажратилган совғалар, совринлар, диплом ва фахрий ёрлиқларни Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Рустам Аҳлиддинов ва "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси раиси, Олий Мажлис депутати Исфандиёр Латиповлар топширишди. Уларнинг келажагига ишонч билдириб, келтуси ўқишлари, ишларига омаллар тилашди. Уз навбатида танлов голиблари номидан Гули Нигор Авазова, Марҳабо Умидова, Сухроб Шеровлар сўз олиб, ушбу танловнинг аҳамияти ҳақида гапирдилар, узларига яратилган имкониятлар учун ташаккур билдириб, она Ватанимизга содиқ фарзанд булиб етишишга ваъда бердилар.

Биз мактаб жамоалари ўртасида 1-ўринни қўлга киритган Чиноз туманидаги 27-мактабда бўлиб, уларнинг иш тажрибалари билан яқиндан танишдик.

МУВАФФАҚИЯТНИНГ СИРИ НИМАДА?

Ҳаммамиз кўп бор эшитган ривоятда уч ойлик чақалоғини Ибн Сино олдига олиб борган ота-онанинг "фарзандингиз уч ойлик тарбиядан кеч қолибди", деган жавоб билан қайтишлари бугун ҳам, эртага ҳам ўз исботини топишига, шубҳа йўқ. Шунингдек, ёшликда олинган таълимнинг гўё тошга ўйилган ёзувга ўхшатилиши ҳам ҳақ гап. Бугун юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, ҳеч ким бизнинг осойишталигимизга раҳна сола олмайди. Зеро, шундай дориломон замонда ҳар бир шахс яхши яшаб, кунгилдагидек ҳаёт кечиришга ҳақли. Мустақиллигимиз узагини ташкил этувчи Конституциямизда ҳам ҳуқуқий-демократик давлат қуришнинг биринчи шартларидан бўлмиш инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари батафсил баён этилганлиги бежиз эмас. Мамлакат Бош

комусини чуқур узлаштириш инсоннинг ҳаётда қоқилмаслигида, уз эркинликдари, бурчлари ҳамда вазифаларини тўғри тушуниб етишида дастурламал бўлиб хизмат қилади. Зотан, ҳозирга қадар чиқарилган ва келгусида чиқарилажак қонунларнинг барчаси ҳам айнан Конституциямизга асосланган ҳолда яратилади. Шу сababли уни чукур англаб етишимиз ва ундаги Узбекистон фуқароси учун зарур булган барча қонун қоидалардан тўғри фойдалана олишимиз шу қуннинг талабидир. "Конституциямиз — бахтимиз пойдевори" шиори остида утказилган Республика қурик-танловида барча мактаб жамоалари ва ўқувчилари фаол иштирок этишиб, унда танлов совриндорлари аниқланди ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди. Чиноз туманидаги 27-ўрта мактаб ўқувчилари жамоалар ўртасида 1-ўринни эгаллаб, умумий қиймати 12 млн. сумни ташкил этувчи компьютер жамламаси билан мукофотланди.

Ушбу мактаб жамоасининг физика фани буйича бир неча йиллардан буён Республика олимпиадаларида биринчи ўринни эгаллаб келиши ҳам кишида ушбу билим масканига нисбатан ишонч уйготади. Ҳақиқатан ҳам шундай. Бугун бу ерда 856 нафар ўқувчига 58 та олий ҳамда 5 нафар ўрта махсус тоифали ўқитувчилар билим бермоқдалар. Қаердаки тартиб-интизом яхши йўлга қўйилиб, ходимларда уз касбига юксак меҳр шакилланган тақдирдагина катта муваффақиятларга эришиш мумкин. Шу ўринда жамоага раҳбарлик қилиб келаётган халқ таълими аъзоси Усмонжон ака Мирахмедовнинг саъй-ҳаракатларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Боиси, у киши уз фаолияти мобайнида мактабдаги бошқарувини шакллантира олди, жамоа ўртасида бир-бирига нисбатан узгача бир меҳр-оқибат вужудга келди. Мактаб ўқитувчиси Гулзора Жўраеванинг ташаббуси билан билим даргоҳида 1999 йил "Ёш ҳуқуқшунослар маркази" ташкил этилди. Ва, дастлабки нақтданоқ марказга ўқувчилар, ота-оналар, корхона-ташкилот раҳбарлари жалб этилиб, бугунги кунда унинг аъзолари 186 нафарга етди. Бундай ташаббусдан асосий мақсад ўқувчиларни ҳуқуқий онгли ва юксак маданиятли, ватанпарвар, халқпарвар, қонунни ҳурмат қиладиган баркамол инсонлар этиб тарбиялаш ҳамда ота-оналарни қонунлар билан мунтазам хабардор этиб боришдир. Шунингдек, инсон ҳуқуқлари буйича Республика миллий маркази, Миср элчихонаси вакиллари, вилоят, туман ички ишлар булими, прокуратура, адлия тизими ходимлари билан учрашувлар ўтказиш яхши йўлга қўйилган. Уз навбатида бу ҳаракатлар ўқувчиларнинг қонунларни урганишга бўлган қизиқишларини орттирмоқда. Айниқса, синфларо "Конституция — ҳаётимиз мазмуни", "Менинг ҳуқуқ ва бурчларим", "Конституция — бахтномамиз", "Конституциямиз — келажагимиз пойдевори", "Сиз қонунни билласизми?" каби қурик-танловларнинг ўтказилиши ва голибларнинг Т.Охунова номли ширкат ҳужжатлари, "Таъминотчи — Пахта" акционерлик жамияти каби ҳомийлар томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланишлари уларни қонунчилигимизни янада яхши ўзлаштиришга ундамоқда.

1996 йилданоқ барча синф ўқувчиларига ҳуқуқшунослик буйича чуқурлаштирилган билим бериш бошланганлиги ҳамда "Ёш ҳуқуқшуносларнинг маркази" фаолияти уларок, мактаб жамоаси республика танловида голибликка эришди. Уз навбатида бу ютуқ уларга янада масъулият юклади. Мактаб аҳлига етарли шарт-шароитлар яратиб беришда туман халқ таълими булими яқиндан кўмаклашмоқда. Шунингдек, "Конституция куни" муносабати билан мазкур мактабнинг фаол ўқувчилари "Зарафшон", "Абдукарим ота" фермер хужаликлари томонидан қимматбаҳо совғалар билан ҳам мукофотландилар. Бундай амалий эътибор ўқувчиларнинг комил инсон булиб етишишларига кўмак бериши, шубҳасиз.

Камолиддин АЛИОХУНОВ,
«Ma'rifat»нинг
махсус мухбири

Суратларни Бурҳон РИЗОКУЛОВ ва Т. ГИБАДУЛЛИНлар олган.

ҲАММА ҒОЛИБ БЎЛГАН ТАНЛОВ

КУЧЛИ ҚОНУН — ВАТАН ҚАЛҚОНИ

Буткул олам ҳавас қилар бахтимга,
Истиқлолдан навқиронди Ватаним.
Чўлу саҳро гул либосда қалбимда,
Йўқдан борни бунёд этган қудратим.

Фуқаролик - ҳуқуқийдир давлатим,
Қомуснома ҳаётимиз қонуни.
Буюк давлат бунёд этгай ғайратим,
Ҳалол, поклик бахт-иқболим тақдири.

Қонунларда ҳаёт тарзи битилган,
Ватан мулки элу юртим бойлиги,
Аждодларим пок иймонда сақлаган,
Ҳалол меҳнат халқимизнинг шодлиги.

Қонун тенгдир ёшу қари барчага,
Ватан обод, халқим мангу бахтиёр.
Доғ тушмасин офтоб нури - шуълага,
Фаслларда диёримиз гулбаҳор.

Рўзимат ДАМИНОВ

ФАОЛ ЎҚУВЧИЛАР РАҒБАТЛАНТИРИЛАДИ

Андижон вилояти Балиқчи туманидаги А.Қаҳҳор номли 7-ўрта мактабда "Конституция куни" муносабати билан байрам тадбири ўтказилди. Унда Президентимизнинг 2001 йил 4 январдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги Фармонини ҳаётга жорий этишда энг фаол иштирок этган ўқувчилар мактаб маъмурияти томонидан рағбатлантирилди. Зеро, давлатнинг миллий рамзларини билиш инсоннинг ўз она Ватанига бўлган муҳаббатини билдиради, Конституция эса республиканинг ҳуқуқий негизини ташкил этувчи ҳужжат ҳисобланади.

Азамат МАҲМУДОВ

КОМУСИМИЗ — НОМУСИМИЗ

Ҳар бир давлат ўзининг Конституциясини яратади. Худди шунинг замирида эса ўзининг қонунларини шакллантиради. Шундай "номус"имиз бўлган Қомусга республикамиз 9 йил аввал эга бўлганди. Конституция қанчалик мукаммал бўлса, ўша давлатдан қонунчилик ҳам яхши йўлга қўйилади. Бугун нишонлаётган байрамимизни куни кеча Сирғали туманидаги 3-ўрта мактаб жамоаси ҳам кўтаринки рухда нишонлади.

Ҳозирги кунда бу мактабда 2 мингга яқин ўқувчи таълим ва тарбия олмоқда. Байрам тадбирида ўқувчилар қонунларнинг ҳаётга қандай татбиқ этилаётганини кичик-кичик бадиий кўринишлар орқали намойиш қилдилар. Айниқса, 5, 6-синф ўқувчилари Қомусимизнинг бўлим, боб ва моддаларини шарҳлаб ўтгани кўпчиликда қизиқиш уйготди. Бу ўз навбатида бошқа болалар тенгдошлари орасида ҳам Қомусимизга бўлган ҳурматни ошириди. Бу ёшларимизнинг ҳуқуқий онгини оширишдаги биринчи поғонадир.

МУХБИРИМИЗ

ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН НЕЪМАТ

Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги 118-мактабда бир неча йиллардан бери ўқувчиларга давлатимиз рамзларини ўргатишга, ўғил-қизларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор бериб келинаётир. Режа асосида ўтказиладиган синф соатларида, амалий, ижодий ишлар, таклиф этилган машғулотларда Конституция, эркинлик, вазифа, бурч, кафолат, озод ва обод Ватан, ҳуқуқ ва ҳуқуқий маданият каби тушунчалар моҳияти ўзлаштириб борилмоқда.

Албатта, бунда тарих, ҳуқуқ, она тили, мусиқа ўқитувчиларининг ҳиссаси катта бўлаяпти. Яқинда мактабнинг 7-"А" синфида Асосий Қонунимиз бўлмиш — Конституция кунига бағишлаб ўтказилган тарбиявий машғулот ҳам ўқувчиларнинг ҳуқуқий малакаларини ошириш борасида ўзига хос аҳамият касб этди. Гап шундаки, олий тоифали тарих фани муаллимаси Бибисора Ҳасанова "Конституция ва биз" мавзусидаги дарсини ўқувчиларига "Сизнинг наздингизда Конституция қандай байрам? Биз қандай юртда яшаяпмиз? Конституциямизнинг олдинги Конституциялардан фарқи нимада? Ҳуқуқий маданият ёхуд ҳуқуқий малака нима? Бурч ва ҳақ-ҳуқуқларингизни биласизми? «Ватанни севмоқ фарздир «иборасини кенгроқ шарҳлай оласизми?» каби саволлар беришдан бошлаб, дарс режасини синф тахтасига ёзди:

1. Биз қандай юртда яшаяпмиз?
2. Конституциямиз — истиқлол берган неъмат.
3. Бурч ва ҳақ-ҳуқуқларингизни биласизми?
4. Кичика диктант.
5. Ўзбекистон — жаннатмакон юрт.
6. Ватанни севмоқ фарздир.
7. Хулоса.

Дарс аввалида муаллима Ўзбекистоннинг истиқлолга эришиши ва бунда Юртбошимизнинг қўрсатган жасорати, мустақилликка эришган республикамизнинг кўп ўтмай БМТга аъзо бўлиши ва айни кунда истиқлолимизни мустаҳкамлаш йўлида юртимизда амалга оширилаётган ишлар қўламига атрофлича тўхталди. У истиқлол моҳиятини тушунтира туриб, ўртага савол ташлади. Мунозара якунида ўғил-қизлар Конституциямиз 6 та бўлим, 26 та боб, 128 та моддадан иборатлигини санаб беришди.

Дарс жараёни ўз-ўзидан машғулотнинг "Конституциямиз — истиқлол берган неъмат" бўлимига уланиб кетди. Ўқувчиларга кабутар, Олий Мажлис биноси, Алишер Навоийнинг илм олишга ундаётган суратлари, "Таълим тўғрисида"ги қон китобчаси ҳамда Конституциямиз моддалари ёзилган карточкалар қўрсатилди. Улар ўқувчилар билан биргаликда кенг ва атрофлича шарҳланди. Чунончи, жараёнда давлатимиз рамзларига, фуқароларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларига батафсил тўхталди.

Bir soatlik dars

"Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга.
Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади.
Мактаб ишлари давлат назоратидадир".

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, IX боб, 41-модда

Шунингдек, Ўзбекистон фуқароларининг ўз фикрини эркин баён этиш, сайлаш ва сайланиш, ижтимоий ҳаракат ва партияларга аъзо бўлиш, таддбирларда эркин қатнашиш, мулкдор бўлиш каби шахсий, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳақ-ҳуқуқлари ҳақида атрофлича фикр юритилди. Бу ерда ўқувчилардан Дилдора Ашурқулова, Феруза Машариповалар фаоллик кўрсатишди.

Шундан сўнг ўқитувчи ўқувчиларнинг ҳуқуқий билимларини синаш ва ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш мақсадида Конституция моддалари бўйича кичик диктант ёздирди. Ўқувчилар эса "атайлаб" йўл қўйилган "хато"ларни тўғрилаб, ўзларининг бу борадаги саводхонликларини намойиш этишди.

Муаллима машғулотдаги баҳс-мунозарани моҳирлик билан энг қадим тарихга боғлади.

Ровийларнинг айтишича, Аллоҳ таоло барча эл-улуса ер улашганида, бизнинг халқимиз сабр-қаноатини намоён этибди, бошқалар каби талашиб-тортишмабди. Шунда Аллоҳ таоло: "Сабр-тоқатинг, қаноатинг учун", деб халқимизга шу заминни тортиқ қилибди.

Ана ўшандан буён душманлар, юртимиз равнақини кўра олмайдиганлар бу — мукаддас заминни босиб олишга ҳаракат қилар эканлар. Уларга қарши эса Тўмарис, Широк, Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангўберди сингари довюрак ватандошларимиз қаттиқ кураш олиб борганлар. Боболаримиз кўрсатган жасорат ва матонат ҳамда тўғилиб ўсган Ватанини жонидан ҳам яхши кўриш фазилатлари мангуликка дахлдор бўлиб, эл-юрт қалбида яшаб келмоқда. Демак, она-Ватанни севиш, ардоқлаш, ҳимоя қилиш боболаримиздан мерос сифатида авлоддан-авлодга ўтаётир. Зеро, Конституциямизнинг фуқароларнинг бурчини ўрнатиш бобида шундай дейилган:

"Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар".

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, XI боб. 52-модда.

Бу тартибга риоя қилиш барча-барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Ўқитувчининг самимий фикрлари ўғил-қизлар қалбида ўзига хос оҳанг берди. Бу оҳанг ўғил-қизларни эзгуликка хизмат қилишга, жасоратларга, ҳуқуқ-мустақилликни мустаҳкамлашга бажонидил ҳисса қўшишга чорлаши, шубҳасиздир. Аслида тарбиявий машғулотдан кўзланган мақсад ҳам ўқувчиларга ҳуқуқий тушунчалар бериш орқали ана шу моҳиятни тўлалигича англатиш, ғурур ва ифтихор туйғуларини бериш эди.

Курбонбой МАТКУРБОНОВ,
"Ma'rifat" мухбири

ҲУМО — ҲУРЛИГИМИЗ РАМЗИ

ёхуд бошланғич синфлар учун тарбиявий соат сценарийси

Бошловчи ўқитувчи: Ассалому алайкум, азиз ва қадрли ўқувчилар!

Биз сизни Мустақил Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунга бағишланган **"Хумо — ҳурлигимиз рамзи"** номли саҳна учун мўлжалланган, Конституциямизни ўрганишга бағишланган тарбиявий соатимизга таклиф этамиз.

1-иштирокчи: — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — **1992 йил 8 декабрда** қабул қилинган. **Конституция — Ўзбекистон Республикасининг Асосий Қонуни.** У инсон манфаатларига хизмат қилади.

Қутлуғ бўлсин жўралар,
Бахтимизнинг қонуни
Барчамизга нур сочган
Офтоб дейміз биз уни.
Ҳар бобида ёзилган,
Ҳуқуқимиз, бурчимиз.
Ундан қудрат, куч олиб
Яшна, она юртимиз!

2-иштирокчи: — Маълумки, ҳар бир давлат ёки жамият ривожида қонун устуворлиги муҳим аҳамият касб этади. Шу боис ҳам бугунги даврга қадар барча жамиятлар ўз миллий хусусиятларини ҳисобга олган қонунларига эга бўлганлар. Шу жумладан, бизнинг она халқимизда ҳам ўша давр хусусиятларни ўзида акс эттирган комуслар мавжуд бўлган. Айниқса, бу фикримизга бобомиз, улуғ саркарда Амир Темур давлатининг шу қадар ривожланишида муҳим ўрин тутган **"Темур тузуқлари"**нинг аҳамияти катта бўлган.

3-иштирокчи:
— Мен бахтли ўзбекман, озод инсонман,
Тенглар ичида тенгман, тахтим, бахтим бор.
Мен кўҳна дунёман, янги заманман,
Халқим тақдирида ўз дастхатим бор.
Қаерда бўлсаки, қонун ҳукмрон,
Эркинлик шу ерда, — дер Темур бобом.
Қонун — кўз, қонун — сўз, у калкон, посбон,
Унда ардоқланар инсон деган

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинганлигини нишонлаш мақсадида Конституция қабул қилинган кун — **8 декабрь** умумхалқ байрами — Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси куни деб эълон қилинган. 8 декабрь — дам олиш куни ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси олтита бўлим, 26 та боб ва 128 та моддадан иборат. Биз сизларни Қомусимиздаги айрим моддалар билан таништириб ўтамиз.

4-иштирокчи: — **Мана, йиллар ўтди.** Халқимиз боши узра чарх урган кора булутлар бархам топди. **1991 йил 31 сентябрда** юртимиз ўз озодлигини эълон қилиб, эл кўрагига ҳурлик шабадаси тегди. Мустақилликни мустаҳкамловчи Қомусимиз яратилиб, у бугун эл истак-хоҳишини эътироф этиб келмоқда.

5-иштирокчи: — **4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ўзбек тилидир.

Ўзбек тилим сўзга бой,
Сизга аён ҳойна-ҳой.
Бу тилни сўзлаганда,
Булбуллар қилар ханда.
Мен шу тилда сўзлайман,
Ва шу тилда куйлайман.
Навоийнинг ғазали,
Бу тилда хўп садоли.

6-иштирокчи: — **5-модда.** Ўзбекистон Республикаси қонун билан тасдиқланадиган, ўз давлат рамзлари — байроғи, герби ва мадҳиясига эга.

7-иштирокчи: — **1991 йил 18 ноябрда** — Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи қабул қилинган.

Байроғимда мовий ранг,
Самодан берар дарак.
Оқ рангида доимо
Яхшиликдир муштарак.
Яшил ранги ҳаётдир,
Ҳам яшнаган табиат.
Қип-қизил чизиғида
Яшнагай яхши ният.
Осмон тўла юлдузлар,
Байроғимизда белги.
Ой — истиқлол нишони
Мустақилликка белги.

8-иштирокчи: — **1992 йил 2 июлда** Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасдиқланди.

Гербимизда тоғлар бор,
Дарёлар бор, боғлар бор.
Сўл томони бўғдойзор,
Ўнг томони пахтазор.
Чамбаракка ўралган
Водий узра қуёш бор.
Ҳурлигимизнинг рамзи,
Ҳумо деган қуши бор.
Байроғи бор, герби бор,
Эрксевар Ўзбекистон,
Мадҳиянги куйлайман,
Жонажон Ўзбекистон.

9-иштирокчи: — **1992 йил 10 декабрда** — Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тасдиқланган *(ҳамма жўр бўлиб мадҳияни куйлайди).*

10-иштирокчи: Конституция давлатимиз мустақиллигини эътироф этиш баробарида ўз фуқароларининг ҳақ-ҳуқуқларини ҳам ҳимоя қилади.

40-модда. Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

11-иштирокчи: — **41-модда.** Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади.

12-иштирокчи: — Конституциямизда шунингдек, ҳар бир фуқаро ҳам давлат олдида бурчли эканлиги уқтирилган. **47-модда.** Барча фуқаролар Конституцияда белгилаб қўйилган бурчларини бажарадилар.

13-иштирокчи: — **49-модда.** Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб-асрашга мажбурдирлар.

14-иштирокчи: — **50-модда.** Фуқаролар атроф, табиат-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар.

15-иштирокчи: — **52-модда.** Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар Қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар.

16-иштирокчи: — Эътиборлиси, Конституциямизда давлатнинг муҳим таянчи ҳисобланган оила мустаҳкамлигига алоҳида эътибор берилгандир. Зеро, соғлом моҳитда соғлом келажак камол топади. **63-модда.** Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга.

17-иштирокчи: — **64-модда.** Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар.

18-иштирокчи: — Ўз ўрнида фарзандлар ҳам ота-оналари олдида масъулдирлар. **66-модда.** Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар.

Бошловчи: — Мана, ҳурматли устозлар, азиз ўқувчилар! Ҳозир сизнинг эътиборингизга ўқувчиларимиз ўзларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳақидаги олган билимларини намойиш этишди. Конституция — бахтимиз пойдевори. Уни тўла англаб етган ҳар бир фуқаро, энг аввало, ўзлигини англайди. Эли, юрти равнақига ўзи ҳам бурчли эканлигини тушунади. Ана шундагина жамият ривожланади, халқ фаровонлиги ошади.

Б.МАГДИЕВА,
Юнусобод туманидаги
70-мактаб бошланғич
синф ўқитувчиси

— Газетада ижобий мақолалар етарлича чоп этилаяпти. Таълим соҳасидаги камчиликлар, таҳлилий материаллар, танқидий мақолалар, муаммоларни ҳам кўтариб чиқишса, кўплаб ечимини кутаётган масалаларнинг ҳал бўлишига ҳисса қўшишарди.

САМАРҚАНДДА «МАЪРИФАТ» ГАЗЕТАСИ КУНЛАРИ

Куни кеча "Маърифат" газетаси таҳририяти ходимлари вилоят таълим муассасаларида бўлишиб, ўқитувчилар билан дилдан суҳбат қурдилар. Тайлоқ туманидаги 25, 26, 28-мактабларнинг муаллим ва ўқувчилари газета ходимларига кўнгилларидаги ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Гуллола ҲАЙДАРОВА, 25-мактабнинг "Маънавият ва маърифат" ишлари бўйича директор ўринбосари:

— "Бир соатлик дарс" рукнида берилаётган мақолалар ўқитувчиларимизга, айниқса ёш ходимларимизга асқотмоқда. Уларни чоп этиш давом эттирилса. Бундан ташқари "Меҳмонхона" рукнидаги элимизнинг таниқли кишилари билан ўтказилган суҳбатларни ҳам мароқ билан ўқиймиз. Газетанинг чоршанба сонларидаги "Даъват", Ибрат" рукнларида ҳам кутилмаган фикрлар, ахборотлар бериладики, улар нафақат ўқитувчининг фаолиятида, балки ҳаёт учун ҳам зарур. Менинг яна бир таклифим, кроссвордлар кўпайтирилса, бу ҳам ўқитувчилар дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қилади.

Мавлуда ИСМАТОВА, рус тили ва адабиёт фани ўқитувчиси:

— «Аёллар саҳифаси» тикланса, деган таклифим бор. Бундан ташқари, ўғил болалар тарбиясига бағишланган тарбиявий мақолалар бериб борилса, айни муддао бўларди. Зеро, бугунги баъзи йигитларимизнинг кўчада, тўй-маъракаларда ўзини тутишида алоҳида тарбияга муҳтожлиги сезилиб турибди.

Абдуманнон БОЗОРОВ, ўқитувчи:

— Дунёнинг машҳур кишилари ҳаёти билан боғлиқ ибратли воқеа-ҳодисалар тўғрисида мақолалар ўқишни истардик...

Яздон ҲАМДАМОВ, Тайлоқ туман ХТБ мудири:

— Синф раҳбарлари учун "Тарбиявий соат" рукни очилса. Чунки бу борада ўқитувчилар зарурий методик қўлланмалар билан тўла таъминланмаган.

Юлдузхон ТОЖИЕВА, инглиз тили ўқитувчиси:

— "Инглиз тили сабоқлари" негадир тўхтаб қолди. Улардан дарсларда фойдаланаётган эдик. Давом эттирилса...

Худди шундай учрашув кейинги куни вилоят халқ таълими бошқармасида туман халқ таълими бўлимлари ва муассасалари раҳбарлари даврасида давом эттирилди.

Облоқул ҚУРБОНОВ, Жомбой туман ХТБ мудири:

— Мен "Маърифат"да фан-техника ихтиролари бўйича, таниқли кишилар, давлатлар ҳақида мақолалар кўпроқ ёритилишини истардим.

Муҳиба БОБОБЕКОВА, Боғишамол туман ХТБ мудири:

— Ҳозир ҳар бир мактабда психологлар фаолият кўрсатмоқда, бироқ уларнинг ҳаммасини ҳам тажрибали мутахассислар деб бўлмайди. Шу боис психолог маслаҳати, амалий ёрдам тариқасида тажрибали ходимларнинг мақолалари ҳам бериб борилса...

Ҳасан НОРМУРОДОВ, таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси вилоят бўлими раиси:

— "Маърифат" барча зиёлиларнинг газетаси, уни ўқиган киши ўзи учун нимадир олади. Бу газета ўқитувчи, тарбиячининг қилган меҳнатини юзага чиқара оладиган, уларга маънавий кўмак берадиган нашр. Шунинг учун вилоят танловларида, республика танловларида ғолиб бўлган педагогларнинг амалга ошираётган ибратли ишларини кенг ёритиш керак. Газета жамоасининг каттагина қисмини яқиндан биламан, ҳаммалари ёш, иқтидорли ходимлар, улар ҳам касб маҳоратларини янада ошира бориб, келажакда газетани бундан-да мазмунлироқ чиқаришларининг тарафдоримиз. Токи, ўқитувчи ўзи ахтарган ҳамма нарсани "Маърифат"дан топа олсин.

Анвар БЕКМУРОДОВ, халқ таълими бошқармаси бошлиғи:

— Газетада ижобий мақолалар етарлича чоп этилаяпти. Таълим соҳасидаги камчиликлар, таҳлилий материаллар, танқидий мақолалар, муаммоларни ҳам кўтариб чиқишса, кўплаб ечимини кутаётган масалаларнинг ҳал бўлишига ҳисса қўшишарди.

Бундан ташқари Халқ таълими вазирлиги ҳайъат йиғилишидаги асосий талаблар ҳам газета орқали етказилса, бу соҳадаги ҳар бир ходим янгиликлардан баҳраманд бўлар эди.

"Маърифат"нинг доимий ўқувчилари томонидан билдирилган фикрлар газетанинг келажакдаги фаолияти ва режаси учун жуда муҳимдир. Самарқанд шаҳридаги Беруний номидаги педагогика касб-ҳунар коллежида ўтказилган мулоқотда ҳам талаба-ёшлар, ўқитувчилар ўзларининг таклиф ва мулоҳазаларини айтишди.

Ўқитувчилардан Э.Раҳматуллаев, З.Матчонов, С.Номозовлар хориждаги таълим усуллари, илғор педагогик технологиялар ҳақида чет элларга бориб, малака ошириб қайтган ҳамкасбларининг мақолаларини ёритишни, талабалар — Н.Худойбердиев, С.Қурбоновалар ёшлар ҳаётига дахлдор материаллар бериб борилса, дея таклиф билдирдилар. Талабаларнинг "Маърифат" газетаси жамоаси ва уларнинг ижодий фаолиятига оид саволларига газета бош муҳаррири Ҳ.Саидов жавоб берди.

Коллеж директори С.Усмонов мазкур коллеждаги ўқитувчи ва ўқувчилар "Маърифат" газетасининг доимий мухлиси эканлиги боис, биринчилар қаторида "Маърифат"га обуна бўлишганликларини айтиб ўтди. Чунки ўқитувчи бугуннинг хабарини, янгилигини билмасдан дарсга киришни ўзига эп кўрмаслиги лозим. Шу ўринда "Маърифат" ўқитувчининг энг биринчи маслаҳатчиси, ёрдамчиси ҳамдир.

Ўтказилган мулоқот ҳар иккала томон учун ҳам катта таассуротларга бой бўлди.

Н.ШЕРБОЕВА,
"Ma'rifat"нинг махсус мухбири

МАЛАКА ОШИРИШ УЧУН ГРАНТ

Самарқанд вилояти ЎМКҲТ бошқармасида бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан бири — янги мутахассисликлар бўйича кадрлар малакасини оширишда Халқаро менежмент ўқитиш маркази ҳамкорлигида "Самарқанддаги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида бозор иқтисодиёти, бизнес ва менежмент асослари фанларини замонавий таълим усулларидан фойдаланган ҳолда ўқитиш ҳамда такомиллаштириш" лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Евроосиё фондига тақдим этилган эди.

Мазкур лойиҳа Евроосиё фонди томонидан қабул қилиниб, 23 минг АҚШ доллари ҳажмида маблағ ажратилди. Бу маблағ ҳисобидан ўқув йили давомида вилоятдаги академик лицей ва коллежларнинг 240 нафар ўқитувчи ва раҳбарларининг малакасини ошириш режалаштирилмоқда. Бу борада ташкил этилган дастлабки ўқув семинарида 20 нафар ўқитувчи иштирок этди.

Н.ШЕРБОЕВА

ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР МОНИТОРИНГ КЎЗГУСИДА

Seminar

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" қабул қилинганидан кейинги давр мобайнида унда белгиланган вазифаларнинг ижроси барча вилоят ва ҳудудларда изчиллик билан олиб борилмоқда. Ҳудудий бошқарув органлари бу борада қатор тадбирлар билан биргаликда ушбу ижро мониторингини мунтазам равишда ташкил этишмоқда.

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни амалга ошириш бўйича республика комиссиясининг 1999 йил 1 март қарори билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари қошида Ҳудудий мониторинг ишчи гуруҳлари тузилган эди. Бу мониторинг гуруҳлари ҳокимликларнинг Ахборот-таҳлил бўлинмалари раҳбарлари тарафидан бошқарилади. Ўтган ҳафтада Тошкентдаги Халқаро бизнес маркази биносида мониторинг гуруҳ бошлиқлари учун йиғилган маълумотларни таҳлил қилиш бўйича навбатдаги Республика семинар-тренинги бўлиб ўтди.

Ушбу анжуман Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот-таҳлил бошқармаси, Ижтимоий комплекси билан ҳамкорликда Осиё Тараққиёт Банки ва ЮНЕСКОнинг "Ўзбекистонда таълим ислоҳотларини амалга ошириш мониторинги" лойиҳаси томонидан ташкил этилди. Мазкур анжуманда вилоятлардан келган мониторинг гуруҳлари бошлиқлари билан биргаликда Осиё Тараққиёт Банкининг республикамиздаги ваколатхонаси ҳамда Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги вакиллари ҳам иштирок этдилар.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ахборот-таҳлил бошқармаси бошлиғи Г.Саидова ўз маърузаси билан қатнашди.

Таълим ислоҳотларининг боришини акс эттирувчи маълумотларни таҳлил қилиш ва мониторинг ҳисоботларини шаклан ва мазмунан сифатли тайёрлаш услубиятлари борасидаги маҳаллий ва чет эл экспертларининг чиқишлари семинар қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Янги компьютер технологияларини мониторинг олиб боришда қўллаш юзасидан ташкил этилган амалий жадал ўрганиш дарслари иштирокчиларнинг компьютер саводхонлиги савиясини борйўғи икки кун ичида бир неча бор ошириб юборди. Айниқса, модуллар шаклида ташкил этилган "Ҳисобот жадвалларини тузиш услублари ва мониторинг маълумотларни график ҳолда тасвир этиш" (модуль 1); "Ижро этиш фоизлари қаерда? Тезда етказинг!!!" (модуль 2); "Статистика ҳаммасини билади! Формулаларни эслаб қолиш шартми?" (модуль 3); "Прогноз моделларини яратиш" (модуль 4) номли тренинглар қатнашчиларнинг иш жойларига қайтиши билан қўллай бошлаши тарзида тузилганлиги алоҳида эътиборга лойиқ бўлди.

Семинар-тренинг юзага келган саволларга жавоб бериш ва ҳисоботларни ҳудудлар бўйича муҳокама қилиш билан якунланди. Унда қатнашган барча иштирокчиларга сертификатлар топширилди.

— Бу семинарда қатнашган ҳудудий мониторинг ишчи гуруҳлари раҳбарлари учун 1999 йилдан бери тўртинчи марта ўқиш ўтказилмоқда, — деди ОТБ/ЮНЕСКОнинг мониторинг ва таълим ислоҳотлари бўйича консультанти Алишер Умаров. — Энг аввало, уларга таълим соҳасидаги ислоҳотлар мониторингини ўтказиш тўғрисидаги билимлар берилди. Кейин шу лойиҳа экспертлари томонидан таълим мониторингини олиб бориш бўйича ишлаб чиқилган формалар билан ишлаш юзасидан икки бор тавсиялар берилиб, машқлар ўтказилди. Бугунги 4-семинарда эса йиғилган маълумотларни статистик таҳлил қилиш ва таҳлил асосида келажакдаги прогноз моделларини тузиш бўйича машғулотлар олиб борилди.

Авваламбор, лойиҳа консультантлари Ўзбекистонда амалга оширилаётган таълим соҳасидаги ислоҳотлар юзасидан қабул қилинган ҳукумат қарорларини ўрганиб чиқишди. Бу қарорлар бажарилишининг сифатли мониторингини олиб бориш учун жаҳон андозалари асосида қатор индикаторлар яратилди. Мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудида КТМД қай тарзда олиб борилаётганини аниқлашда эришилган натижалар ва қўлга киритилган ютуқлар борасида таҳлилий ҳисобот тузишда ҳамда юзага келган муаммоларнинг ечимини топишда шу индикаторлар катта аҳамият касб этади. Бу индикаторларни ҳисоблаб чиқиш учун барча керакли маълумотлар лойиҳа консультантлари томонидан ишлаб чиқилган формалар бўйича йиғилади. Шу боисдан ҳам ишчи гуруҳлари вилоятларда мана шундай маълумотларни йиғиб, ўзлари учун таҳлил этиб, келажак ривожланиш режаларини тузиб чиқишади.

Дарҳақиқат, семинар-тренинг иштирокчилари — Жиззах вилояти ҳокимлигининг Ахборот-таҳлил гуруҳи раҳбари Сарвар Абдуллаев, Хоразм вилояти ҳокимлигининг Ахборот-таҳлил гуруҳи раҳбари Воҳид Қодиров ва бошқалар ҳам ўтказилган семинарлар таълим тизими мониторингини олиб боришни технология жиҳатдан бир поғона юқорига кўтарганини қайд этишди. Уларнинг фикрича, чет эллик, маҳаллий экспертлар томонидан таклиф этилган ва қатнашчилар ўзлаштиришга улгурган дастур ҳудудлардаги таълим муассасалари аҳволи тўғрисида, вилоятларда қайси фанлар бўйича ўқитувчи етишмаётганлиги, дарсликлар билан таъминлаш масалалари қай даражада эканлиги, хуллас, барча-барча зарурий нарсалар тўғрисида қисқа фурсатларда аниқ маълумотларга эга бўлиш имконини беради. Муҳими, вилоятларда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" борасида қилинган ишларни доимий равишда махсус дастур асосида ўрганиб бориб, унинг натижаларини яққол тасвирлаш ва ишларни жадаллаштириш юзасидан керакли қарорларни ўз вақтида қабул қилиш мумкин бўлади.

Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ

Mehmonxona

Бугунги санага тўққиз йил муқаддам асос солинган эди. Мамлакатимиз Бош қонуни жамиятнинг жамики қатламларига бирдек кириб борди.

8 декабрь муносабати билан "Меҳмонхона"мизга фаол ва эл назарига тушган юрист — Акмал Саидовни таклиф қилдик. У киши Олий Мажлиснинг "Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари" қўмитаси раиси.

Акмал САИДОВ:

КОНСТИТУЦИЯ — ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ ПАСПОРТИ

— Олий Мажлис сессияларида шу вақтга қадар қанча қонун қабул қилинган ва уларнинг фуқароларга етиб бориш даражаси қандай?

— Ўзбекистон мустақиллигидан сўнг Олий Мажлис сессияларида 300 дан ортиқ қонунлар ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Бош Қонун — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши, биринчи галда давлатнинг ҳуқуқий асосларини яратди. Истиқлол қомуси мустақиллик пойдевори бўлганлигини алоҳида таъкидлашим керак.

Қонунлар кўп, улар жамиятнинг ҳар бир жабҳасига тегишли бўлиб, бошқарув яъни тартибга солиш хусусиятига эга. Уларни мазмунига кўра бир нечта гуруҳларга ажратиш мумкин. Биринчиси, давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг ҳуқуқий асосларини яратиш, умуман, давлат тузилишига оид қонунлардир. Булар сирасига «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳақидаги Конституциявий қонун", "Вазирлар Маҳкамаси", "Судлар", "Прокуратура" ва "Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари" тўғрисидаги қонунлар киради.

Иккинчи гуруҳдаги қонунлар Ўзбекистоннинг ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор муносабатларига ўтишини таъминловчи "Фуқаролик кодекси", "Мулкчилик", "Тадбиркорлик", "Хорижий сармоялар" тўғрисидадир. Энг кўп қонунлар ана шу гуруҳга тегишли.

Учинчи хил қонунлар маданий мерос ва уни асрабавайлашга хизмат қилади. Тўртинчи гуруҳ қонунлари ҳаётимизни демократлаштиришга дахлдор "Сайловлар", "Референдум" тўғрисида бўлиб, барча фуқаролар турмуш тарзига сингиб бормоқда.

Мамлакатимизнинг ўзга давлатлар билан ҳамкорлик ўрнатиши ҳам ташқи сиёсат бобидаги қонунлар билан кафолатлаб қўйилган.

Энди бу қонунларнинг кучга кириши ва ҳаракатда бўлиши муҳим жиҳат. Парламент сессиясида қабул қилинган қонунлар "Халқ сўзи", "Народное слово" газеталарида фуқаролар ҳукмига ҳавола қилинмоқда. Бундан ташқари "Адолат" нашриёти томонидан қонунлар тўплами вақтивақти билан чоп қилинади. Лекин қонунларни билмасликка фуқароларнинг ўзлари айбдор, деб биламан. Китоб дўконларида, кутубхоналарда қонунлар бор, лекин юристларни ҳисобга олмаганда, бошқа соҳа вакиллари бу ҳужжатларни ўқиб-ўрганишмайди.

— Олий ўқув юртлари ичида ҳуқуқшунослик соҳасига ҳужжат топширувчи ёшлар нисбатан кўп. Суд, милиция, прокуратура ходимларининг аҳоли айрим қатламларига нисбатан яхшироқ яшаши ҳам сир эмас. Бундан аксари ҳолларда ёшлар шундай хулоса чиқаришаяпти. Яъни уларнинг наздида ҳуқуқ-тартибот органлари қандайдир даромад орттириш манбаидир. Сизнингча ҳам шундайми ёки...

— Фикрингизга қўшилмайман. Ҳуқуқшунослик жуда обрўли соҳа. У халқ хўжалигининг барча соҳалари учун керак. Чунки жамиятни бошқариб туриш мақсадида қабул қилинган қонунлар ижросини ҳуқуқшунослар назорат қилишади.

Ёшлик — романтика. Кино асарларида ва бадиий адабиётларда терговчи, адвокат, юрист образларини кўрган аксари йигит-қизлар, албатта, шу касбга қизиқиб қолишади. Қонунларни билишга, менимча, ҳамма ёшлар ҳам қизиқадилар. Умуман, ҳаётнинг қайси соҳасига қарамайлик, юристларга эҳтиёжнинг нақадар катта эканлигига гувоҳ бўламиз. Олий Мажлис таркибининг асосий қисми, нодавлат ташкилотлар, давлат тизимининг бошқа бўғинлари ва ҳамма-ҳамма жойда юристлар сув ва ҳаводек зарур.

Энди сиз ўйлаганингиздек, айрим ёшлар ҳам бор. Улар балки юридика соҳасини даромад орттириш манбаи деб ўйлашлари ҳам мумкин. Лекин бунга суд, милиция, прокуратура соҳасида ўз хизмат вазифасига зид ҳаракатлар билан шуғулланаётган юристлар имкон туғдираётганини ҳам унутмаслигимиз лозим.

— Конституцияни ўрганиш тўғрисидаги Президент Фармойишидан сўнг оммавий ҳаракат бошланди. Умумтаълим мактаблари, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида у алоҳида дарс сифатида ўқитила бошланди, бу яхши. Келгусида Конституциянинг кенг халқ оммаси ҳаётига кириб боришини таъминлаш учун Олий Мажлисда яна қандай тадбирлар белгиланяпти?

— Авваламбор, Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги шу йил 4 январда чиқарган Фармойиши умумдавлат миқёсида жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Бу жаҳон амалиётида ҳали учрамаган ҳодисадир. Фармойиш кучга киргандан бери бошланғич, таянч мактаблар, ўрта махсус ўқув юртлари — академик лицей, касб-ҳунар коллежлари учун 30 га яқин дарслик ва қўлланмалар яратилди. Махсус дастурлар асосида юзага келган бу дарсликлар ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, бадиийроқ иборада айтсам, Конституцияни ўрганишга ҳаж сафари бошланди.

Конституция — ҳуқуқий билимларнинг алифбоси. Уни ҳар бир фуқаро ўрганиши, билиши керак. Давлатнинг таништирув ҳужжати, яъни паспорти ҳисобланган Конституцияга ҳар бир мамлакатда амал қилинади. Демак, ўша давлатда яшаётган фуқаро ўз паспортига нисбатан бефарқ бўлолмайди.

Ўтган давр мобайнида таълим муассасаларидан ташқари маҳаллий ҳокимият органлари, турли жамғарма, бирлашма, корхона, қўмита, банк шахобчаларида ҳам Конституцияни кенг миқёсда ўрганиш, тарғиб қилишга киришилди. Бу ҳуқуқий-маърифий соҳада бағоят катта силжиш бўлаётганидан далолат беради.

— Ҳукумат даражасидаги бир қанча нуфузли орден ва медаллар бор. Хусусан, "Буюк хизматлари учун", "Эл-юрт ҳурмати", "Меҳнат шуҳрати","Дўстлик" ва бошқалар. Кўпинча бу мукофотларга изоҳ берилганда, "...улар Қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган имтиёзлардан фойдаланадилар" дейилади. Таҳририятимизга шу мазмундаги саволлар кўплаб келади ва тегишли ташкилот вакилининг жавобида ҳам ўша изоҳга кўзингиз тушади. Аммо у қандай қонун ҳужжатлари, қандай имтиёз, буни ҳамма ҳам бирдек тушуниб етавермайди...

— Бу ҳам Қонунни билмасликдан келиб чиқади. Давлат мукофотларининг ҳар бирига тегишли Низомлари бор. Ўша Низомда орден, медалларнинг таъсис этилган вақти, кимларга берилиши ва унинг қандай имтиёзларга эгалиги пунктма-пункт изоҳлаб берилган. "Адолат" нашриёти томонидан чоп қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Давлат мукофотлари" тўғрисидаги Қонун ҳужжатлари тўпламида ҳар бир орден ва медаль ҳақида муфассал маълумотлар бор. Афсуски, фуқароларимиз шундай китобларни олишмайди ва ўз ҳақ-ҳуқуқларини билишмайди. Мен буларнинг ҳар бирига шарҳ бериб ўтишим учун газетангизнинг битта саҳифаси ҳам камлик қилади. Қонун ҳужжатларини билиш ҳар бир кишига керак. Демак, қонунларни билиш ва уларга риоя қилиш ҳар бир фуқаронинг бурчи ҳамдир.

— Бизда амал қилаётган кодекслар нечта ва уларни қабул қилишда, ўзгартишлар киритишда нималар ҳисобга олинади?

— Ўн йил ичида 12 та кодекс қабул қилинди. Уларнинг ҳаммаси тамоман янгидан амалиётга жорий қилинди. "Фуқаролик", "Фуқаролик процессуал", "Божхона", "Солиқ", "Оила", "Хўжалик процессуал", "Меҳнат", "Уй-жой", Жиноят, жиноят процессуал" кодекслари айниқса катта аҳамиятга эга бўлди. Кодекс нима ва у Қонундан қайси жиҳати билан фарқ қилади? Қонун ҳуқуқ соҳасининг маълум йўналишини тартибга солиб туради. Кодекс эса мавжуд ҳуқуқ соҳаларини тартибга солувчи деярли барча нормаларни ўзида жамлайди.

МДҲ давлатлари орасида Ўзбекистон ўз кодексларининг сони, ҳажми ва мазмуни бўйича биринчи ўринда туради. Қонунларни янги таҳрирда қабул қилишдан кўзланган мақсад битта: у ҳам бўлса, инсон манфаатларига мослаш. Биргина 1994 йилда қабул қилинган "Жиноят Кодекси"да ўлим жазоси 13 та жиноят учун белгиланган эди. Охирги сессияга келиб фақат 4 та жиноятга нисбатан ўлим жазоси ўз кучида қолди. Демак, олий жазонинг борган сари камайиши давлат миқёсидаги катта бир инсонпарварлик сиёсатидан дарак беради. Ҳаётдаги ўзгаришлар амалдаги Қонун ва кодексларни қайтадан кўриб чиқишни тақозо этади.

— Парламент қандай таркибга эга ва қандай тартиб асосида ишлайди?

— Олий Мажлис Конституциявий мақомга эга. Шуни алоҳида таъкидлашим керакки, қисқа вақт ичида Ўзбекистон ўз парламентаризм институтини шакллантирди. Сайловлар асосида тузиладиган парламент бир палаталик тизимда ишлайди. Олий вакиллик қонунларни яратиш, қабул қилиш билан шуғулланади. У Олий Мажлис раиси, раис ўринбосари ва қўмита раисларидан иборат. 13 та қўмита 3 та комиссияга бириккан. Парламент ҳар икки ойда ўзининг сессияларини чақиради.

Ўзбекистонда миллий характердаги дастурлар қабул қилиш анъанаси пайдо бўлди, бу ҳам ижобий воқеа. Чунончи, 1989 йилда қабул қилинган "Давлат тили тўғрисида"ги Қонун 1995 йилда янги таҳрир билан амалиётга жорий этилди.

— Маълум сана ва байрамлар муносабати билан қамоқ жазосини ўтаётган маҳбусларга Президент Фармони билан амнистия эълон қилинмоқда. Амнистиянинг моҳиятида нима ётади?

— Онасидан ҳеч ким жиноятчи бўлиб туғилмайди. Шахсни муҳит ва ёт таъсирлар бузади. Муайян шароитлардан ўзини ҳимоя қилолмаган киши жиноятга қўл уради.

Президентимизнинг маълум сана ва байрамлар муносабати билан чиқараётган амнистиялари замирида ҳам, аввало, инсонпарварлик ётганини унутмаслигимиз лозим. Бунда шахснинг тасодифий равишда ёки билиб-билмай қилган жиноятлари инобатга олинади. Бир неча марта судланган ашаддий жиноятчилар ҳеч қачон амнистияга тушмайдилар. Қамоқ жазосидан озод қилинган кишига нисбатан ёт назарнинг мавжудлиги, уни оиласи, қариндош-уруғларининг менсимаслиги, қилмишини юзига солиши собиқ маҳбусни яна жиноят кўчасига етаклаши мумкин, бундан ёмони йўқ.

Озодликка чиққан шахсга нисбатан, аввало, ишонч, қолаверса ҳурматни ўзимизда шакллантира билмоғимиз лозим. Ахир у ҳам инсон, у ҳам биз каби ўз ҳақ-ҳуқуқини талаб қилишга ҳақли. Маҳалла ва давлат бошқарув органлари озод қилинган фуқароларга имкон қадар кўмаклашишлари керак, деб ўйлайман.

— Фуқароларимизда, айниқса, зиёлилар орасида ҳам ҳуқуқий маданият етишмайди. Бу эса Қонунни билмаслик билан боғлиқ. Қонунларни халққа етказишда қандай тўсиқлар бор?

— Гапингиз тўғри. Биз демократик-ҳуқуқий давлат қуриш йўлидан кетяпмиз. Ҳар бир фуқаро ўз ҳақ-ҳуқуқини жамият манфаатлари билан мосликда ва бирликда кўра билиши лозим.

"Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш дастури" 1997 йилда қабул қилинган эди. Ҳар бир фуқарони ҳуқуқий маданият билан қуроллантириш бу дастурнинг мазмун-мундарижасини белгилайди.

Қонунлар халқ манфаатларини кўзлаб қабул қилинади, демак, у халқ учун. Сиз таъкидлаганингиздек, халқ қонунларни билмаса, ундан мутлақо бехабар бўлса, бу маънавий фожеадир. Президентимиз 1997 йилнинг 20 майида бир гуруҳ ҳуқуқшунослар билан учрашув ўтказган эди. Ўшанда у киши ҳуқуқий адабиётларни 50 фоизга арзонлаштириш таклифини айтганди. Бу таклиф амалга ошса, яхши бўларди.

Ҳуқуқий адабиётларнинг сотувда қимматлиги ҳам қонунларнинг ўрганилишига тўсқинлик қилмоқда. Аслида Қонунни ўрганаман деган кишига ҳеч ким ва ҳеч нарса халақит бермайди.

— Конституция байрами муносабати билан "Меҳмонхона"мизда сиз. Муштарийларимизга қандай тилакларингиз бор?

— Тилак — яхши нарса, у инсоний туйғу. Кишиларнинг бир-бирларига чиройли истак билдириб юришлари ҳам эзгу амал. Яхши тилаклар сирасига эса биз дастурхон теграсида ўтириб айтадиган учта сўз киради: тинчлик, хотиржамлик, тансиҳатлик. Газетангиз таҳририяти ва унинг муҳлисларига ҳам ана шу тилакларни билдираман.

Суҳбатдош
Ҳулкар ТЎЙМАНОВА

Миллий хавфсизлик хизмати ходимларининг саъй-ҳаракати билан яқинда маънавий-маданий меросимизнинг нодир намуналарини хорижда пуллаш мақсадида мамлакатимиздан олиб чиқиб кетишга уринган бир гуруҳ кимсалар фош этилди.

ВИЛОЯТ БОСҚИЧИ ЎТКАЗИЛДИ

Сиёб туманидаги 65-мактабда "Энг яхши маънавият ўқитувчиси" кўрик-танлови бўлиб ўтди. Республика "Маънавият ва маърифат" марказининг Самарқанд вилоят бўлими, вилоят халқ таълими бошқармаси, "Фидокорлар" миллий демократик партияси вилоят бўлими ҳамкорлигида "Оналар ва болалар" йилига бағишлаб ўтказилган ушбу тадбирнинг дастлабки босқичлари мактабларда ва туман миқёсида ўтказилган эди.

Ko'rik-tanlov

— Танловдан мақсад таълим муассасаларида ўтилаётган маънавият асослари ва миллий истиқлол ғояси дарсларининг сифатини яхшилаш, ўқитувчиларнинг ўз касбига масъулиятини кучайтириш ва ижобий рағбатлантиришдир, — дейди ташкилий қўмита раиси М.Пардаев.

Кўрик-танловда Қўшработ туманидаги 5-ўрта мактаб ўқитувчиси Боймурод Ширинов энг кўп балл тўплаб Республика босқичида иштирок этиш имкониятини қўлга киритди.

Ургут туманидаги 135-лицейдан келган Оллоберди Маҳмудов ва Иштихон туманидаги 13-мактаб ўқитувчиси Моҳира Толлиевалар эса иккинчи ўринни эгалладилар.

Н.ШЕРБОЕВА

ТАНТАНАЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Маълумки, Конституциямиз қабул қилинган куннинг 9 йиллигига бағишланган тантаналар республикамизнинг барча ҳудудларида кенг нишонланмоқда.

Ушбу тадбирлар Фарғона вилояти Бувайда туманидаги ал-Хоразмий номидаги 2-лицей-интернатда ҳам бўлиб ўтди. Тантаналар республикамиз мадҳиясининг ижро этилиши билан бошланди. Шундан сўнг ушбу улуғ кун билан барчани муборакбод этиб сўзга чиққан "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими раиси Баҳромжон Мамадалиев Конституциямизнинг ҳаётимиздаги ўрни, унинг аҳамияти хусусида ўз фикрларини билдирди. Шунингдек, ўз навбатида сўз олган лицей директори Абдужалил Султонов, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими раиси ўринбосари Раъногон Бўрибековалар республикамиз Конституциясининг жаҳон миқёсидаги мавқеи, унинг инсонпарварлиги хусусида тўхталиб ўтдилар. Туман ИИБ бошлиғи ўринбосари, милиция майори С.Холматов ва ИИБнинг ёшлар билан ишлаш бўлинмаси инспектори, милиция лейтенанти Ф.Жураевлар эса фарзандларимизнинг ёшлигидан ҳуқуқ ва бурчларини билишлари, юрт тинчлигимизда демократик тамойиллар асосида фуқаролик жамияти қуришда муҳим ўрин тутиши, қолаверса, ёшлар орасида ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг камайишига олиб келишига урғу беришди.

Шундан сўнг тантана ўқувчиларнинг баҳс-мунозаралари, Ватан, истиқлол, озодлик ҳақидаги ижро этилган куй-қўшиқларига боғланиб кетди. Айниқса, Конституция кунига бағишлаб чиқарилган синф ўқувчиларининг деворий газеталари кўрик-танловининг ўтказилиши барчанинг эътиборини тортди.

Шодиёналар сўнгида ғолиб ўқувчилар "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вилоят ва туман бўлимлари томонидан совғалар ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар.

А.ТУРСУНАЛИЕВ

Diqqat: yangilik

"ФАН" ЎҚУВЧИ РУҲИЯТИНИ ЎРГАНАДИ

Маълумки, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг энг муҳим жиҳатларидан бири янги педагогик технологияларни ишлаб чиқиш ва уни амалиётга татбиқ этишдир. Бизнинг "Фан" илмий-услубий марказимиз ана шу мақсадда фаолият олиб бораётган ижодий жамоадир. Марказимизнинг ўз олдига қўйган асосий мақсади таълим-тарбия жараёнидаги янги услубларни ишлаб чиқиш ва уни амалиётга татбиқ этишдан иборат. Бу борада бизда анча-мунча ютуқлар қўлга киритилди.

Таълим-тарбия жараёнида ўқувчилар психологиясини ўрганишнинг муҳим ўрин тутиши барчамизга маълум. Шу мақсадда туманларда ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва педагогик-психологик ташхис марказлари фаолият кўрсатмоқда. Ушбу марказлар билан боғлиқ асосий иш синф раҳбарлари зиммасида эканлиги аниқ. Зеро, синф раҳбари доимо ўқувчилар билан мулоқотда бўлади. Ўқувчи психологиясини ўрганишда ҳозиргача бўлган анъанавий услубимизда ўқитувчи йиллар давомида ўқувчи фазилатларини ўрганиб, зарур бўлганда ўқувчига тавсифнома ёзиб берар эди. Биз ана шу эски услубдан воз кечиб, йил бошиданоқ 1-синфга келадиган ўқувчиларнинг психологиясидаги ижобий ва салбий хислатлар ҳақида атрофлича маълумотлар тўпламоқдамиз. Ва шу асосда ўқувчилар психологиясини ўрганиш услуби устида иш бошладик. Бу усулнинг қулайлик томони шундаки, ўқитувчи ҳар бир ўқувчиси ва унинг психологияси ҳақида олдиндан қисман маълумотга эга бўлади ва шу асосда тарбиявий ишларни ташкил этади. Шунингдек, бу маълумотлар ўқувчининг ота-онасига ҳам батафсил тушунтирилади ва уларга ҳам фарзанди билан бўладиган муомалада эътибор берилиши зарур бўлган жиҳатлар айтиб ўтилади. Шундан келиб чиққан ҳолда ота-оналар билан ҳамкорликда тарбиявий ишлар ҳам ташкил этилади.

Биз қўллаётган услубда энди ўқитувчининг иш фаолияти расмиятчилик учун тавсифнома бериш эмас, балки бола психологиясини амалда шакллантиришга қаратилади...

Р.ВАЛИЖОНОВ,
Учқўрғон туманидаги "Фан" илмий-услубий маркази раҳбари,
Ў.УМАРОВА,
А.АЗИЗОВА,
К.ҲАСАНОВА,
амалиётчи педагоглар

ҒОЛИБЛАРГА БЕШ ЮЗ МИНГ СЎМДАН МУКОФОТ

Бош Қонунимиз мадҳ этилаётган мана шу шукуҳли кунларда мамлакатимиз таълим тизимининг барча бўғинларида «Конституция — бахтимиз пойдевори» мавзуидаги республика кўрик-танлови якунланаяпти. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ЎМКҲТ Маркази мамлакатимиз Олий Мажлисининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қўмитаси, республика «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Бадиий Академияси билан ҳамкорликда Конституциямиз қабул қилинганининг 9 йиллигига бағишлаб ЎМКҲТ муассасалари ўртасида ўтказаётган кўрик-танловнинг якуний босқичи пойтахтимиздаги Тошкент молия ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтди.

«Konstitutsiya —baxtimiz poydevori»

Шу куни коллеж фойесида мазкур танловнинг вилоят босқичида ғолиб бўлган 20 тадан зиёд таълим муассасалари ижодий ишларининг кўргазмаси ташкил этилди. Унда Сариосиё қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи, ТДТУ қошидаги Чилонзор академик лицейи, Бухоро енгил саноат касб-ҳунар коллежи ҳамда мезбонлар бўлмиш — Тошкент молия ва иқтисодиёт коллежи жамоаларининг мавзуга оид тайёрланган деворий кўргазмалари, альбом-буклетлари, энг яхши ишланган расмлар кўргазмаси, «Конституция — бахтимиз пойдевори» мавзусида ёш шоир ва шоираларнинг, иншолар танлови ғолибларининг ижодий ишлари, баёнлари ва рефератлари кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди.

— Танловнинг якуний босқичи жудаям қизиқарли ўтмоқда, — деди ЎМКҲТ Марказининг «Соғлом авлод камолоти ва гуманитар таълим» бўлими бошлиғи Мойли Лафасов. — Ҳакамлар ҳайъати қарорига кўра, Конституциямиз моҳиятини, унда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликлар, фуқаролар бурчларини ўқувчиларга ўргатиш, уларда қонунга бўлган ҳурмат ва эътиқодни уйғотиш, Конституция асосида яшаш, ҳаёт тарзини қарор топтириш ҳамда ўқувчиларнинг ҳуқуқий билимларини бойитишда Конституцияга оид тасвирий воситалардан фойдаланиш, шунингдек, илм даргоҳи ўқув биноси, ётоқхона ҳамда улардаги маънавият ва маърифат хоналарини турли хилдаги кўргазма воситалари билан безаш маҳоратлари, жиҳозланиши юқори даражада ташкил қилинган иккита жамоа — Тошкент молия ва иқтисодиёт ҳамда Сариосиё қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежлари фахрли биринчи ўринга муносиб топилди. Ушбу коллежларга Марказимиз томонидан таъсис этилган 500 минг сўм мукофот тақдим этилади.

ТДТУ қошидаги Чилонзор академик лицейи, Хива педагогика ҳамда Оҳангарон маиший хизмат касб-ҳунар коллежлари жамоаларига иккинчи ўрин берилди.

Шунингдек, Шаҳрисабз педагогика, Каттақўрғон иқтисодиёт касб-ҳунар коллежлари, Андижон қишлоқ хўжалиги институти қошидаги Куйганёр академик лицейи ва Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги Шайхонтоҳур академик лицейи жамоалари учинчи ўринга сазовор бўлди. Иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаган ғолиб жамоалар ҳам Низомда кўрсатилган асосда моддий рағбатлантириладиган бўлди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Бадиий Академияси, республика «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаларининг махсус совғалари Бухоро енгил саноат, Жиззах санъат ҳамда Нукус политехника касб-ҳунар коллежларига тақдим этилди. Тадбирда Хоразм, Сурхондарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳри ЎМКҲТ бошқармалари вакилларига ЎМКҲТ Марказининг Фахрий Ёрлиқлари топширилди.

Нурлан УСМОНОВ

ҚОНУН ВА БИЗ

Узбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигига 9 йил тўлиши муносабати билан уюштирилаётган байрам тадбирларидан бири ТДТУ қошидаги Чилонзор академик лицейида ҳам бўлиб ўтди. Лицей дарвозасидан кирар экансиз, Конституциямиз байрами ҳар бир одамга ажойиб кайфият улашганига амин бўласиз. Лицейда бўлаётган "Қонунимиз — ҳимоямиз" ҳуқуқий марафони республикамиз мадҳиясини ижро этиш билан бошланди. ТДТУ ректори Қ.Аллаев ўқувчилар, устозлар ҳамда меҳмонларни Конституция байрами билан қутлади ва университет томонидан лицей маъмуриятига китоблар ва бошқа совғалар тақдим этди. Шундан сўнг, барча йиғилган меҳмонлар эътиборига БМТнинг Нью-Йоркдаги штаб-квартираси томонидан тайёрланган "Инсон ҳуқуқлари декларацияси" фильми намойиш этилди.

Марафоннинг иккинчи қисмида лицей ўқувчиларининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилоти вакиллари билан давра суҳбати уюштирилди. Унда ўқувчилар ўзларини қизиқтирган Конституция ва қонунларимизга оид барча саволларга батафсил жавоб олишди.

Марафон ўз ишини кечгача давом эттирди. Суҳбатдан сўнг "Конституция — Ўзбекистон Республикасининг асосий қонуни" мавзусида лицей ўқувчилари ўртасида савол-жавоб шаклида мусобақа ҳамда "Қонун ва биз" деб номланган танлов бўлиб ўтди. Ўқувчилар бу борада ҳам ўз билимларини намойиш этишди. Марафоннинг якуний қисмида танловларда фаол иштирок этган ўқувчилар рағбатлантирилди.

Абдулҳамид АБДУАҲАД ўғли,
"Маърифат" мухбири

КОНСТИТУЦИЯ ВА МАДАНИЙ МЕРОС

Ўзбекистон Миллий университети қошидаги олий педагогика институтида ушбу институт ходимлари ва республиканинг турли вилоятлари ва Қорақалпоғистондан малака оширишга келган академик лицей, касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртлари ўқитувчилари иштирокида "Конституция ва маданий мерос" мавзуида қизиқарли учрашув бўлиб ўтди.

Тадбирда мазкур институт директори, тарих фанлари доктори, профессор Шамсиддин Шаропов, "Учитель Узбекистана" газетасининг бош муҳаррири, республикада хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Аҳмаджон Долимов, Ўзбекистон Ёзувчилар ва театр ижодкорлари уюшмаларининг аъзоси, маданиятшунос олим Баҳриддин Насриддинов, доцентлар Неъмат Иноятов, Ўктам Абдуназаров, фалсафа фанлари доктори, профессор Шодмон Азизов, методист Ноиба Тошмуҳамедова, кутубхона мудираси Мактуба Ишимовалар "Истиқлол ва маънавият қадриятлари", "Конституция ва маданий мерос", "Ёшларнинг маънавий камолотида матбуотнинг ўрни", "Конституция ва ижодкор зиёлилар" мавзуларида маърузалар ва чиқишлар қилдилар.

Йиғинда қизиқарли савол-жавоблар, маънавий қадриятларни ёшлар ўртасида кенг тарғиб этишнинг долзарб муаммолари юзасидан баҳслар ва фикр алмашувлар ҳам бўлиб ўтди.

МУХБИРИМИЗ

ҚУРЪОН УРГАН ЎҒРИЛАР

Маъно-мазмуни, тарихий, тарбиявий аҳамияти беқиёс, китобларни "бебаҳо асар" деймиз. Лекин, шундай учарлар борки, уларни маънавий-маданий меросимизга оид бундай китобларнинг нархи-ю ундан келадиган мўмай даромадгина қизиқтиради, холос. Бундайлар қинғир йўл билан бўлсада, бойлик орттириш учун ҳар қандай йўлдан қайтмайди.

Миллий хавфсизлик хизмати ходимларининг саъй-ҳаракати билан яқинда маънавий-маданий меросимизнинг нодир намуналарини хорижда пуллаш мақсадида мамлакатимиздан олиб чиқиб кетишга уринган бир гуруҳ кимсалар фош этилди. Тарихий ва илмий аҳамияти беқиёс ноёб қўлёзма асарлар давлатимизга қайтарилди.

Жиноят устида қўлга олинган уюшган гуруҳ жами 12 кишидан иборат бўлиб, унинг ҳар бир аъзоси муайян вазифани бажарган. Улар узоқ вақт мобайнида муқаддас Қуръоннинг XVIII асрда тилла суви билан битилган ва нақшлар билан безатилган нусхаси ҳамда ундан ҳам қадимий, тахминан VII асрда битилган айни шундай муқаддас китоб варақларини чет элга чиқариб юборишга тайёргарлик кўрган. Аммо қора гуруҳ ниятига етолмади.

Qilmish-qidirmish

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Диний ишлар бўйича қўмитанинг бош эксперти Нуримон Абу Ҳасаннинг таъкидлашича, ушбу қўлёзмалар беқиёс нодир асарлар сирасига киради. Дастлабки терговда аниқланишича, уюшган гуруҳ аъзолари қадимий қўлёзманинг 162 варағининг ҳар бирини 33 минг АҚШ долларига, ўн саккизинчи асрда кўчирилган Қуръонни эса 60 минг АҚШ долларига пуллаб, жами 5 миллион АҚШ долларидан ортиқ фойда кўрмоқчи бўлган.

(ЎзА).

БИЛИМ ДАРГОҲИДА БАЙРАМ

Юртимиз бўйлаб Бош Қомусимиз —Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 9 йиллигига бағишланган тантанали байрамлар давом этмоқда.

Шу муносабат билан Навоий вилояти халқ таълими бошқармасига қарашли Нурота шаҳридаги 7-мактаб-интернатда ҳам йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда мазкур билим даргоҳи директори Қурбон Наҳалов асосий қонунимизнинг мазмун-моҳияти, унинг ижтимоий адолат ғоялари билан суғорилганлиги ҳамда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва бурчлари тўғрисида ўқувчиларга батафсил маълумот берди.

Мухбиримиз

ТОЛИБЛАР ҚУРОЛЛАРИНИ ТОПШИРМОҚДАЛАР

"Afgan Islamic Press" агентлигининг хабар беришича, Қандаҳордан паноҳ топган Толибонлар мужоҳид қўмондонлари, ислом олимлари, қабила оқсоқолларидан иборат мулла Накибулло бошчилигидаги бирлашган комиссияга ўз куролларини топширмоқдалар. Афғонистонда яқинда тузилган вақтинчалик бошқарув ҳокимиятига раҳбарлик қилаётган Аҳмад Карзайнинг айтишича, "Толибон" ҳаракати етакчиси мулла Умар ҳамда унинг ёрдамчилари суд олдида жавоб беришлари керак.

МУЛЛА УМАР СУДГА ТОРТИЛАДИ

АҚШ ҳукумати Толибон раҳбари мулла Умар авф этилиши мумкинлигини қатъий рад этди. Мудофаа вазири Дональд Рамсфельднинг айтишича, мулла Умарнинг осойишта ҳаёт кечиришига имкон берилмайди. Боиси, у халқаро террорчи Усама бин Ладен ҳамда "Ал-Қоида" ташкилоти аъзоларининг Афғонистонда яшириниши учун жавобгардир. Ундан аввалроқ эса Покистондаги Толибон вакили, Қандаҳор мулла Умарнинг тинч ҳаёт кечириши эвазига қаршиликсиз топширилиши мумкинлигини айтган эди.

Ҳозирда АҚШ махсус қўшинлари ҳужумга киришганлар.

ИСРОИЛ ЯНА ҲУЖУМ БОШЛАДИ

Исроил ҳаво кучлари 48 соатлик танаффусдан сўнг, Газо шаҳридаги фаластинликлар ҳудудларига яна ҳужум қилдилар. Фаластин полицияси маҳкамасига "F-16" самолётининг ўт очиши туфайли 20 нафарга яқин киши жароҳатланган. Расмий Тель-Авивнинг фикрича, бу ҳаракатлар мухторият раҳбариятининг террорчиларга ёрдам берганликлари учун амалга оширилмоқда. Шунингдек, Хон-Юнус шаҳрига бостириб кирган исроилликлар террор хуружларини амалга оширишда айбланаётган шахсларни ҳибсга олиш учун уйма-уй қидирув ўтказишни бошладилар. Бош вазир Ариэл Шарон эса Миср ташқи ишлар вазири Аҳмед Махер билан музокаралар ўтказди.

ТЕРРОРЧИ ТОПИЛМАДИ

Шимолий Иттифоқ кучлари Афғонистон шимолидаги Тора-Бора ҳудудида жойлашган ғорни қўлга олишди. "Рейтер" агенлигининг хабарига кўра, у ердан Усама бин Ладен топилмаган. Айни вақтда мазкур ҳудуднинг аксари қисмини иттифоқчиларнинг дала қўмондонларидан ҳисобланмиш Ҳазрат Али гуруҳи назорат қилаётган бўлиб, эгаллаш чоғида кўплаб араб ёлланма жангарилари асир олинганлар. Тахминларга кўра, Бин Ладен Покистонга ўтиб кетган бўлиши мумкин.

Nobel mukofoti sohiblari

ТИНЧЛИКПАРВАР ТАШКИЛОТЛАР

Аввалги мақоламизда Нобел мукофотига сазовор бўлган бир қатор ташкилотлар тўғрисида сўз юритган эдик. Шундай тинчликпарвар ташкилотлар ҳақидаги фикримизни давом эттирамиз.

1891 йили Лондонда бир халқаро ташкилотга асос солинди. Халқаро тинчлик бюроси (ХТБ) номи билан донг таратган бу ташкилот Европада авж ола бошлаган куролланиш пойгасига норозилик белгиси сифатида урушга қарши курашувчилар (пацифизм) томонидан ташкил этилган.

Унинг қатнашчилари ҳар қандай урушга, шу жумладан адолатли ва озодлик урушларига ҳам қаршидирлар. ХТБнинг биринчи рахбари этиб, даниялик собиқ зобит Фредерик Байер сайланган.

1892 йили Римда бўлиб ўтган тинчликпарвар ташкилотнинг навбатдаги конгрессида тинчлик бюросининг асосий вазифалари ойдинлашди ва шу ерда унинг Низоми тасдиқланди. Ташкилот олдида ҳар йили тинчлик соҳасидаги анжуманларни ташкил қилиш, шу анжуманларда қабул қилинган резолюцияларнинг ўз вақтида бажарилишини назорат қилиш ва бошқа ибратли тадбирларни амалга ошириш вазифалари туради.

Тинчлик бюроси томонидан олиб борилган хайрли ишлар бутун дунё аҳлининг эътиборига тушди ва ҳақли равишда 1910 йили тинчлик соҳасидаги Нобел мукофотига сазовор бўлди.

ХТБга ушбу ноёб мукофотнинг берилиши, бу халқаро ташкилотнинг молиявий ахволини янада яхшилади ва унинг аъзоларини янгидан янги ғояларга илҳомлантирди.

Халқаро Қизил Хоч комитети (ХҚХК) тўғрисида алоҳида тўхталмай иложимиз йўқ. Уруш қурбонлари ва табиий офатдан жабр кўрганларга ёрдам бериш халқаро ташкилотини тузиш ҳақидаги дастлабки таклиф билан чиққан инсон швейцариялик ишбилармон Анри Бюнан бўлди. У биринчи бўлиб 1859 йили шимолий Италиядаги Солферико шаҳри яқинида бўлиб ўтган қонли жангда жабр кўрганларга ва ярадорларга ёрдам беришга бел боғлаган кўнгиллилардан иборат отряд тузди. 160 мингдан ортиқ аскарлар қатнашган ушбу жангдан сўнг кўнгиллилар отряди томонидан юзлаб ярадорларнинг ҳаёти сақлаб қолинди.

1863 йили Женевада 16 мамлакат вакиллари иштирокида халқаро ташкилотга асос солинди. Ташкилотнинг эмблемаси қилиб оқ матога туширилган қизил хоч танланди (Швейцария давлати байроғининг ўзгартирилган кўриниши). Тез орада бу ташкилот кўп давлатлар томонидан тан олина бошланди.

1870-71 йиллари Франция ва Пруссия давлатлари ўртасида бўлиб ўтган уруш давомида ХҚХКнинг фаолияти янада кенг қулоч ёйди. Франция хукумати Дюнаннинг гуманизм билан суғорилган фикрларини қўлламаган бўлсада, қизил хоч комитети аъзолари ўз ёрдамларини ҳеч кимдан аямадилар. Бундан ташқари улар рус-турк урушида (1877 й.), Серб-Булғор урушида (1885 й.) ва Болқон урушларида (1912-13 й.) ўзларининг фаоллигини кўрсатдилар. Шу йиллар давомида бир қатор давлатларда Қизил Хоч комитети тузилди.

Айниқса, биринчи жаҳон уруши йиллари ХҚХКнинг фаолиятида ўлмас воқеалар юз берди. Уруш бошланган 1914 йили Женевада комитетнинг Ахборот агентлиги ташкил этилди. Бу агентлик ёрдами билан мингдан ортиқ кўнгиллилар уруш ярадорларига ёрдам кўрсатиш ва бошқа хайрия ишларини амалга оширишни ўргатиш курсларидан ўтдилар. Бундан ташқари Агентлик жангларда бедарак йўқолган деб ҳисобланган инсонларнинг тақдирини ўрганиш ва уларни қидириб топиш борасида ҳам улкан ишларни амалга оширди. Комитетнинг савобли ишлари албатта Нобел қўмитаси томонидан муносиб тақдирланди ва 1917 йили бу ташкилот тинчлик соҳасидаги Нобел мукофотига лойиқ кўрилди. Шуни таъкидлаш лозимки, биринчи жаҳон уруши йиллари фақатгина ХҚХКгина ушбу ноёб мукофотга сазовор бўлди холос.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳам комитет аъзолари ҳарбий асирларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи халқаро қонунларни такомиллаштириш ва шу соҳадаги янги конвенцияларнинг қабул қилинишида астойдил саъй-ҳаракат кўрсатдилар.

Иккинчи жаҳон уруши йиллари комитет аъзолари концлагердаги асирларга озиқ-овқат ва кийимбош етказиб беришни ташкил қилдилар. 30 мингдан кўпроқ яхудий миллатидаги, нацистлар томонидан ўлимга махкум этилган инсонлар, ХҚХК ҳимоясига олинди. Бу ҳаракатнинг натижаси комитетга 1945 йили иккинчи бор Нобел мукофоти берилиши билан якунланди.

Мукофотни топшириш пайтида нутқ сўзлаган Норвегия Нобел қўмитаси вакили Гуннар Ян ўз сўзида «ХҚХКнинг уруш йилларидаги фаолияти инсоният бирдамлиги принципларига асосланган бўлиб, бу нарса А.Нобел ўз васиятномасида ёзиб қолдирган фикрига айнан мос келади» деб қўшимча қилди.

ХҚХКнинг ўша пайтдаги президенти Макс Хубер топшириғи билан Нобел маърузаларини комитет аъзоси швейцариялик ҳуқуқшунос Эдуард Шапюист ўқиди. У ўз чиқишларини асосан комитетнинг уруш йилларидаги унутилмас фаолиятига бағишлади.

Урушдан кейинги йилларда ҳам комитет ўз фаолиятини сусуйтиргани йўқ. 1953 йили эълон қилинган авф қилишдан сўнг Шимолий Кореяда асирда сақланаётган юзлаб хитойлик ва Жанубий Кореялик солдатларни ўз ватанларига қайтаришда комитет аъзолари жонбозлик кўрсатдилар. 1956 йили Исроил, Англия ва Франция томонидан Мисрга қарши зўравонлик ҳаракатлари бошланганда (Сувайш инқирози) ХҚХК Порт-Саидга озиқ-овқат етказиб беришди ва ярадорларга тиббий ёрдам кўрсатди. Ўша йили Будапештда юз берган қўзғолон кунлари комитет ҳаводан 90 тонна озиқ-овқат ва дори-дармонлар етказиб берди. Шунингдек, 1955-61 йиллари Жазоирда Франция хукмронлигига қарши бўлиб ўтган қўзғолонда, 1960 йили Белгия давлати ташаббуси билан Конго республикаси (хозирда Заир) ташкил этилганда бошланган фуқаролик урушида нейтрал тиббий ҳудудлар ташкил қилиш ва ярадорларга ёрдам бериш ишлари йўлга қўйилди. Шу мақсадда Конгога юздан ортиқ врач ва ҳамширалар сафарбар қилинди. Ана шу хизматлари учун ХҚХК учинчи бор Нобел мукофотига сазовор бўлди.

Учинчи тинчлик соҳасидаги Нобел мукофотидан сўнг ХҚХК аввалгидек партиясиз, мустақил ва гуманитар ташкилот сифатида фаолият кўрсатишни давом эттирмоқда. Комитетни 25 нафар Швейцария фуқаролигига эга бўлган исонлардан (Низомга кўра) иборат комиссия бошқаради.

Комитет жамғармасига келиб тушадиган маблағнинг 70 фоизи Швейцария ҳукумати томонидан ўтказиб берилади, қолгани эса бошқа давлатлардан ва ташкилотлардан келиб тушади.

Фикримизни кейинги мақоламизда давом эттирамиз.

Иброҳим КАРИМОВ,
физика-математика фанлари доктори
Абдумажит ТЎРАЕВ,
физика-математика фанлари номзоди.

ПУТИН: ЭКСТРЕМИСТЛАРГА ЎРИН ЙЎҚ

Россия Федерацияси раҳбари Владимир Путин Грециягa сафари чоғида жаҳон ҳамжамиятини Яқин Шарқдан Болқонгача бўлган ҳудудда экстремистларга қарши биргаликда курашишга чақирди. Унинг фикрича, на Косовода, на Македонияда экстремистларнинг ўз давлатларини тузишларига йўл қўймаслик керак. Шунингдек, президент Путин мамлакат раҳбари Костас Симитис билан ўзаро алоқалар ва Россиянинг НАТО ҳамда Европа Иттифоқи билан муносабатларини муҳокама этди. Боиси, Греция ҳар иккала ташкилотга ҳам аъзо бўлган давлат саналади.

КАНЦЛЕРНИНГ КИЕВГА ТАШРИФИ

Германия канцлери Герхард Шрёдер Украинага ташрифи чоғида мамлакат президенти Леонид Кучма билан учрашди ва расмий Киевнинг Европа Иттифоқига аъзо бўлишини қўллаб-қувватлашини айтди. Аммо, унинг фикрича, ҳозирча Украина мазкур нуфузли ташкилотга кириш учун тайёр эмас. Шунингдек, ҳар икки давлат молия вазирлари Украинанинг Германиядан қарийб 300 миллион АҚШ долларига тенг қарзини тўлаш масаласини қайта кўриб чиқишга келишиб олдилар.

ТАРИХИЙ ОБИДА ТОПИЛДИ

Куба қирғоқларида иш олиб бораётган тадқиқотчилар гуруҳи қадимий шаҳар қолдиқларини топдилар. Уларнинг айтишларича, шаҳар 1000 йил аввал қурилган бўлиши керак. Олимларнинг фикрича эса, бу нарса Кубанинг қачонлардир Юкатон ярим ороли ҳудудида Америка қитъаси билан қўшилганлигидан ҳам далолат бериши мумкин.

ГРОЗНИЙДА ТЎҚНАШУВ

Грозний шаҳрининг Старопромыслов туманида милиция хизматининг "УАЗ" автомобилини номаълум шахслар гранатомётдан ўққа тутганлар, дея хабар беради "Новости" ахборот маҳкамаси. Натижада эса машинадаги 3 нафар милиционер жароҳатланиб, шифохонага ётқизилган. Шунингдек, ҳозирда жиноятчиларни қидириш ишлари олиб борилмоқда.

Тарихий маълумотларга қараганда, бу синиқларни сотиб олган савдогар уларни 900 туяга ортиб олиб кетган экан.

Yetti mo'jizaning biri

РОДОС ОРОЛИДАГИ КОЛОСС

Қадимги дунёнинг етти мўъжизасидан бири Қуёш худоси Гелиос шарафига Родос оролида ўрнатилган муаззам хайкал Колоссдир.

Қадимги юнонлар одам бўйидан анча баланд бўлган ҳайкалларни "Колосс" деб аташган. Бу—"улкан, улуғвор, баҳайбат", деган маъноларни билдиради. Юнонлар шундай баҳайбат хайкалларни илк бор Мисрда кўришган. Кейинчалик ўзлари ҳам шундай хайкаллар ясаганлар. Шундай ҳайкаллардан бири Аполлон худоси шарафига Жанубий Юнонистондаги Амикала шаҳрида қурилган, баландлиги 13 метрли ҳайкалдир. Лекин Родос оролидаги Қуёш худоси шарафига қурилган Колосс тенги йўқ хайкал эди.

Хайкал қандай яратилган?

Милоддан аввал IV аср охирларида юнон давлатлари ичида Родос энг қудратлиси ва бойи эди. Родос давлати савдо-сотиқни кенг йўлга қўйган бўлиб, уларнинг савдогарлари Қора денгизнинг шимолий соҳилларига, узоқ Сицилия ва Африка мамлакатларигача борардилар. Қолаверса, Родос денгизчилари энг моҳир денгизчилар ҳисобланарди. Улар яратган денгиз қонунларига барча мамлакат денгизчилари амал қилишлари шарт эди.

Милоддан аввал 305 йилда Искандар Зулқарнайн давлатининг меросхўрларидан бири Антигоннинг ўғли, машҳур лашкарбоши Деметрий Родос бойликларига кўз олайтира бошлайди. Родос аҳолиси узоқ вақтлардан бери қўшнилари билан тинч-тотув яшаб келарди. Лекин ўз ғалабаларидан мағрурланиб кетган Деметрий қилдан қийиқ чиқариб, Родос давлатига уруш эълон қилади.

Бу урушда Деметрий янги ихтиро қилинган шаҳарларни забт этувчи қудратли қурол—гелеполни ишга солади. Гелепол—баландлиги 40, кенглиги 15 метр бўлган минора шаклидаги жуда катта қурилма эди. Лекин шундай қудратли қуроли бўлишига қарамай, Деметрий ғалаба қозона олмади. Родосликлар бир йиллик қамалга бардош беришди. Уларга Миср подшоси Птолемей ва бир қанча иттифоқчилари ёрдам бериб турдилар. Деметрий сулҳ тузиб, қўшинларини олиб ўз юртига қайтиб кетади. Родосликлар ғалаба қозонадилар.

Мана шу ғалабани нишонлаш мақсадида родосликлар орол ҳомийси—Қуёш худоси Гелиоснинг улкан хайкалини бронзадан ўрнатишга қарор қиладилар. Родос Гелиоснинг муқаддас шаҳри деб эълон қилинади.

Родосликлар бундай маҳобатли, улкан Колоссни яратишни тажрибали ҳайкалтарош, бир вақтлар бутун Юнонистонга машҳур бўлган, 20 метрли Зевс хайкалини ясаган хайкалтарош Лисиппнинг иқтидорли шогирди Харесга топширадилар. Харес эса хайкалтарошлик бобида устозидан ўзиб кетганлигини кўрсатди. У 12 йил ичида баландлиги 35 метр келадиган, мисли кўрилмаган баҳайбат хайкал яратди. Бу хайкалнинг довруғи тез орада бутун юнон оламига тарқалди.

Харес Гелиосни чиройли кўринишда, нур таратувчи тож кийган ҳолда тасвирлаган. Ёш Гелиос баланд мармар таглик устига бир оз орқага мойил турган тарзда, ўнг қўлини пешонасига қўйиб, узоқ-узоқларга тикилган ва ергача тушиб турган ёпинчиқни чап қўли билан ушлаб турган вазиятда тасвирланган. Ўнг қўлининг пешонасига текқизиб қўйилганига сабаб бор. Ҳайкалтарош Гелиосга шу вазиятни танлашдан олдин, ҳайкалнинг оғирлигини ҳисобга олган. Агар қўлини олдинга чўздирганда, у ўз оғирлигини кўтара олмасдан тушиб кетарди. Шунингдек, ёпинчиқ хайкалнинг орқа томонидан ерга тегиб туриши, унга салобат бахш этишдан ташқари тирговучлик вазифасини ўтаб, хайкалнинг мустаҳкам туришини таъминлаган.

Колосс ҳамма жойдан кўриниб туриши ва шаҳар ҳуснига хусн қўшиши керак эди. Колосснинг беҳад баландлиги у ўрнатилган майдон сатҳининг ниҳоятда кенг бўлишини тақозо этарди. Кўрфаз соҳилининг гаванга кираверишида шу жиҳатдан маъқул топилади. Қуёш нурларида кўзни қамаштирарли даражада ярқираб турган бронза хайкал узоқдан оролга келаётган денгиз сайёҳларини қутлаб Родос гаванига кириладиган йўлни ғуё кўрсатиб турарди.

Лекин хайкал қандай ўрнатилган, қандай техника воситасидан фойдаланилган?

Хайкал бўлак-бўлак ҳолатда яратилган. Одам бўйи келадиган қисми ясалиб бўлингач, унинг атрофига тупроқ уюлган. Кейин яна навбатдаги қисми ишланган, яна атрофи тупроқ билан тўлдириб борилган ва хайкал битгунча шу тарзда иш олиб борилаверган. Ниҳоят, Колосс бор бўй-басти билан қад кўтарган.

Афсуски, родосликлар ўз Колосслари билан узоқ вақт фахрланиб юришолмади. Бронзадан тикланган иншоот 56 йилгина савлат тўкиб турди, холос. Милоддан аввал 220 йил юз берган дахшатли зилзила Родос оролини вайрон қилиб юборди. Бинолар ер билан яксон бўлади. Улкан Колосс қоқ тиззасидан синиб тушади. Родосликлар хайкални тиклашга харакат қиладилар, уларга қўшни мамлакатлар ҳам ҳар томонлама ёрдам беради. Лекин хайкални тиклашнинг иложи бўлмайди.

Бироқ мазкур обиданинг ҳатто ерда ётган синиқлари ҳам кўпчиликнинг диққатини тортади. Родос оролига келган ҳар бир одам Гелиос хайкалини томоша қилмай кетмасди.

Колосс синиқлари минг йилдан зиёд ерда қолиб кетди. 977 йил Родос оролини босиб олган араблар хайкал синиқларини сотганлар. Тарихий маълумотларга қараганда, бу синиқларни сотиб олган савдогар уларни 900 туяга ортиб олиб кетган экан. Шу тариқа қадимги дунёнинг етти мўъжизасидан бири деб тан олинган Колосс ҳайкалининг изи бутунлай йўқолиб кетган.

Мадаминбек БОЙМАТОВ тайёрлади.

ЭРТАК ВА МУЛЬТФИЛЬМЛАР СУРАТГА ОЛИШ ФОЙДАЛИРОҚ

"Интернет" саҳифасидаги KinoZal сайти 2001 йил декабр ойининг биринчи якшанбасигача кўп даромадга эга бўлган ва машҳур 60 та АҚШ фильмлари рўйхатини эълон қилди.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, кучли ўнликдан жой олган фильмларнинг деярли барчаси кўпчилик ўйлаганидек ишқий мавзудаги мелодрама ёки "ичак узадиган" комедиялар эмас, балки тўлиқметражли мультфильмлар, сеҳрли ва сирли эртаклар экан.

Бу рўйхатнинг бошида "Шрек" мультфильми турибди. Хабарингиз бўлса, биз ушбу мультфильмнинг муваффақиятига қайси омил сабаб бўлганлигини газетамизда айтган эдик. Яъни ундаги қаҳрамонларга машҳур юлдузлар Мадонна, Жим Керрилар овоз беришганди. 60 миллион доллар сарфланган ушбу фильмдан тушган даромад АҚШнинг ўзида 267,7 миллион доллар бўлди. Аслида фильм продюссерлари 268 миллион долларлик мўмай маблағ топамиз, деб хомчўт қилишганди. Шу кунгача дунё бўйича эса 434,1 миллион доллар "Шрек"нинг ўзидан йиғилди. Бу фильм прокати ҳали давом этмоқда. Демак, яна фойда кўриш имконияти бор.

Учинчи ўринда ҳам эртак фильм. Бу "Гарри Поттер ва фалсафа тоши" деб номланган, Крис Коламбус режиссёрлик қилган хаёлий эртакдир. Фильм учун 125 миллион доллар сарфланган. Кинопрокатчилар агар бу фильм бутун дунёга намойиш этилса 400 миллион доллар фойда кўрамиз, деб тахмин қилишганди. Американинг ўзида 219, 7 миллион даромад кўрган фильм шу кунгача ўз ижодкорларига 372,7 миллион "кўки"дан туҳфа этиб турибди.

"Маҳлуқлар корпорацияси" ("Monsters,Inc") деб номланган Дэвид Силвермен ва Питер Доктер суратга олган мультфильм ҳам кучли ўнликнинг тўртинчи жойини банд қилиб турибди. 115 миллион долларлик маблағ сарфланган фильмнинг шу кунгача 204 миллион доллар "топиши" мўъжиза.

Мутахассислар ва киноижодкорлар бу маълумотлардан кейин фақат мультфильм ва эртак-фильмлар суратга олишни оммавий тарзда бошлаб юбормасалар бўлгани.

"САРҲИСОБ-XX" ДАВОМ ЭТМОҚДА

Театр санъатини ривожлантириш, унинг оммавийлигини ошириш, кишилар қалбида театрга муҳаббат туйғуларини тарбиялаш мақсадида юртимизда кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Мана шу хайрли тадбирлардан бири "Сарҳисоб-XX" театр жамоаларининг кўрик-танловидир. Бу кўрик-танлов энг яхши саҳна асарлари танлови номи остида ўтмоқда.

Бу кўрик-танлов йил давомида ўтказилади ва ҳар бир театр жамоаси ўз томошаларини Ўзбекистон Миллий академик драма театри саҳнасида ҳакамлар ҳайъати ва томошабинлар ҳукмига ҳавола этади.

Ушбу кўрик-танловга қўйилган дастлабки томошалар кўрсатилди. Булар Тошкент давлат мусиқали комедия (оперетта) театрининг марҳум санъаткор Ботир Зокиров хотирасига бағишлаб саҳналаштирган "Араб тангоси" спектакли бўлса, яна бири куни кеча намойиш этилган Аброр Ҳидоятов номидаги ёшлар театрининг "Отелло" спектаклидир.

Ушбу спектакл бундан бир неча йиллар аввал халқимизнинг даҳо санъаткорлари томонидан саҳнага олиб чиқилган эди. Ўшанда ҳамма Аброр Ҳидоятов ижросидаги Отелло образини катта завқ ва шавқ билан томоша қилганди. Ва бу ролдан жуда таъсирланганди. Дездемона сиймоси ҳам Сора Эшонтўраева ижросида қиёмига етганди. Улуғ санъаткорларнинг руҳини шод этиш, улар яратган образларни яна талқин қилиш бугун А.Ҳидоятов номидаги театр актёрлари зиммасига тушди.

"Отелло" спектаклини режиссёр Барзу Абдураззоқов саҳналаштирган. Отелло ролини Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Элёр Носиров, Дездемона образини Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Раъно Зокирова, Яго ролини Ўзбекистон халқ артисти Афзал Рафиқов, Эмилияни Шоҳида Узоқовалар ижро этишди.

Ушбу спектакл томошабинлар меҳрини қозонди.

ТЕАТРДА АРЧА БАЙРАМИ

Ёш томошабинлар театри республикамиздаги болалар учун ўзбек тилида саҳна асарлари қўйиладиган масканлардан бири саналади. Тошкентда фаолият юритаётган "Республика қўғирчоқ театри" ўз томошаларини ўзбек ва рус тилларида намойиш этади.

Болалар театри катталар театридан катта фарқ қилади. Бу даргоҳга келган болакайга кўпроқ ҳаракатлар, турли ўйинлар орқали томоша кўрсатиш зарур. Сўзнинг кам бўлиши, эпчиллик ва чаққонлик билан бажарилган ҳаракатлар болалар онгида театрга муҳаббат ва ҳавас уйғотади. Мана шу масканнинг илк томошабинлари бўлган болалар кейинчалик спектакл кўриш санъати, маданиятини ўзларида шакллантириб борадилар.

Ёш томошабинлар театри бугунги кунда нафақат мактабгача таълим ёшидаги болалар учун, балки ўқувчилар, ўсмирлар, талабалар учун мўлжалланган саҳна асарларини ҳам театр репертуарига киритган.

"Гап йўқ, қўзичоқ!" спектакли кичкинтойларга мўлжалланган бўлса, "Адвокатлик осонми?", "От йиғлаган томонда", спектаклари талаба-ёшлар учун саҳналаштирилган.

Театр жамоаси маҳаллий ижодкорлар асарлари асосидагина эмас, балки турли халқлар эртаклари, италяьн, инглиз, француз ёзувчилари эртак ва ҳикоялари асосида ҳам саҳна асарлари яратишмоқда.

Бош режиссёр Олимжон Салимов япон халқ эртаги асосида саҳналаштираётган "Турна пати" спектакли ана шулар жумласига киради.

Театр жамоасининг бугунги кунда саҳналаштираётган янги асарлари хусусида ушбу маскан директори Т.Йўлдошев қуйидагиларни гапириб берди:

— Театримиз болажонларга ажойиб янги йил совғасини ҳозирламоқда. Гофман эртаги, П.Чайковский мусиқаси асосида "Янги йил эртаги" номли томошани театрнинг истеъдодли, ёш режиссёрларидан бири Г.Нажидова саҳналаштирмоқда. Биз шундай бир анъанани бошладик. Агар театр рассоми ҳам режиссёрлик қиладиган бўлса, унда яхши натижаларга эришиш мумкин экан. Рассомимиз Н.Глубокина ҳам режиссёр ёрдамчиси, ҳам саҳналаштирувчи рассом бўлиб фаолият юритмоқда. Спектакль ўзбек ва рус тилларида намойиш этилади. Чунки таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблардан ҳам бизга буюртмалар тушмоқда. Яхшиси, газетхонларга янги йил томошалари репертуарини ҳавола этамиз.

Янги йил томошалари

Декабрь 2001 йил	Январь 2002 йил
24.XII.2001 й. 11.00 да 13.00 да	1.01.2002 й. 12,14.00 да 16,18.00 да
25.XII.2001 й.11.00 да 13.00 да	2.01.2002 й. 10,12.00 да 14,16.00 да
26.XII.2001 й.10,12.00 да 14.00 да	3.01.2002 й. 10, 12.00 да 14, 16.00 да
27.XII.2001 й.10, 12.00 да 14.00 да	4.01.2002 й. 10, 12.00 да 14, 16.00 да
28.XII.2001 й.10,12.00 да 14.00 да	5.01.2002 й. 10, 12.00 да 14, 16, 18.00 да
29.XII.2001 й.10,12.00 да 14,16.00 да	6.01.2002 й. 10, 12.00 да 14, 16, 18.00 да
30.XII.2001 й.10,12.00 да 14(рус тилида) 16.18.00 да	7.01.2002 й. 10, 12.00 да 14.00 да
31.XII.2001 й.10.00 да 12.00 да	8.01.2002 й. 10.00 да 12.00 да
	9.01.2002 й. 10.00 да 12.00 да
	10.01.2002 й. 10.00 да 12.00 да

ЁШ МУСИҚАЧИЛАР ТОЛЯТТИДА

Россиянинг Толятти шаҳрида ўтказилган пуфлаб чалинадиган ва зарбли чолғулар ёш ижрочилари бешинчи халқаро танловида Ўзбекистон вакилларидан 5 киши соврин эгалари бўлишди.

Тошкент консерваториясининг 3-курс талабаси Павел Молчанов танлов ғолибларидан бўлди.

Гулистон санъат мактаби қошидаги "Баттерия" студияси ўқувчилари, Наргиза Азаматова, Нозим Қодиров ва Алексей Паклар биринчи, иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашди.

Даста раҳбари Валерий Бекмирзаев ўз шогирдларининг келгуси ижодлари бундан ҳам самарали бўлишига умид билдирди.

"Туркистон-пресс"

Бу гуруҳ аллақачон "ўлим гуруҳи" номини ҳам олишга улгурди. Бунда Аргентина, Англия, Швеция, Нигериянинг бир гуруҳда баҳслашиши сабаб бўлди. Чунки бунга сабаб қилиб тўрт терма жамоаларининг кўрсаткич натижаларидир.

БОКС БЎЙИЧА МАМЛАКАТ ЧЕМПИОНАТИ

Мамлакатимизда бокс бўйича ўтадиган чемпионатга 15-22 декабрь кунлари жиззахликлар мезбонлик қилишмоқчи. Мусобақага ҳозирда яхши тайёргарлик кўрилмоқда. Баҳслар қизғин ўтиши тайин. Чунки терма жамоадаги маълум вазн тоифалари асосан 71 килограмм учун номзод аниқлаш масаласи ҳамон долзарб бўлиб турибди.

Муҳаммадқодир Абдуллаев "профи"га ўтгач, термада 63,5 килограмм вазн ҳам бўшаб қолганди. Бунда шу ўринга ҳам муносиб боксчи аниқланиши мумкин.

БУРЕнинг ЖАРОҲАТИ ХАВФЛИ ЭМАС ЭКАН

Россиялик хоккейчи Павел Буре бу ҳафтада машғулотларга тўлиқ киришди. "Флорида" —«Торонто» учрашувида қаттиқ йиқилгани учун Буре бошидан жароҳат олиб, бир неча тиши синганди. Аввалига клуб шифокорлари унинг бошидан қаттиқ лат еганлигини айтишди. Лекин ванкуверлик амалдорлар Павелнинг тиббий дафтарчасини беришгач, хоккейчининг боши бироз жароҳатланганлигини айтишди. Буре Флоридага ўтгунча "Ванкувер" жамоасида ўйнаган эди.

1 ТА КУМУШ, 2 ТА БРОНЗА

Вьетнамнинг Хошимин шаҳрида дзюдо бўйича ёшлар ўртасида Осиё чемпионати ниҳоясига етди. Унда республикамиз вакиллари ҳам муваффақиятли иштирок этди. Бунда самарқандлик Ўткир Қурбонов ва Бобур Очилов (Чирчиқ)ларга бронза медаллари насиб этди. Бухоролик Алишер Бозоров эса кумуш медални қўлга киритди.

ҲАМЮРТЛАРИМИЗГА ОМАД КУЛИБ БОКДИ

Ватанимиз чарм қўлқоп усталари Россияда ўтказилган халқаро турнирда зафар қучиб қайтишди. Бахит Сарикбаев 63 килограмм вазн тоифасида бош совринни қўлга киритди. Ўткир Ҳайдаров (75 кг) ва Шерзод Ҳусанов (67 кг)лар кумуш медалга сазовор бўлишди. Яна икки нафар ҳамюртимиз Р.Эралиев (57 кг) ва С.Михайлов (85 кг)лар шоҳсупанинг учинчи поғонасини банд қилишди.

"УМИД НИҲОЛЛАРИ" II-БОСҚИЧИ ЯКУНЛАНДИ

Республикамизнинг барча умумий ўрта таълим мактаб ўқувчилари ўртасида "Умид ниҳоллари" мусобақалари II босқичи якунланди.

Республика Халқ таълими вазирлигининг ҳарбий ватанпарварлик ва жисмоний тарбия бўлим бошлиғи ўринбосари Акмал Бобоновдан бу босқич қандай якунланганлиги ҳақида сўрадик .

Жойларда "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларини ташкил этиш Низоми талабларига биноан туман, шаҳар босқичини юқори савияда ўтказиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди. Шу асосида амалий иш ташкил қилинди.

Спорт мусобақалари ўтадиган умумтаълим мактабларининг спорт заллари, майдонлари ва бошқа спорт иншоотлари мусобақалар ўтказиш талабларига биноан жиҳозланди.

Ҳокимлик, вилоят, туман ташкилот ва идораларининг раҳбарлари спортнинг турлари бўйича мутасаддилари томонидан алоҳида тайёргарликлар кўрилганди.

Давлат ва нодавлат ташкилотлари тасарруфидаги барча спорт иншоотлари спорт заллари, футбол майдонлари ўқувчиларнинг II босқич мусобақаларида фаол иштирок этишлари учун тўла ажратиб берилди.

"Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг туман, шаҳар босқичи ғолиблари қимматбаҳо совғалар ва бошқа совринлар билан тақдирланди. Ҳамда бу ишга жойлардаги саҳоватпеша инсонлар, спорт жонкуярлари ва бошқа ҳомийлар бош қўшишди.

Жумладан, Самарқанд вилояти умумий ўрта таълим мактаблари учун Челак туманининг "Ватанпарвар" ташкилоти ва маърифатчилар жамиятидан 195.000 сўм, Самарқанд туманида вилоят касаба уюшмалари томонидан 185.000 сўм, Тайлоқ туманида туман фермерлар уюшмаси ҳамда туман жисмоний тарбия ва спорт қўмиталари томонидан 110.000 сўм маблағ ажратилиб мусобақаларнинг юқори савияда ўтиши таъминлади.

Наманган вилоятида ҳам II босқич мусобақаларини ўтказиш учун 300 дона волейбол тўри, 200 дона волейбол коптоги, 150 жуфт қўл тўпи тўри, 200 дона қўл тўпи коптоги, 50 жуфт футбол дарвозаси тўри, 450 та футбол коптоги, 800 та стол тенниси сеткаси, 300 дона стол тенниси ракеткаси туман спорт қўмиталари, маҳалла қўмиталари ҳамда туман халқ таълими бўлимлари томонидан олиб берилган.

Сирдарё вилояти "Ёшлик" КСЖ томонидан 450.000, сўм вилоят «Камолот» ижтимоий ёшлар ҳаракати томонидан 12.000 сўм, туман, шаҳар халқ таълими бўлимларидан 400.000 сўм, туман касаба уюшмалари томонидан 37.000 сўм маблағ ажратилиб, мактаблар учун зарур спорт анжомлари сотиб олиш учун сарфланди.

Навоий вилояти Конимех туманида ҳам туман ҳокимининг қарори билан ушбу мусобақалар учун 1.000.000 сўм ажратилган.

"Умид ниҳоллари" спорт ўйинларининг II босқич мусобақалари Самарқанд вилоятининг Булунғур, Ургут, Хоразм вилоятининг Шовот, Гурлан, Ҳазорасп, Жиззах вилоятининг Бахмал, Арнасой, Ғаллаорол, Сирдарё вилоятининг Янгиер шаҳри, Ш.Рашидов, Сайҳунобод, Наманган вилоятининг Давлатобод, Наманган, Учқўрғон, Тошкент шаҳрининг Ҳамза, М.Улуғбек, Чилонзор туманларида оммавий ва кўтаринки руҳда ўтказилган.

Ҳозирда, барча вилоятларда ўтказилган I, II босқич мусобақаларида орттирилган тажрибаларга суяниб, вилоят туманлари ўртасида III босқич ўйинларини ўтказиш учун қизғин тайёргарлик ишлари бошланди.

Тайёргарлик қандай бўлгани эса, III босқич якунларида аён бўлади.

Ш.АҲМАТОВ

ТЎГАРАКЛАР — ЭЗГУЛИККА ЕТАКЛАР

Футбол деб аталмиш мусобақа жаҳонда энг оммавий спорт тури, деб тан олинган бўлса, сўнгги йилларда спортнинг яккакураш турларидан бири таэквондо ҳам бу пойгада олдинги ўринга чиқиб олди, десак хато бўлмайди. Зеро, бу спорт турига бўлган қизиқиш ёшлар ўртасида ҳам тобора ортиб бораяпти. Мамлакатимиз бўйича нафақат профессионал спортчилар орасида, балки ҳаваскорлар ўртасида ҳам қатор беллашувлар ўтказилаётир. Ҳеч қандай муболағасиз айтиш мумкинки, баъзи қатнашчиларнинг ўйин усуллари профессионал спортчиларникидан фарқ қилмайди. Пойтахтимизнинг Яккасарой туманидаги 319-мактаб директори Муқаддас Аъзамова спорт тўгаракларини кўпайтириш тарафдори. Чунки, спортни севган ўғил-қизлар таълим олиш қадрига ҳам етадилар, дейди у.

Дарҳақиқат, ҳозир 1060 нафар ўғил-қизни ўз қучоғига олган мактабда турли хил — шахмат-шашка, баскетбол, волейбол, таэквондо тўгараклари фаолият кўрсатмоқда. Қувонарлиси, пойтахтимизда мактабларо ўтказилган "Умид ниҳоллари" мусобақасида ушбу мактаб ўқувчилари шахмат бўйича фахрли ўринларни эгаллашди.

Дарвоқе, таэквондо бўйича очилган тўгаракга кореялик мутахассис Ким Ин Хо раҳбарлик қилади. Тўгарак аъзолари мусобақаларда фахрий ўринларни эгаллаб келишлари, уларни янада руҳлантириб спорт билан доимий равишда шуғулланишга ундамоқда.

Биз тўгарак қатнашчиларининг айримларини суҳбатга чорладик. Азиз Файзуллаев мактабнинг 6-"А" синф ўқувчиси "Тайгер" (Тигр) жамоасининг етакчи қатнашчиси:

— Билим олиш билан бирга жисмонан ҳам етук инсон бўлиб камол топиш зарур. Мен ҳам келажакда юртдошларимиз: — Ирода Тўлаганова, Рустам Қосимжонов, Артур Григорьянлар сингари юртимиз байроғини янада баланд кўтариш орзусидаман. Бу орзуларимнинг рўёбга чиқишидан кореялик устозим Ким Ин Ходан олган сабоқларим қўл келади, деган умиддаман.

—Жамоани нега айнан "Тайгер" деб номлагансизлар? — деган саволимизга 7-"А" синф ўқувчиси Раъно Юсупжонова шундай жавоб берди:

— "Тайгер" деб номлашимиздан мақсад, бу сўз корейс тилидан "шер" деб таржима қилинади. Шер эса биласизки, кучли, довюрак, шижоатли ҳайвондир, шу билан бирга уни ҳайвонлар подшоҳи ҳам дейишади. Шу сабабдан биз шер каби довюрак, қўрқмас, чаққон бўлишни хоҳлаймиз ва бунга интиламиз, бошқа яккакураш турлари каби таэквондода ҳам қўрқув, деган нарса бўлмаслиги керак. Юқоридаги хусусиятларга эга бўлиш учун эса доимий равишда машғулотларга қатнашиб келаяпмиз ва худо хоҳласа, келажакда халқаро мусобақаларда ғолиб чиқиб, мустақил Ўзбекистонимиз шуҳратини янада кўпроқ ёйишни ният қилаяпмиз.

Ҳилола ФАЙЗУЛЛАЕВА,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси

ЖЧ-2002: ҚУРЪА НАТИЖАЛАРИ

ЖЧ-2002 учун қуръа ташланганлиги ҳақида хабар бериб ўтган эдик. Асли ФИФАда қуръа ўтказишнинг 6 та варианти мавжуд. Бу вариантларнинг қайси бирининг танланишини ташкилий қўмиталар ҳал қилади. Ҳамда танланган вариант асосида Халқаро футбол федерацияси бош котиби ўтказади. Бу йилги қуръани швейцариялик 42 ёшли Мишель-Зен-Руффинен амалга оширди.

Мутахассисларнинг айтишича, қуръа ташлашнинг тамойиллари қуйидагича эди. Гуруҳлар "маткалар"и терма жамоаларнинг охирги учта жаҳон биринчиликларидаги ҳамда ФИФАнинг сўнгги 3 йилдаги рейтингидаги кўрсаткичларига қараб аниқланди.

Шундай қилиб, қуръа ташланди.

Кўпчиликнинг эътироф этишича, гуруҳлар баҳсида энг қизиқарли ўйинлар "F" гуруҳида кутилмоқда. Бу гуруҳ аллақачон "ўлим гуруҳи" номини ҳам олишга улгурди. Бунга Аргентина, Англия, Швеция, Нигериянинг бир гуруҳда баҳслашиши сабаб бўлди. Чунки бунга сабаб қилиб тўрт терма жамоаларининг кўрсаткич натижаларидир. Қуръа натижаларини кузатган кўпгина мухлислар аллақачон қайси терма жамоанинг гуруҳида ғолиб бўлишини тахмин қилишмоқда. Майдон текис, тўп юмалоқ, деб бежиз айтилмаган. Натижаларнинг ҳаммасини вақт кўрсатади. Гуруҳ баҳсларини сиз мухлисларга тақдим этмоқчимиз.

ГУРУҲ БАҲСЛАРИ			
31 май	Сеул	A	Франция —Сенегал
1 июнь	Ульсан	A	Уругвай — Дания
	Ниигата	E	Ирландия — Камерун
	Саппора	E	Германия —С.Арабистони
2 июнь	Пусан	B	Парагвай — ЖАР
	Кванджу	B	Испания — Славения
	Сайтама	F	Англия — Швеция
	Касима	F	Аргентина —Нигерия
3 июнь	Ульсан	C	Бразилия — Туркия
	Ниигата	G	Хорватия — Мексика
	Саппоро	G	Италия — Эквадор
4 июнь	Пусан	D	Жанубий Корея — Польша
	Кванджу	C	Хитой — Коста-Рика
	Сайтама	H	Япония — Бельгия
5 июнь	Сувон	D	АҚШ — Португалия
	Касима	E	Германия — Ирландия
	Кобе	H	Россия — Тунис
6 июнь	Пусан	A	Франция —Уругвай
	Тэгу	A	Дания — Сенегал
	Сайтама	E	Камерун — С.Арабистони
7 июнь	Чонджу	B	Испания — Парагвай
	Саппора	F	Аргентина — Англия
	Кобе	F	Швеция — Нигерия
8 июнь	Тэгу	B	ЖАР — Словения
	Согвипо	C	Бразилия — Хитой
	Касима	G	Италия — Хорватия
9 июнь	Инчхон	C	Косто-Рика — Туркия
	Сендай	G	Мексика — Эквадор
	Иокогама	H	Япония — Россия
10 июнь	Тэгу	D	Ж.Корея — АҚШ
	Чонджу	D	Португалия — Польша
	Оита	H	Тунис — Бельгия
11 июнь	Сувон	A	Сенегал — Уругвай
	Инчхон	A	Дания — Франция
	Иокогама	E	С.Арабистон — Ирландия
	Сидзуока	E	Камерун — Германия
12 июнь	Тэджон	B	ЖАР — Испания
	Согвипо	B	Словения — Парагвай
	Сендай	F	Швеция — Аргентина
	Осака	F	Нигерия — Англия
13 июнь	Сеул	C	Туркия — Хитой
	Сувон	C	Коста-Рика — Бразилия
	Оита	G	Мексика — Италия
	Иокогама	G	Эквадор — Хорватия
14 июнь	Тэджон	D	Польша — АҚШ
	Инчхон	D	Ж.Курия — Португалия
	Осака	H	Япония — Тунис
	Сидзуока	H	Бельгия — Россия
1/8 ФИНАЛЛАР			
15 июнь	Согвипо	№1. "E" - 1-ўрин — "B" - 2-ўрин	
	Ниигата	№5. "A" - 1-ўрин — "F" - 2-ўрин	
16 июнь	Оита	№2. "B" - 1-ўрин — "E" - 2-ўрин	
	Сувон	№6. "F" - 1-ўрин — "A" - 2-ўрин	
17 июнь	Чонджу	№3. "G" - 1-ўрин — "D" - 2-ўрин	
	Кобе	№7. "G" - 1-ўрин — "H" - 2-ўрин	
18 июнь	Сендай	№4. "D" - 1-ўрин — "G" - 2-ўрин	
	Тэджон	№3. "H" - 1-ўрин — "G" - 2-ўрин	
ЧОРАК ФИНАЛЛАР			
21 июнь	Сидзуока	"A". №1 ғолиби - №3 ғолиби	
	Ульсан	"C". №5 ғолиби - №7 ғолиби	
22 июнь	Кванджу	"B". №2 ғолиби - №4 ғолиби	
	Осака	"D". № 6 ғолиби - №8 ғолиби	
ЯРИМ ФИНАЛЛАР			
25 июнь	Сеул	"A" ғолиби - "B" ғолиби	
26 июнь	Сайтама	"C" ғолиби - "D" ғолиби	
29 июнь	Тэгу	**3-ЎРИН УЧУН УЧРАШУВ**	
30 июнь	Иокогама	**ФИНАЛ**	

Чайқалади кузги дарахтлар,
Япроқлардан тўкилар оҳанг.

"ЎЗБЕКИСТОН ҚОМУСИ"

МУАММОНОМА ВА АЙЛАНМА КРОССВОРД

Аввало қуйида изоҳлари баён этилиб рақамларда ифодаланган сўзларни топиб, очқични ҳал этинг.

1. Давлатимизнинг бош қомусимизда қайд этилган рамзларидан бири — 6,24, 22, 8.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатларининг навбатдаги таркиби — 11, 2, 10, 4, 22, 4, 10.

3. Маълум фаолият, масалага оид қонун-қоидалар мажмуи — 1, 4, 23, 3, 14.

4. Ватанимиз ҳукуматининг олий нишонларидан бири — 9, 12, 20, 21, 5, 4, 15.

5. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини ўрганиш билан ҳар биримизда пайдо бўладиган фахр ҳисси — 13, 7, 22, 7, 13.

6. Саноатлашган маъмурий-ҳудудий бўлинма — 18, 2, 25, 2, 22.

7. Маълум бир шахс, ташкилот, давлат номидан иш олиб бориш учун берилган ҳуқуқ — 17, 2, 15, 3, 5, 2, 21.

8. Озод, ҳур, ҳар жиҳатдан мустақилликка эгалик — 16, 22, 15, 4, 1.

9. Жамиятнинг ишлаб чиқариш, ижтимоий ва маънавий ҳаётида қўлга киритилган барча ютуқлари мажмуи — 14, 2, 9, 2, 1, 4, 19, 21.

Жавоб сўзларидан фойдаланиб, шакл марказидаги рақамларни ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани ҳал этинг. Бунда атоқли шоиримиз Абдулла Ориповнинг шеъридан тўрт мисра билиб оласиз. Мазкур мисралар ижодкорнинг қайси шеърида баён этилганлигини биласизми?



Айланма кроссаворд

Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида: 1. Конституциямизнинг VII боби номидан: "Шахсий... ва эркинликлар". 2. Олий Мажлис томонидан қабул қилинган, ҳамма учун мажбурий бўлган расмий қоида. 3. Давлат рамзи. 4. Биринчи бобдан: "... халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади". 5. Овоз бериш йўли билан ўтказиладиган сиёсий тадбир. 6: Мамлакат аҳолиси. 7. Мамлакатимиз Президенти томонидан имзоланадиган, қонун кучига эга бўлган ҳужжат. 8. Депутатликка сайлаш учун тавсия этилган шахс. 9. Ўзбекистон Республикасидаги сиёсий партиялардан бири. 10. "Сиёсий ҳуқуқлар" бобидан: "Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, масалаларига ёки халқ вакилларига ариза, ... ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга". 11. Диёримиздаги маъмурий-ҳудудий бўлинма. 12. Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири, Давлатимиз мадҳияси муаллифи. 13. Аҳолининг айрим шахслари учун қонунда белгиланган енгиллик. 14. "Ҳамма учун... эркинлиги кафолатланади" — Конституциямиздаги "Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар" бобидан. 15. Бош қомусимизнинг йигирма олтинчи моддасидан: "Судда айбланаётган шахсга ўзини ... қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади". 16. Маълум бир вазифани ташкил қилиш, амалга ошириш тамойили. 17. Ватанимиз Президенти тайинлайдиган ва бирор соҳани бошқарадиган шахс. 18. Ўзбекистон Республикаси олий нишонларидан бири. 19. Халқимизда "Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси"ни қадрлаш, улуғлаш, эъзозлаш туйғуси. 20. Асосий қомусимизнинг 41-моддасидан: "... ишлари давлат назоратидадир". 21. Давлатимиз қомусимизнинг олтмиш тўртинчи моддасидан: "Давлат ва ... етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди". 22. Амалга ошириладиган иш ҳаракатнинг режаси. 23. Ҳуқуқнинг маълум соҳасига оид тартибга солинган қоидалар мажмуи. 24. Ишчи ва хизматчиларнинг оммавий, бирлашган ташкилоти. 25. Бирор вазифани амалга ошириш пайти. 26. Юритилган фикр ёки мулоҳазанинг мантиқий натижаси. 27. Эришиш, амалга ошириш учун кўзда тутилган муддао. 28. Қомусимизнинг "Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар" бобидан: "Бепул умумий ... олиш давлат томонидан кафолатланади". 29. Бош қомусимизнинг "Фуқароларнинг бурчлари" бобидан: "Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ... ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар". 30. Қомусимиз асосида амалга оширилаётган бунёдкорликдан юзага келадиган завқ-шавқ.

Фозилжон ОРИПОВ тузди.

Ko'ngil bitiklari

СУҲБАТИМИЗ

Суҳбатимиз узоқ
чўзилар, —
Тун чўзилмайди фақат!
Ойга етиб сўзимиз қолар,
Юлдузларга етмайди
фурсат!

Суҳбатимиз узоқ
чўзилар —
Кун чўзилмайди фақат!
Боғда яна изимиз қолар,
Гул шохида ҳаяжон,
ҳайрат!

Суҳбатимиз узоқ
чўзилар —
Дилда оташ, дилда
муҳаббат!
Бу қўшиқни куйлаб
ўтганлар
Бир умрга куйларкан
фақат.

МЕҲР

Чайқалади кузги
дарахтлар,
Япроқлардан тўкилар
оҳанг.
Боғда ёлғиз қолиб
кетаман,
Хаёлларга бўлиб
ҳамоҳанг.

Турналарнинг мунгли
саслари
Олислардан беради садо.
Юрагимга ғулғула солар,
Оҳорлари кетмаган наво.

Кипригимга илиниб мезон
Шошилмасдан бормоқда
ўтиб.
Меҳр билан, муҳаббат
билан
Хазонларни қўяман ўпиб.

Неъматилло ХИДИРОВ,
Қўшработ туманидаги
21-мактаб
ўқитувчиси

ЭЪЛОН

Қарши аграр иқтисодиёт институти томонидан 1993 йилда Бозорова Ҳулкар номига берилган ФВ №988006 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги жамоаси Наманган вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи ўринбосари **Мирзараҳим ҒОФУРОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдириб, таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси жамоаси Марказий қўмита етакчи мутахассиси Маҳмудахон Мирзаевага қайнонаси **МАТЛУБА аянинг** вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.

Газета материаллари «Ma'rifat-Madadkor» нашриётида терилди. Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

Навбатчи муҳаррир: Шарифа МАДРАҲИМОВА.
Навбатчи: Ҳусан НИШОНОВ.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.
ИНДЕКС: 149, 150.
Г-3117. Тиражи 14 527
Г. 1 2 3 4 5 6
Ҳажми 8 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-3.

Босишга топшириш вақти — 20.00.
Топширилди — 20.00